Бахтли оила

Кириш

Отамиз ҳазрати Одам ва онамиз ҳазрати Ҳаво билан бошланган инсонлар жамияти оилалардан ташкил топган. Оила – жамият пойдевори. Пойдевор соғлом бўлмаса, жамиятнинг соғлом бўлиши мумкин эмас. Одам аҳлини миллат ва уммат қилган, маънавий қадриятларнинг наслдан наслга ўтишини таъминлайдиган энг асосий восита оиладир. Бажарилиши лозим бўлган вазифалар борасида оиланинг ўрнини боса оладиган бошқа бир ташкилот йўқ.

Инсон ҳаётнинг турли хил қийинчилик ва дардларини бир ўзи кўтариши душвор, қайғу ва қувончларига шерик бўладиган бошқа кишиларга эҳтиёжи бўлади. Кишининг энг яқин ҳаётий дўсти турмуш ўртоғидир. Эру хотин бир-бирлари учун Аллоҳнинг буюк илтифоти ҳисобланади. Ҳақ Таоло ўз каломи шарифида бу хусусда шундай марҳамат қилади:

"*Унинг оятларидан (яна бири) - У зот сизлар ҳамдам бўлишларингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратди..."*[1] (Рум сураси, 21-оят).

Оила жаннат гўшаларидан бир гўшадир. Ҳақиқий бахтга фақат оиланинг соғлом мухитида эришмоқ мумкин. Севги, ҳурмат, бирдамлик ва бир-бирини тушуниш асосига қурилган оила жамиятнинг моддий ва маънавий суғуртасидир.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётдаги улкан ўзгаришлар, бошқа соҳалар каби, оила ҳаётида ҳам бир қанча янги тушунча ва ўзгаришларга йўл очмоқда.

Ғарбда, айниқса, саноат давридан кейин бошланиб тобора кучсизланиб бораётган, бугунги кунда инқирозга юз тутган оила ҳаёти бизнинг келажагимизга ҳам катта таҳдид солмоқда.

Турмуш қуриш камайиб, ажрашиш кўпайган, ношаръий ҳаёт чегара билмас ҳолга келган ғарб жамиятларидаги ижтимоий ва маънавий касалликлар ўз-ўзидан дунёнинг бошқа ўлкаларига ҳам таъсир этмоқда. Соғлом оила, соғлом ҳаёт тарзига эга бўлган шарқ ўлкалари ҳам бундай хавфли ва хатарли таъсирдан четда қолаётгани йўқ.

Бу эса юртни, миллатни севадиган, маънавияти бутун, ўтмиш ва келажакка теран боқувчи кишиларни ўринли ташвишга солиб, оилани ёт таъсирлардан асраш учун чора излашга мажбур қилмоқда.

[1] Бу ва кейинги оятларнинг таржима ва изоҳи Алоуддин Мансурга тегишли (тарж.)

Мазкур асарни ёзишдан мақсад ҳам бу борасида миллатга, жамиятга озгина бўлса-да, наф келтиришдир. Ушбу асарда оиланинг моҳияти, аҳамияти, тарихий ривожланиши, тузилиши, оиладаги саодат тамойиллари, оилани ҳимоя қилиш, бу хусусда кишиларнинг вазифалари ва бошқа шу каби муҳим мавзуларни ёритишга, ибрат бўлиши учун Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг оилавий ҳаётларини кўрсатишга ҳаракат қилдик.

Оила каби муҳим мавзуда асар яратиш осон эмас, саъю ҳаракатларимиздан китобхонларга озгина фойда тегса, ўзимизни бахтиёр ҳисоблаймиз.

Ғайрат биздан, муваффақият эса буюк Аллоҳдандир.

Муаллиф

Оила таърифи

Оила туғилиш, никоҳ ва эмикдошлик сингари ришталар билан бир-бирига боғланган ижтимоий ва диний кишилик тўплами, кичик бир жамиятдир.

Оилани ташкил этадиган шахслар даврларга, минтақаларга, ижтимоий, иқтисодий ва диний тузилишларга кўра турлича бўлган. Катта оила бир оила бошлиғи бошчилигида умр йўлдош, бола, невара, келин, куёв, амаки, тоға, амма ва холалардан ташкил топади. Минглаб аъзоли оилалар бўлганидай, эр-хотин ва болалардан иборат кичик оилалар ҳам мавжуд. Ҳозирги кунда кўпчилик оилалар кичик оила типини ташкил этади.

Оилаларни тузилишига кўра турли гуруҳларга бўлиш мумкин. Оилада бошлиқ ота бўлса, бунга патриархал оила, аксинча, бошлиқ она бўлса матриархал оила дейилади. Бундан ташқари умр йўлдошларнинг сонига қараб оила бир умр йўлдошли (моногам) ва кўп умр йўлдошли (полигам) турларга бўлиш мумкин.

Динларга ва миллатларга кўра оила

Яҳудийликда оила ижтимоий ва диний моҳиятга эга бўлиб, ҳам патриархал, ҳам кўп умр йўлдоши (полигам) хусусиятларини ўзида акс эттиради. Бу динда турмуш қурмаслик гуноҳ ҳисобланади, турмуш қуриш, асосан, Исроил ўғил-қизлари орасида

бўлади. Ташқаридан уйланиш ёки ташқарига қиз бериш уларга маъқул келмайди. Ажралиш яҳудийлик динида шаръий деб қабул қилинган.

Христианларнинг оила тузилиши яҳудийларникидан унчалик фарқ қилмайди. Уларда оила тамоман диний ташкилот сифатида қабул қилинган. Ҳазрати Исога (а. с.) кўра, оила аъзолари ўртасидаги муносабат инсон билан Аллоҳ ўртасидаги муносабатнинг бир кўриниши ва инсоннинг руҳий-маънавий ривожланишининг воз кечилмайдиган бир унсуридир.

Яҳудийлик каби мазкур динда ҳам оилада ота бошлиқ ҳисобланади. Хотин эрига Раббисига бўйсунгандай бўйсунади. Эр-хотин бир бадандай бўлганликлари учун айрилиш мумкин эмас, деб ҳисобланади. Бундан англашиладики, христианликда ажралиш ман этилган. Бу ҳол ўз-ўзидан оилаларда ижтимоий ва ахлоқий муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Чунки умр йўлдошидан ажралиш имконини топа олмаганлар ғайриқонуний алоқалар қуриши табиий. Бу эса оиланинг маънавий бузилишига сабаб бўлмоқда. Христиан оиласини бир умр йўлдошли (моногам) дейиш мумкин.

Қадимги туркларда оилалар патриархал шаклда бўлган. Фақат Рим жамиятларидаги сингари оила бошлиғининг ҳуқуқи, ваколати чексиз бўлмаган. Қадимги туркларда уйланадиган эркак аёлнинг оиласига маълум миқдордаги пул ёки мол, яъни қалин берар ва бу маблағ қизнинг тайёрланиши учун сарфланар эди. Унча ёйилмаган бўлса-да, кўп хотинлилик қадимги туркларда бўлганлиги маълум.

Жоҳилият даврида араб оиласи

Жоҳилият даврида оилаларнинг мустақил бир борлиқ эканлигини айтиш қийин. Инсонлар кўпроқ бир оилага эмас, бир қабилага мансуб ҳисобланарди. Ҳошим ўғиллари, Мутарриф ўғиллари, Лиҳб ўғиллари каби кўчманчи элатларга бўлинарди. Оилалар, асосан, патриархал эди. Қуллар ҳам оиланинг аъзоси ҳисобланарди. Қариндошлик муносабати деярли эрнинг уруғлари билангина қурилар эди. Эркак жангчи бўлгани учун доимо аёлдан олдин турарди. Эркаклар хоҳлаган сонда аёлларга уйланишлари ва хоҳлаган пайтда ажралишлари мумкин эди. Никоҳсиз яшаш ва турли хил уйланиш шакллари мавжуд эди. Араблар ўғил туғилса хурсандчилик қилишар, қиз

туғилса, ғам чекар эдилар. Бу холат уларни қизларни тириклайин кўмиш даражасига олиб борган. Қуръони Каримда уларнинг бу разил ишлари шундай тасвирланади:

"Қачон бировларига қиз (кўргани ҳақида) хушхабар берилса, ғазабга тўлиб, юзлари қорайиб кетар. Ва у (қизни) хорлаган холида олиб қолиш ёки (тириклай) тупроққа қориш (тўғрисида ўй суриб), ўзига хушхабар берилган нарсанинг (яъни қиз кўришнинг) "ёмон"лигидан (номус қилиб) одамлардан яшириниб олур. Огоҳ бўлингизки, улар (бу қилмишлари билан) энг ёмон (яъни ноҳақ) ҳукм чиқарурлар".

Жоҳилият даврида аёллар ҳайз кўрган пайтларида эри улар билан бир хонада ўтирмас, бирга еб-ичмас, шу туфайли оилада аёлнинг аҳамияти йўқ эди. Уларга эркакларнинг жинсий эҳтиёжларини қондирувчи сифатида қаралар эди.

Қадимги Миср, Бобил, Хитой ва Ҳиндистонда аёлнинг оиладаги ўрни жуда аҳамиятли эди. Ҳатто Хитой ва Ҳиндистонда оила бошлиғи она эди. Лекин кейинчалик бу хусусиятлар сақланиб қолмаган.

Исломда оила

Исломда оила диний моҳиятга ҳам эга. Оила қуриш ҳаж каби ҳам молиявий, ҳам бадан ибодатдир. Баъзи олимлар оила қуриш нафл намозларидан фазилатлироқ деганлар.

Уйланишнинг шаръий, ақлий ва табиий сабаблари мавжуд. Оила қуришга ундайдиган бир қанча оят ва ҳадислар бор. Бундан ташқари инсон ўзидан сўнг наслининг давом этишини истайди. Бу эса фақат турмуш қуриш йўли билан бўлади. Бошқа тарафдан оила қуриш табиий эҳтиёждир. Аёл ва эркак табиатида мавжуд бўлган жинсий майлни шаръий йўл, яъни никоҳ билан қондириш шарт. Исломда никоҳдан ташқари бўлган жинсий алоқалар харом қилинган. Исломий оила дин ва насл-насабга таянади.

Оиланинг аҳамияти

Инсоннинг бўйнида бир талай масъулиятлари бор. Қуръон таъбири билан айтганда "Омонат" юкланган. (Аҳзоб 72) Инсон борлиқнинг безаги, махлуқотларнинг энг шарафлиси ва Аллоҳнинг ердаги халифасидир. Инсон бўйнидаги омонатини адо

этишда ёрдамга муҳтож бўлади. Бу мадад марказдан узоққа - оила, қўшни, миллат, уммат шаклида бўлади. Марказ, яъни оила бир вақтнинг ўзида пойдевордир. Инсон жамиятларини миллат ва уммат қилган, маънавий қадриятларнинг наслдан наслга ўтишини таъминлайдиган, бу оиладир. Унинг ўрнини боса оладиган бошқа ҳеч қандай ташкилот йўқ.

Оилаларнинг арзимас сабаблар туфайли бузилиб кетиши, жамиятни ҳалокат ёқасига олиб келиши муқаррар. Оила нақадар соғлом бўлса, жамият ҳам шундай бақувват бўлади. Оила бизни ҳаётнинг қийинчиликларидан, изтиробларидан тортиб чиқарадиган, ички оламимизни ойдинлатадиган, бизга ҳаёт курашида куч ва жасорат берадиган ишонч манбаидир.

Ҳаётда биргина юракнинг ўзи кўтара олмайдиган ғаму ташвишлар бисёр. Баъзан чидаш қийин бўлган, қалбни эзувчи тоғдай дардларни кўнгилга яқин одамга айтсангиз, ўз кучини йўқотади – арийди. Киши ҳасратларини энг яқин ва севган инсонларигагина айта олади. Инсонга энг яқин одам эса аксарият холларда унинг умр йўлдоши бўлади.

Бу яқинликни Қуръони Карим шундай билдиради:

"Улар сизларнинг либосингиз, сизлар улар учун либоссиз (яъни эр хотин бир-бирига киши либосга мухтож бўлгани каби мухтождирлар)" (Бақара сураси, 187-оят).

Кийим аъзоларни бекитиши, совуқ ва иссиқдан сақлаши каби ҳар бирингиз ўз жуфтларингизни асрайсизлар, номусларингизни ҳимоя қилиб, бир-бирларингизни гуноҳ ишлардан муҳофаза этасизлар. Оятда ўхшатилганидай, кишига ҳеч ким умр йўлдоши каби яқин бўлолмайди. Яна, Қуръони Каримнинг ифодасига кўра, инсоннинг ҳузур хотиржамлик, ҳаловат топадиган жойи оиладир. Жаноби Ҳақ шундай дейди:

"Унинг оятларидан (яна бири) - У зот сизлар ҳамдам бўлишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратиши ва ўрталарингизда ошнолик ва меҳр-муҳаббат пайдо қилишидир. Албатта бунда тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибратлар бордир" (Рум сураси, 21-оят).

Бу оят оила суянадиган аҳамиятли психологик ва биологик унсурларга ишорат этяпти. Инсон севги, ҳузур ва қониқиш сингари туйғулар билангина бахтли бўлиши мумкин.

Фахриддин Розий айтганидай, эр-хотин ўртасидаги севги ва шафқат бошқа қариндошлар орасида топилмайди. Эр-хотиннинг бир-бирига бўлган муҳаббати фақат нафсоний завқ олиш атрофидаги майда тушунча эмас. Чунки бу завқ узлуксиз, чексиз давом этмайди, Аллоҳ томонидан инъом этилган севги эса боқийдир. Эр-хотиннинг севгиси, уларни бир-бирига боғлаб турувчи ришта фақат жинсий истак бўлганда эди, инсонда пайдо бўладиган ғазаб бу майлни йўқ қилиб юбориши муқаррар. Бундай ҳолатда оилаларнинг бузилиши кескин тарзда кўпайиб кетар эди. Аллоҳдан келадиган бу севги соясида инсон умр йўлдошининг ситамларига чидайди. Эр-хотин муносабати фақат жинсий истакка боғлиқ бўлганда умр йўлдошнинг касал бўлиши ёки қариши сабаби билан жинсий истакдан маҳрум бўлганларидаёқ ўртадаги севги, муҳаббат дархол кўтарилар эди. "Никоҳда каромат бор" деган ҳикмат худди шунга ишора қилади. Никоҳ эру хотинни бир-бирига боғлайдиган, мажбур бўлмаганда асло ечилмаслиги лозим бўлган бир боғдир. Ушбу риштадан маҳрум бўлганларнинг нафсоний туйғулари шайтони йўлларга судрайди.

Инсон учун илк мактаб оила мактабидир. Ота-онанинг меҳрини боса оладиган бошқа нарса йўқ. Ҳазрати Одам Ато ва момо Ҳаволардан эътиборан жамиятнинг бирламчи ва асосий устуни оила бўлиб келган. Оиланинг нечоғли зарурлигини таъкидлаган ҳолда, Ислом дини оила қуришни доимо тарғибу ташвиқ қилган, бу ҳақда хатто оятлар нозил бўлиб, бир қанча ҳадиси шарифлар ривоят қилинган.

Никоҳнинг хосияти ва никоҳсизлик фалокати

Оиланинг пойдевори никоҳдир. Никоҳ ёлғиз инсонларгагина хос фазилат. Ҳайвонлар ўртасидаги жинсий муносабатда никоҳ бўлмаслиги маълум. Зеро, ҳайвонларнинг оила ва жамият қуришларига ҳожат йўқ. Ҳашаротлардан қушларгача, хонакилардан ваҳшийларгача, барча жонзотларда наслни давом эттириш тартиблари бўлсада, бу жараёнларни никоҳ билан қиёс қилиб бўлмайди. Қуш уя қуради, тухум қўяди, боласини катта қилиб учиради, лекин кейин уни танимайди. Бир қанча полапонлар келажакда ўзларининг оналари билан ҳам жуфтлашишлари мумкин (айримлари бундан мустасно). Аллоҳ Таолонинг ҳикматини қарангки, инсонларни турли-туман қилиб яратган. Фараз қилинг, агар одамлар ҳам ҳайвонлардай бир-бирларига ўхшаган бўлганларида оила, никоҳ тартиблари бузилиб, жамият остин-устин бўлиб кетарди.

Ҳақ таолонинг яна бир ҳикмати урғочи ҳайвонлардан фарқли ўлароқ, аёлларда бокираликнинг мавжудлигидир. Бокиралик соғлом оила қуришнинг шартларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда никоҳ ва бокираликка қарши кишилар инсонларга хос бўлган иккита хусусиятга, демакки, ҳам оилага, ҳам инсоний қадр-қийматга қарши чиқмоқдалар. Очиқроқ айтганда, ҳайвоний ҳаётни истамоқдалар.

Никоҳсиз яшаш кенг ёйилган жамиятларда оила, шунингдек, ижтимоий тартибларнинг қандай аянчли, фожеали эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Баъзи ғарб давлатларида болаларнинг 40 фоизи, никоҳсиз алоқа натижасида дунёга келганлиги маълум. Уйланишни кулфат деб ҳисоблаб, ҳайвонлардай "эркин" яшаётган кишилар жамиятида моддий ва маънавий муаммолар кун сайин ортиб бормоқда. Яна турли хил бедаво касалликлар пайдо бўлмоқда. Бу фалокатни англаган баъзи ғарблик олимлар, мутахассислар оилани қувватлантириш, никоҳ билан фарзанд кўришни кучайтириш учун турли хил компаниялар тузишган.

Афсуски, кўпгина шарқ ўлкаларида оила хусусида ғарбнинг пушаймон бўлиб, тарк этётган сиёсатлари кузатилмоқда, айниқса, беҳаё фильмларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш билан оила дарахтининг ўқилдизига болта урилмоқда, янги авлод вакиллари фаҳш ва бузуқ ишлар гирдобига тортилмоқда.

Турмуш қуриш зарурати

Турмуш қуришни тақазо қиладиган шаръий, ақлий ва табиий сабабларга қисқача изоҳ берайлик 1. Шаръий сабаблар: турмуш қуришнинг шаръий ва мақбул амал эканлигида иттифоқлик бор. Бу Китоб, Суннат ва ижмо билан собитдир. Каломи шарифдан далил ушбу оятлардир.

"Сизлар учун никоҳи ҳалол аёлларга иккита, учта, тўрттадан уйланаверинглар энди агар (улар орасида) адолат қила олмасликдан қўрқсангиз, бир аёлга (уйланинг)" (Нисо сураси, 3-оят).

"Ораларингиздаги тул-беваларни ҳамда қул ва чўриларингизни яхшиларини уйлантиринглар. Агар улар камбағал бўлсалар Аллоҳ уларни ўз фазлу-карами билан бой-беҳожат қилур. Аллоҳ (фазлу-карами) кенг, билгувчидир" (Нур сураси, 32-оят).

Суннатдан далил сифатида 2 та ҳадис келтирамиз:

"Эй, ёшлар гуруҳи! Сизлардан кимни турмуш қуришга кучи етса, дарров уйлансин. Зеро, турмуш қуриш кўзни ҳаромдан сақловчи, иффатни ҳимоя қилувчидир. Кимнинг кучи етмаса, рўза тутсин. Чунки рўза тутиш шаҳватни бартараф этади".

"Туғадиган, севимли аёлларга уйланинглар. Чунки мен қиёмат кунида бошқа умматлар олдида сизлар билан фахрланаман".

2. Ақлий сабаблар: Ҳар бир ақл соҳиби номи ва хотирасининг қолишини, вафотидан сўнг ўзини яхшилик билан ёд этувчилар бўлишини истайди. Буни эса турмуш қуриш ва кўпайиш билан амалга ошириш мумкин. Фарзанд кўрмаган оилаларнинг бу орзуга етишиш учун қанчадан-қанча маблағлар сарфлашлари маълум.

3. Табиий сабаблар: Эркак билан аёл ўртасида табиий майл бор. Ислом бу майлни шаръий йўл билан қондиришни талаб этади. Инсонларнинг жинсий истакка бепарво бўлишлари ақлга сиғмайдиган холатдир. Бу майл, асосан, бутун борлиқлар орасида мавжуд. Оламда тескари қутбли (манфий, мусбат) электронлар тортишса, бир хил қутбли электронлар бир-бирларини итарадилар. Ҳатто ўсимликлар орасида эркак ва урғочи муносабати исботланган. Жуфтлашиш даврида эркак хурмо дарахтининг урғочи хурмо дарахтига бўлган майли кузатилган. Жинсий истакни шаръий қондириш йўли турмуш қуришдир. Акс ҳолда бу эҳтиёж ношаръий йўлларга бошлаши аниқ. Қўл билан жинсий истакни қондириш, гомосексуаллик, ҳайвонлар билан муносабат каби ғайритабиий, ғайриинсоний ҳаракатларни турмуш қурмаслик келтириб чиқаради. Оила қурмаслик инсоннинг руҳий мувозанатини бузиб, моддий ва маънавий дарбадарликка, тартибсизликка йўл очади. Шунинг учун Ислом дини турмуш қуришга буюриб, бесабаб уйланмаслик ва турмушга чиқмасликни ман қилган. Зеро, таркидунёлик инсон фитратига тескаридир. Инсоний туйғуларини бўғишга, ўлдиришга эмас, балки барчасини шаръий йўл билан қондиришга масъулмиз. Мол-дунё ҳирси, еб-ичиш ва жинсий истаклар баъзан кичкина бир дарё ҳолига келади. Агар улар ҳалол ва тартибли равишда бир ўзанга, солинмаса, атрофни бузиб, йиқиб кетади. Ношаръий муносабатларнинг жамиятларни қандай аянчли, танг бир холга келтириши, оилавий, миллий, умуминсоний бебаҳо қадриятларга, урф-одатларга, анъаналарга ўт ёқиши беш қўлдай аён.

Миллатлар ўз борлиқ ва бирликларини давом эттиришлари учун ёшларни турмуш қуришга жалб этиш йўлида чора излаганлар. Рим императорлигида никоҳсиз айшу-ишратлар кенг ёйилганидан оила кучсизланиб қолган эди. Шу сабабли император

Августнинг чиқарган Фармонига биноан ҳар ким турмуш қуришга, турмуш қурганлар эса фарзанд кўришга мажбур эди. Бу қонунга бўйсунмаганлар оғир жазога маҳкум этиларди.

Турмуш қуришми ёки бўйдоқлик?

Ад-дуррул мухтор (Саралanган жавоҳир) номли фиқҳ китобининг никоҳ бўлими шу сатрлар билан бошланади: "Никоҳдан, имондан бошқа одамзотга ҳатто Жаннатда ҳам давом этадиган ибодат йўқдир". Оила шундай саодатманд бир боғки, ҳатто жаннатда ҳам давом этади. Ҳар қандай шартнома ҳам маълум муддатдан сўнг ўз кучини йўқотади, аммо бир-бирларидан мамнун бўлган умр йўлдошларнинг ҳаёти эса ўлим билан ҳам тугамайди. ўзимизга умр йўлдоши танлар эканмиз, бир ёстиқда кексайиш ниятида эмас, балки Жаннатда ҳам бирга бўлиш орзуси билан йўлга чиқишимиз керак. Никоҳ ҳам ибодатлардан биридир. Аллоҳ йўлида жиҳод бир ибодат, никоҳ эса бундан ҳам ортиқроқдир. Чунки никоҳ ҳам мусулмоннинг, ҳам мусулмончиликнинг бор бўлишига сабабчи бўлади. Никоҳ ибодат бўлгани учундирки, уйланиш бўйдоқликдан хайрли. Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир неча покиза аёлларга уйланиб, бу борада умматларига ўрнак бўлганлар. Шу билан бирга ибодатга вақт топа олмаслик андишасида турмуш қурмаган саҳобанинг бу ҳаракатини рад этдилар ва "Ким суннатларимдан юз ўгирса умматим эмас" дедилар.

Жаноби Ҳақ пайғамбарларнинг энг шарафлисига албатта энг шарафли нарсани раво кўради. Агар турмуш қуриш афзал бўлмаганида Жаноби Ҳақ пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳаётлари давомида оилали бўлишларига рози бўлармиди? Бундан кўринадики, никоҳ ахлоқни тузатиш, қавму-қариндошлар билан ҳаёт кечириш, маънавий камолотга интилиш, фарзанд тарбияси, шунингдек, айрим ишларда ожиз бўлган мусулмонларга кўмаклашиш, ўз яқинларига ва фақирларга садақа бериш, ўзининг ва оиласининг номусини сақлаш, фитналарни йўқ қилиш, нафсни тарбиялаш каби бир қанча муҳим вазифаларни ўз ичига олган. Шунча масъулиятли вазифаларни ўз зиммасига олган никоҳ, шубҳасиз, турмуш қурмасликдан афзалдир. Турмуш қуриш ибодат бўлганидан масжидда никоҳ қилиш ва никоҳни жума кунига тўғрилаш мустаҳабдир. Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай деганлар:

"Никоҳни эълон қилинглар ва уни масжидларда ўқинглар, қутланглар".

Турмуш қуришнинг ҳукми

Турмуш қуриш суннатдир. Зеро, Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар: "Никоҳ менинг суннатимдир. Кимки суннатимга амал қилмаса, умматимдан эмас". Бу хитоб Пайғамбаримизнинг суннатларини хуш кўрмаганлар учун. Баъзи узрли сабабларга кўра турмуш қурмайдиганлар, бундан мустасно.

Ҳанафий мазҳабида никоҳ 6 қисмга бўлинади.

1) Аёлнинг маҳрини беришга ва тирикчилигини таъминлашга имкони бўлган, жинсий заиф бўлмаган, уйланмаган тақдирда зино қилиши ***аниқ*** бўлган кишининг уйланиши ***фарз***дир. Зеро, зино ҳаром қилинган. Ҳаром иш қилмаслик ёки ундан сақланишнинг чорасини излаш фарздир.

2) Жинсий ожиз бўлмаган, маҳр беришга ва тирикчилигини таъминлашга қодир, уйланмаса зино қилишининг ***эҳтимоли*** бўлган кимса учун уйланиш ***вожиб***дир.

3) Жинсий томондан ўртача, зино қилиш эҳтимоли бўлмаган кимса учун оила қуриш суннатдир. Уларнинг зино қилмасликларига кафолат берилмайди. Бу масала уйланиши билан уйланмаслиги ўртасида зино таҳликаси бўлмаган кимсалар учундир.

4) Оила тебратиш мажбуриятига бўйсунмасдан, хотинига зулм ўтказиши шубҳасиз бўлган кимса учун уйланиш ҳаромдир. Зеро, бундай турмуш қуриш ҳар икки тараф учун саодат эмас, бахтсизлик келтиради.

5) Оилани бошқариш ҳуқуқларига риоя қилмасдан, хотинига зулм қилишдан қўрқилган кимсани уйланиши макруҳдир.

6) Зино қилиш қўрқуви бўлмаса ҳам жинсий лаззат олиш учун уйланиш мубоҳдир.

Аҳмад ибн Ҳанбал мазҳабида эса, уйланишга қодир кишилар учун никоҳланиши фарздир.

Турмуш қуришнинг фойдалари

Турмуш қуришнинг зарурати ҳақида гапирар эканмиз, қисман бўлса ҳам унинг фойдаларига тўхталиш лозим. Имом ўаззолий ҳазратлари бу фойдаларни беш турга бўлганлар.

Эътибор берилса, ўз вақтида оила қурмаган кишиларда ғайритабиий холатлар кўзга ташланади. Характерлари ўзгаради, ўзлари учун ҳузур берадиган бир тартиб туза олмайдилар. Эркак қушнинг уяси бўлмайди. Уяни фақат урғочи қуш қуради. Уйлангач, инсоннинг оиласи, унга куч ва кайфият берадиган умр йўлдоши бўлади. У билан овуниб, қийинчиликларини унутади. Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.)га илк ваҳий келганида уларга далда берган муборак онамиз Ҳазрати Ҳадича онамиз эдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг кўнгилларини қувончга тўлдирган, тасалли берган сўзлари нақадар гўзал:

"Қўрқманг! Аллоҳ сизни ҳеч қачон уялтирмайди. Чунки сиз қариндошларингизга қарайсиз, ожизларнинг ишларига ёрдамлашасиз, фақирларга ҳеч ким бермаган нарсаларни берасиз. Мусофирларга иззат-икром кўрсатасиз". Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) Ҳадича онамизнинг моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашларини ҳеч қачон унутмаганлар.

Имом ўаззолий айтган беш фойдадан бошлаб, турмуш қуришнинг фойдаларини турларга бўлиб кўриб чиқамиз.

1. ***Фарзанд тарбиялаш:*** Турмуш қуришдан асосий муддао фарзанд, насл қолдиришдир. Зеро, бу олам инсонлар билан обод. Еру кўкдаги барча нарсалар инсон учун яратилган ва унинг амрига берилган. Одамизот Аллоҳнинг ердаги ҳалифасидир. Инсон бўлмаганда икки дунёнинг маъноси қолмайди. Инсонларнинг қиёматгача бор бўлишини таъминловчи ягона омил насл қолдиришдир. Шаръий тарзда кўпайиш фақат никоҳ билан бўлади. Рўзғор таъминоти, фарзанд тарбияси қийин кўринсада, Жаноби Ҳақ одам наслининг давом этиши учун аёл ва эркакда жинсий майл яратган. Овқат ейишда тўйиш завқи бўлмаганида эди, овқатланишдан-да қийин нарса бўлмасди.

Фарзанд ўстириш орқали Аллоҳга яқинлашишнинг бир қанча имконияти бор.

а) Ота-она инсон наслини давом эттиргани фарзанд тарбиялаш билан Аллоҳнинг ризолигини топади.

б) Уммат Муҳаммадни кўпайтириш орқали Расулуллоҳнинг (с.а.в.) севгиларига эришади. Зеро, Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) бу хусусда шундай деганлар: "Оила қуринглар, кўпайинглар. Мен қиёмат куни бошқа умматларга нисбатан сизларнинг кўпликларинг билан фахрланаман". Бу ерда аҳамиятли бир хусусга диққат қилишимиз даркор. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) умматларининг кўплиги билан албатта

фахрланадилар. Лекин сон жиҳатидан кўп бўлган бу умматнинг, сифат жиҳатидан ҳам бошқаларга кўра устун бўлиши керак. Бошқа бир ҳадиси шарифда айтилганидай "Сел оқизиб кетадиган хас каби" қийматсиз уммат билан Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) фахрлана олмайдилар. Аксинча, қайғу чекадилар. Расулуллоҳ (с.а.в.)ни хурсанд этадиган уммат ҳар жиҳатдан устун бўлиши керак. Дин душманларига ўйинчоқ бўлган, уларга тиланиб, хўрланиб яшаган уммат Расулуллоҳнинг (с.а.в.) руҳларини шод этармиди?!

в) ўлгандан кейин ортидан дуо қиладиган бир кимсани қолдирган бўлади. Чунки инсон хайрли бир фарзанд боқса, у ота-онасининг ҳаққига дуо қилишни тўхтатмагунча, уларни амал дафтарлари ёпилмайди. Бу садақаи жория ҳукмидадир.

г) ўзидан аввал вафот этган фарзандидан шафоат талаб этиш имкони бўлади. Бу мавзуда ҳам ҳадиси шарифлар ворид бўлган. "Балоғат ёшига етмасдан вафот этган уч нафар фарзанди бор кимса учун бу болалари, жаҳаннам олдида тўсиқ бўладилар".

Айни ҳадисни давомида Абу Зар (р.а.): "Менинг иккита

фарзандим вафот этди. Улар жаҳаннамдан мени тўса олдиларми?" деганларида Расулуллоҳ (с.а.в.): "Икки фарзанд ҳам тўсиқ бўлади" дедилар. Шунда Убай ибн Каъб: Менинг битта фарзандим вафот этган. У мен учун жаҳаннамга парда бўладими? - деб сўрадилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.): "Битта бўлса ҳам" дедилар.

Яна ҳадиси шарифларида айтилишича, ҳатто чала туғилган бола ҳам ота-онасининг жаннатга киришни Жаноби Ҳақдан талаб қилади ва унинг талаби амалга оширилади. Бошқа томондан болалар оила дарахтининг меваларидир. Фарзанд тарбияси, уларнинг эҳтиёжларини қондириш учун ҳаракат қилиш ҳам савоб топиш учун сабаб бўлади.

2. ***Шаҳватга таскин бериш:*** Жинсий эҳтиёж билан фарзанд ўстириш ўртасида маънавий боғлиқлик бор. Зеро, шаҳват мақсад эмас, фарзанд кўриш учун восита. Ейишдан мақсад томоқ завқи бўлмай вужудни оёқда тута олиш бўлганидай, жинсий эҳтиёжни қондиришдан мурод наслни давом эттириш бўлади.

Бошқа жиҳатдан жинсий эҳтиёж шаръий йўл билан жиловланмаса, у турли фалокатларга, фисқу-фужур, фаҳш ишларга сабаб бўлади. Унинг қанчадан-қанча катта-кичик жиноятларни келтириб чиқаргани тарихдан маълум. Қанча-қанча қироллар, қўмондонлар, ақл ва бойлик соҳиблари шаҳватнинг қурбони бўлганлар. Бундан ташқари, жинсий майл ошиб борса, инсоннинг одатдагидай ҳаракат қилиши,

одатдагидай ўйлаши мумкин эмас. Бундай холларда одам кўп хатолар қилади. Кўзини тўсиб қўйган шаҳват пардаси инсонни объектив бўлишдан маҳрум этади. Бир неча дақиқалик жинсий лаззат учун умр бўйи кўрлик ичида яшаган қанча киши бўлган.

Яратилишдан мавжуд бўлган бу эҳтиёжни шаръий қондириш учун, албатта уйланмоқ зарур. Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳар бир жиҳатдагидек бу ишда ҳам бошқаларга ўрнак бўлганлар. Масалан, бир кун Расулуллоҳ (с.а.в.) саҳобалари билан ўтиргандилар. Кейин ўринларидан туриб аёлларидан бирларининг хонасига кириб чиқдилар ва ювиндилар. Шунда саҳобалардан бири:

- Эй, Расулуллоҳ! Нима, ювинишга мажбур қиладиган бирорта иш бўлдими? - деганида Расулуллоҳ (с.а.в.):

- Ҳа, дедилар. ўтирганимда ёнимдан бир аёл ўтди ва қалбимда бир истак пайдо бўлди. Кейин аёлларимнинг бирини ёнига кириб, у билан бирга бўлдим. Истак йўқолгач, ювиндим. Аёлга нисбатан истак пайдо бўлган пайтда аёлларингиз билан жинсий алоқада бўлишларингиз сизларнинг ҳаром ва зинодан сақлайди.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) бу ишни саҳобаларга ўрнак бўлсин, дея қилганлар. Ҳар ишда бўлганидай бу ишга ҳам тўғри ёндашиш керак. Бундай нарсаларни гаплашиш айб бўлади дейиш жинсий муаммоларни камайтирмайди, аксинча, орттиради. Расули акрам (с.а.в.) ҳаётдаги ҳар бир нарсага тўғри ёндашганлар ва уни шаръий тарзда, ахлоқ ва одоб қоидаларига амал қилган ҳолда тушунтирганлар.

Юқоридаги ҳадисни бошқа бир ривоятида Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар:

- "Кўнгилга бир аёл ёқиши сабабли кимнинг қалбида жинсий майл пайдо бўлса, дарров аёли билан бирга бўлиб, бу истакни бартараф этсин. Шундай қилиш қалбдаги бу майлни йўқотади"

Инсоннинг зино қилмаслик ва оиланинг бошқа ҳикматларини ўйлаб аёли билан жинсий алоқа қилишда савоби бор. Пайғамбаримиз (с.а.в.) саҳобаларга:

- "Сизларни аёлларингиз билан жинсий алоқада бўлишингизга садақа савоби берилади" дея марҳамат қилдилар. Саҳобалардан бири сўради:

- Эй, Расулуллоҳ! Биз жинсий эҳтиёжни қондириб, яна қандай қилиб савоб оламиз?

Расулуллоҳ унга жавобан шундай дедилар:

- "Биттангиз зино қилганингизда гуноҳ қилган бўлар эдингиз. Демак, шунга ўхшаш тан маҳрами билан бирга бўлиб, жинсий эҳтиёжни қондирганларга савоб ёзилади".

Инсон турмуш қургандан сўнг жинсий истак сабаби билан қиладиган гуноҳ ишлардан ўзини сақлайди ва пок бир ҳаётга эришади. Шу маънода Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар:

"Уйланган киши динининг ярмини барпо этибди, ярми учун Аллоҳдан қўрқсин" (Яъни ярми учун ўзи ҳаракат қилсин - тарж.).

Турмуш қуриш аёл ва эркакни ҳаромдан сақлайдиган, ор-номусини ҳимоя қиладиган бир қалъадир. Қуръони Каримда уйланган эркак ва турмушга чиққан аёлга мухсон ва мухсана дея таърифланган. Бунинг маъноси қалъа ичига олинган, муҳофаза қилинган деганидир.

3. ***Оила бошқаруви:*** Турмуш қуриш инсон ҳаётини тартибга солиб, масъуллик ҳиссини орттиради. Масъулиятли инсон дарбадарликдан қутулади, ҳар ишда тартибли бўлади. Оила ўзи хос бир идорадир. Уни тўғри идора этолмаганлар бундан катта идораларни муваффақиятли бошқара олмайдилар. Ҳар қандай раҳбарликка талабгорлар энг аввало оила идорасида муваффақиятлими, шуни кўрсинлар. Зеро, оила жамиятнинг кичик бир кўринишидир.

Уйланган инсон янада ишчан, ғайратли бўлади. Чунки рўзғор эҳтиёжлари уни ишлашга мажбур қилади. Оила эҳтиёжи учун ишлаш ибодат кабидир. Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай дея марҳамат қилдилар.

- "Инсон Аллоҳнинг ризосини истаб, оила аъзолари учун сарф-ҳаражат қилса, садақа савобини топган бўлади". Бошқа бир ҳадисда эса сарфларнинг энг хайрлиси оила аъзолари учун ишлатилган пул эканлиги билдирилган.

4. ***Яқинларни кўпайтириш:*** Турмуш қуриш қариндош ва дўстларни кўпайтиради. Никоҳ билан бегоналар оила аъзолари қаторига киради. Келин уйнинг янги қизи, куёв уйнинг янги ўғли бўлади. Она билан бирга қайнона, ота билан бирга қайнота, ака-укалар билан бирга қайнака-укалар бўлади. Эркак ва аёлнинг қайнсингиллари, овсинлар билан бирга оила кенгайиб, қариндошлик ва дўстлик халқаси узаяди. Бу эса оилага моддий ва маънавий куч-қувват бағишлайди.

5. ***Нафсга қарши жиҳод қилмоқ:*** Оила бошқаруви инсонни комил, етук қилади. Умр йўлдош ва фарзандлар киши учун бир синов. Уларнинг инжиқликларига чидаш, камчиликларини тузатиш, диний билимларини кенгайтириш, ҳақларига риоя қилиш, хоҳиш ва эҳтиёжлари орасида мувазанат сақлаш билим, сабр, ғайрат ва етукликни талаб этади. Оила ҳам бир мактаб бўлиб, у ерда ҳамма бир-бирини ўқитади. ўқитувчи – ота-она сабрни ўрганиб, тажриба орттирса, ўқувчи – болалар эса мустақил ҳаётга тайёргарлик кўрадилар. Оиланинг қийинчиликларига сабр қилиш гуноҳларга каффорат бўлади. Ёлғиз ўзи қолган ёки яхши инсонлар билан дўстлик қиладиганларнинг ички қиёфаси маълум бўлмайди. Шундай экан уларнинг қалб касалликлари, ички камчиликлари билинмайди. Кишиларнинг характерлари юзага чиқадиган энг қулай оиладир. Умр йўлдошнинг ва болаларнинг хато ва камчиликларини кечира билиш, қийинчиликларга сабр қилиш ҳам нафсга қарши бир жиҳоддир.

6. ***Ёрдам беришни таъминлаш.*** Уйланмаган киши учун ҳам уйни, ҳам кўчадаги ишларни қилиши қийин бўлади. Бундай аҳволда на уйни ишини қилишга улгуради, на ташқаридаги ишни. Уй тозалаш, кийим ювиш, овқатланиш ҳам, рўзғор таъминоти учун ишлаш ҳам алоҳида-алоҳида бир юмуш. Бу ишлар ёлғиз бир инсон учун оғирлик қилади. Уйлангач уй ишларини, асосан, аёллар, ташқаридаги ишларни эркаклар қилади.

7. ***Оила қуриш баракотни орттиради.*** Ҳузурли бир оила эр-хотиннинг баданий ва мулкий кучлари учун янги имкониятларни майдонга келтиради. Беҳуда сарф-ҳаражатлар тўхтаб, пулни режали ишлатиш оилага барака келтиради. Никоҳда каромат бор, деган сўз худди шу жиҳатни ҳам қамраб олади. Турмуш қурганларнинг баракага эришишларини Аллоҳ таоло ўз каломи шарифида ҳам билдирган:

"*ўз ораларингиздаги тул-беволарни ҳамда қул ва чўриларингизни(нг) яхшиларини уйлантиринглар. Агар улар камбағал бўлсалар Аллоҳ уларни ўз фазлу карами билан бой-беҳожат қилур. Аллоҳ (фазлу карами) кенг, билгувчидир*". (Нур сураси, 32-оят).

Ҳалқ орасида Аллоҳ турмуш қурган билан уй қурганга ёрдам беради, деган нақл бор. Бу нақлнинг ҳақлигига доир мисоллар жуда ҳам бисёр.

8. ***<u>Турмуш қуриш ижтимоий сугуртадир.</u>*** Турмуш қуриш йўли билан кўп инсон муҳофаза қилинганди. Ишсизлик туфайли кун кечириш қийин бўлган жамиятларда оила бўлмаса, моддий муаммоларнинг ечими мушкул аҳволга келиб қолади. Оила бошлиғи оила-аъзолари ва бошқа қариндошларининг кун кўриши учун ўзини масъул

деб билади. Бир оиланинг сояси остида бир қанча инсон моддий ва маънавий ҳаётини давом эттирмоқда. Оилавий муносабат мустаҳкам бўлмаса, бир қанча кишилар кўчада қолади.

Баъзи ислом ўлкаларидаги мавжуд иқтисодий танглик ижтимоий инқирозларга йўл бермаслигининг энг асосий сабаблардан бири, бу оила мустаҳкамлигидир.

Турмуш қуриш, айни пайтда, соғлик ва кексалик суғуртасидир. Инсонлар касал бўлганда, кексайганда кўпроқ парваришга муҳтож бўлишади. Бундай пайтда инсонга ёрдам берадиган энг яқин одами турмуш ўртоғидир.

Шу туфайли "турмуш ўртоқ" дейилади. Киши кўнглидаги дардни ҳаммага очиқ айта олмайди. Касал бўлганда, қийин аҳволга тушган чоғида ёки дардини айтишга мажбур бўлиб қолганида кўнгил ёрадиган энг яқин сирдоши турмуш ўртоғи бўлади. Қуръон ифодаси билан айтганда, эру хотин бир-бирлари учун ёпинчиқ бўладилар.

Турмуш қуришнинг зарарлари

Оиланинг шунча фойдаларини айтганимиздан сўнг бундай сарлавҳа қўйишимиз китобхонларни ажаблантириши мумкин. Инсон ва жамият ҳаётини пойдевори ҳисобланган оила қуришни қандай зарари бор, деган савол ҳам туғилиши табиий.

Аслида, фойдали бўлган ҳар нарса ўз ўрнида, меъёрида ишлатилмаса, зарарга айланади. Энг ширин овқатлар ҳам кўп ейилган тақдирда инсонни безовта қилади. Сувсиз яшаб бўлмайди, лекин сузишни билмайдиган одам сувга чўкиб кетади. Ҳаёт мувозанати сақланмаса, турли хавфлар ва қийинчиликлар келиб чиқади. Ислом мувозанат динидир. Коинот ҳам мувозанат билан собитдир. Оила ҳаётидаги мувозанатни қўлдан чиқармаслик керак. Турмуш қуриш туфайли пайдо бўладиган баъзи зарарларни қуйидагича тартиблаш мумкин:

1. Охиратни унутиб, дунёга берилиш. Баъзи бировларнинг бошига бола-чақа ташвиши тушгач, ибодатни, охиратни бир четга суриб қўйишади. Оилани боқаман деб ҳалол-ҳаромга қарамасдан пул топиш илинжига тушадилар. Бундай кишилар кўп нарса йўқотишади. Охират унутилган, ибодат тарк этилган, ҳаром-ҳалолга эътибор берилмаган ерда ҳузур ва барака бўлмайди. Ҳаром нарсалар билан боқилган оила аъзолари охиратда оила бошлиғидан шикоят қилишади. Ҳаром луқма билан боқилган

фарзандлар ота-оналарини ҳурмат қилмайдилар. Тирикчилик учун кеча-ю кундуз ишлаган инсон ҳам охиратини, ҳам дунёсини куйдиради. Чеккан заҳматидан, машаққатидан бошқа ҳеч нарса топа олмайди. Аллоҳдан, охиратдан узоқлаштирадиган оила хайрли бўлмайди.

Албатта бундай андишадан қўрқиб, турмуш қуришни четга суриб қўйиш ҳам, мақбул эмас. Инсон иш ва оилани тартибга солиши, оилавий ҳаётига зарарли нарсалардан узоқлашиши зарур. Зотан, ҳаёт режали бўлмаса, бесамар кетади. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар:

"Ақлли инсон фақат уч нарса учун ишлайди: охират роҳати, дунё тирикчилиги ва ҳаром бўлмаган завқ учун..."

2. Оила аъзоларининг ҳақларига риоя қилмаслик.

Оила аъзоларига нисбатан лоқайд бўлиш, уларнинг кун кўриши ва тарбияси билан қизиқмаслик турмуш қуришнинг зарарларидан биридир. Ҳазрати Пайғамбар шундай дея марҳамат қилганлар: "Кишининг ўз қўл остидагиларга лоқайд бўлишлиги гуноҳ ҳисобланади". Бола-чақа омонат бўлгани учун уларнинг ҳаққини кўзлаш, эҳтиёжларини шаръий йўл билан қондириш оила бошлиғининг вазифасидир. Бундан ташқари оила аъзоларининг маънавий хавфлардан ҳам сақлаш керак. Зеро, Аллоҳ таоло "*ўзингизни ва оила аъзоларингизни жаҳаннам оловидан муҳофаза қилинглар*" (Таҳрим сураси, 6-оят) деган.

Баъзи кимсалар умр йўлдошига бўлган ортиқча муҳаббати туфайли ота-она ва бошқа яқинларига лоқайд бўладилар. Аёлини мамнун этиш учун ота-онасини ортиқча қийинчиликларга дучор қиладиганлар хайрсиз, тубан кимсалардир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, турмуш қуришнинг бир қанча фойдалари ва зарарлари бор. Унинг фойдали ёки зарарли бўлиши ҳар кимнинг характерига, билимига ва тарбиясига боғлиқ. Киши айтилган фикр ва мулоҳафаларни кўз олдига келтириб ўзини тута олиши, фойдаси кўпроқ томонини танлаши керак. Умуман айтганда турмуш қуришни ижтимоий, ахлоқий ва диний тарафдан зарурлигига шубҳа йўқ, яъни уйланиш – қоида, уйланмаслик эса истиснодир.

Никоҳ шартномаси ва ҳуқуқий натижалари

Никоҳ бирлашиш, бир битимга келмоқ демакдир. Турмуш ўртоқларни бир-бирларидан фойдаланишлари учун тузилган бир шартномадир. Бу шартнома эр-хотинни бир-бирига бўлган ҳақ ва вазифаларини юзага чиқаради. Аввал бирга бўлишлари, жинсий алоқа қилишлари мумкин бўлмаган аёл ва эркак никоҳ туфайли бир-бирларига ҳалол ҳисобланадилар.

Никоҳ китоб, суннат ва ижмио билан собитдир. Ҳазрати Одамдан ҳозирги кунгача келган ва қиёматгача, ҳатто жаннатда ҳам давом этадиган бир муборак риштадир.

Никоҳнинг асоси ижобат, қабул ва икки кишининг гувоҳлигидир. Эркак ёки аёлнинг, ё ўзлари тайинлаган вакилларининг аввал қилган турмуш қуриш таклифига ижобат, бу таклифга қарши тарафнинг берган ижобий жавобига қабул дейилади. Бу гувоҳлар олдида қилиниши керак. Имом Моликга кўра турмуш қуришга аҳду-паймон қилинган пайтда гувоҳларнинг бўлиши шарт эмас, лекин чимилдиққа кирмасдан аввал никоҳни эълон қилиниши ва теварак-атрофдагиларга эшиттирилиши шарт.

Шофиъий мазҳабига кўра, никоҳ ота-она рухсат билан бўлиши лозим. Ҳанафийларда эса ота-онанинг рухсати балоғатга етмаганлар учун керак.

Никоҳи ҳаром бўлганлар

Муҳаррамот никоҳланиши ман қилинган аёллар деганидир. Бу таъбир доимий ва ўткинчи ҳаром бўлганларга ишлатилади. Никоҳланишлари ман қилинганлар қуйидаги оятда кўрсатилган:

"*Оталарингиз уйланган хотинларни никоҳингизга олманг! Магар илгари ўтган бўлса, (уйланган бўлсангиз, Аллоҳ афв этар). Албатта бу хунук ва жирканч бўлган ёмон қилиқдир"*.

"Сизлар учун оналарингиз, қизларингиз, опа-сингилларингиз, аммаларингиз, холаларингиз, акангиз, эмишган опа-сингилларингиз, қайноналарингиз, жинсий алоқада бўлган хотинларингизнинг тарбиянгизда бўлган қизлари (мана шу санаб ўтилган аёлларга уйланиш ҳаром қилинди), агар хотинларингиз билан жинсий алоқада бўлмаган бўлсангиз (уларни талоқ қилгандан кейин аввалги эрларидан туғилган қизларга уйлансангиз) сизлар учун гуноҳ йўқдир. Яна ўз пушти камарингиздан бўлган

ўғилларингизнинг хотинларига (уйланишингиз) ҳамда опа-сингилни жамлашларингиз (яъни бирини талоқ қилмай туриб бошқасига уйланишларинг) ҳаром қилинди. Магар илгари ўтган бўлса (Аллоҳ афв этар). Албатта Аллоҳ мағфиратли ва меҳрибон бўлган зотдир" (Нисо сураси, 22-23-оят).

Турмуш қуришни ҳаром қиладиган сабабларни бир қисми давомли, бир қисми эса ўткинчидир. Насаб ва сут сабаби билан никоҳи ҳаром бўлганлари доимий, бошқалари эса ўткинчидир. Ҳаромликни сабабларини ва кимларнинг ҳаром эканлигини изоҳлаб ўтсак.

Насаб туфайли никоҳи ҳаром бўлган аёллар:

1. Оналар (онасининг ва отасининг онаси).

2. Қизлар (невара, чевара, эвара...).

3. Опа-сингиллар (опа-сингилларнинг қизлари).

4. Аммалар (ота ёки онанинг аммалари).

5. Холалар (ота ёки онанинг холалари).

6. Ака-укаларнинг қизлари (хоҳ ота-она бир, хоҳ ё ота, ё она бир).

7. Опа-сингилларни қизлари (ота-она бир ёки она ёки она бир).

Турмуш қуриш орқали вужудга келган қариндошлик туфайли никоҳи ҳаром бўлганлар.

1. Қайноналар (аёлининг онаси, аёлининг бувиси).

2. Ўгай қизлар (турмуш қурган аёлининг бошқа эркакдан бўлган қизлари).

3. Келинлар (ўғлини аёли, невараларининг аёллари).

4. Ўгай оналар (дадасининг, бувасининг аёллари).

Сут (эмикдошлик) туфайли никоҳи ҳаром бўлганлар

Кишининг насаби орқали оналари, қизлари, опа-сингиллари ҳаром бўлганидай, сут йўли билан оналари, қизлари, опа-сингиллари ҳаромдир. Худди шундай қайноналар, ўгай қизлар, боланинг аёли ҳам ҳаромдир.

Бир вақтнинг ўзида тўртдан ортиқ хотинга, бирданига қариндош қизларга, масалан иккита опа-сингилга уйланиш мумкин эмас.

Бошқасининг никоҳида бўлган ёки иддаси тугамаган аёлларга уйланиш ман қилинган.

Аллоҳга ширк келтирадиган, оловга, юлдузга, бутга сиғинадиган, атеист бўлган аёлларга, хоҳ эркин, хоҳ канизак бўлсин, улар билан жинсий муносабатда бўлиш ҳалол эмас.

Никоҳидаги аёл билан уч марта ажрашган киши у бошқа эркак билан турмуш қуриб, ажралмагунча, унга уйлана олмайди.

Ҳанафий мазҳабига кўра, инсон зино қилган аёлининг онасига ёки қизларига уйлана олмайди.

Мусулмон бўлмаганлар билан турмуш қуриш

Динларнинг бир хил бўлмаслиги турмуш қуришнинг тўсиқларидан бири эди. Лекин христиан ёки яҳудий аёлга уйланиш мусулмон эркакларга ҳалол ҳисобланган. Қуръонда шундай дейилади:

"*Бугун сизлар учун барча покиза нарсалар ҳалол қилинди. Китоб берилган кимсаларнинг таомлари сизлар учун ҳалолдир. Қачонки зино қилмай ва яширин ўйнаш тутган маҳрларини бериб уйлансангиз, сизлар учун мўъминалар орасидан ўзларини ҳаромдан сақлаган аёллар ва сизлардан илгари китоб берилган кимсалардан бўлган, ўзларини ҳаромдан сақлаган аёллар ҳам ҳалолдир. Кимки иймонидан қайтса, унинг қилган амали бехуда кетиши аниқдир ва у охиратда зиён кўргувчилар тоифасидандир*" (Моида сураси, 5-оят).

Мужтаҳидларнинг кўпчилиги христиан ёки яҳудий аёлларга уйланиш мумкин дейдилар. Талҳо ва Ҳазрати Усмон каби буюк саҳобалар ҳам шундай қилишган. Мусулмон аёлнинг христиан ёки яҳудий эркакларга турмушга чиқиши жоиз эмас. Мусулмон эркак христиан ёки яҳудийга уйланиши мумкину нега мусулмон аёлни христиан ёки яҳудий эркакка турмушга чиқиши мумкин эмас, деган савол туғилиши табиий. Мусулмон эркак христиан ёки яҳудий аёлни динига аралашмайди, Ҳазрати Мусо ва Ҳазрати Исони ҳурмат қилади. Бу тарафлар орасидаги муштаракликдир.

Бундан ташқари оила бошлиғи эркак бўлгани учун болаларнинг мусулмон бўлиши аниқроқ. Агар бир мусулмон аёл христиан ёки яҳудийга хотин бўлса, ҳам ўз диний ҳаётига, ҳам туғиладиган болаларнинг иймонига хавф туғдиради. Бу хол ҳар кимда ҳар хил бўлса ҳам, умумий аҳвол шу. Ҳозирги пайтда мусулмон аёлларнинг христиан ёки яҳудий эркакларга турмушга чиқишлари мумкин, деган фикрни илгари сураётганлар ҳам топилади. Бироқ бундай фикрлар мантиққа зид ва шахсий мулоҳазаларгагина таяниб чиқарилган асосий бир хулосадир.

Ҳатто, мусулмон эркакларнинг христиан ёки яҳудий аёлларга уйланишлари ҳам яхши кўз билан қаралмаган, бундай оиланинг кўп муаммолари аён бўлган бир вақтда мусулмон аёлларнинг христиан ёки яҳудий эркакларга турмушга чиқишларини ҳимоя қилиш умуман мантиқсиз бир ишдир.

Турмуш қуришнинг ҳуқуқий натижалари

Никоҳдан кейин эр-хотин ва яқинлари ўртасида бир қанча ҳуқуқий натижалар юзага келади...

1. Эр-хотин бир-биридан фойдаланиши, жинсий алоқа қилишлари мумкин бўлади.

2. Эр-хотин ўртасида оила қуриш йўли билан қариндошлик муносабати вужудга келади.

3. Аёл эри тайин қилган уйда ўтиришга мажбурдир.

4. Эркакнинг зиммасида маҳр бериш ва рўзғорни таъминлаш бурчи бор. Оила аъзоларининг еб-ичишини, кийимини, билим олиш, даволаниш каби эҳтиёжларини таъминлаш эрнинг вазифасидир.

5. Никоҳдан сўнг эр-хотин ўртасида мерос ҳамда насаб ҳуқуқи юзага келади.

6. Эрга оила бошлиғи сифатида оила аъзоларини қўриқлаш, хотинга эса эрининг шаръий истакларига итоат этиш мажбурияти тушади. Булардан ташқари эр-хотин ўртасида бир қанча ахлоқий вазифалар, масъулиятлар мавжудки, буларни кейинги бўлимларимизда кўриб чиқамиз.

Кўпхотинлилик

Исломга тош отувчилар учун асосий қуроллардан бири кўпхотинлилик масаласидир. Исломга қарши кишилар аёлларни шу жиҳат орқали қўрқитяпти. Ислом ақидасига кўра, гўё ҳамма бирдан кўпхотинли бўлади дегандай гап тарқатилмоқда.

Аввало айтиб ўтайликки, кўпхотинлиликни ислом дини олиб келмаган. Юнон, Рим, Бобил, Хитой ва Эронда шартли ёки шартсиз бирдан ортиқ аёлга уйланиш мумкин эди. Тавротда Довуд (а.с.)нинг бир қанча аёлга уйланганлари айтилади. Яҳудийликда ҳам кўпхотинлилик бор. Инжилда ҳам кўп аёлга уйланишни ман қиладиган ҳукм йўқ. Исломдан олдин Араб яриморолида эркак қанча хоҳласа, шунча аёлга уйлана оларди. Сон жиҳатидан чегара йўқ эди.

Ислом эса шундай уйланишга чек қўйди ва тўртдан ортиқ аёлга уйланмаслик ҳукмини келтирди. Бу ҳукм келгач, тўртдан кўп аёли бўлган эркаклар бошқа аёллари билан ажрашганлар.

Ислом тўртта аёлга уйланишга рухсат берар экан, эр-хотинга адолатли шарт қўйган, адолат қилинмаса, биттаси билан чекланишга буюрган, аёлга уйланишнинг ўзига хос шартлари, мажбуриятлари бор.

"Агар етим қизларга адолат қила олмасликдан қўрқсангиз, сизлар учун никоҳи ҳалол бўлган аёлларга иккита, учта, тўрттадан уйланаверинглар. Энди агар (улар орасида) адолат қила олмасликдан қўрқсангиз, бир аёлга (уйланинг) ёки қўл остингиздаги чўри билан (кифояланинг). Мана шу жабру зулмга ўтиб кетмаслигингизга яқинроқ ишдир" (Нисо сураси, 3-оят).

Изоҳ*: Уламолар мазкур оятни қуйидагича тафсир қиладилар; шариат ҳукмига ота-онадан ажраб, етим бўлиб қолган қизни қарамоғига олган одам у қизга уйланишга ҳаққи бор. Лекин одатда бундай ҳолларда кўпинча қизнинг ҳаққи-маҳрини тўла-тўкис қилиб бермай, арзон-гаров уйланиб олиш пайига тушилади. Шунинг учун Қуръон: "Етим қизларнинг ҳақини адо қила олмасликдан қўрқсангиз, сизлар учун никоҳи ҳалол бўлган аёлларга иккита, учта, тўрттадан уйланаверинг", - деб рухсат беради ва дарҳол у хотинлар ўртасида адолат қилиш шарт эканини таъкидлайди...*

(Қаранг: Қуръони Карим. 54, Нисо сураси. 3-оят, изоҳи билан. Таржима ва изоҳлар муаллифи: Алоуддин Мансур).

Юқорида кўринганидай, бирдан ортиқ аёлга уйланиш амр эмас, маълум шартларга асосланган бир рухсатдир. Аммо аёлларга ҳар жиҳатдан адолатли бўлиш шарт. Едириш-ичириш, кийинтириш, жинсий яқинлик, севги ва бошқа ишларнинг барида ҳар бирига теппа тенг бўлмоқ лозим. Бу шартларга риоя этиш ҳар бир йигит учун осон эмас. Зотан, Қуръони Карим ҳам шундай эканлигини билдиради:

"*Ҳар қанча уринсангизлар ҳам хотинларингиз ўртасида адолат қилишга қодир бўлмайсизлар. Бас, бутунлай (суйган хотинларингиз томонга) оғиб кетиб (кўнгилсиз бўлиб қолган хотинингизни муаллақа каби ташлаб қўйманг). (Изоҳ: Муаллақа – эри бирон сабаб билан бедарак кетган аёл. У эрим бор, деса – эри йўқ, беваман, дейин, деса – эри талоқ бермай кетган)*.

Агар ўзларингизни ўнглаб, Аллоҳдан қўрқсангизлар, албатта Аллоҳ мағфиратли, меҳрибон бўлган зотдир" (Нисо сураси, 129-оят).

Идеал ва ҳақиқат. Шу билан бирга бирдан кўп аёлга уйланишни келтириб чиқадиган сабаблар ҳар қайси замонда ҳам топилади.

Уларни қуйидагича тартиблаш мумкин:

1. Аёлнинг жинсий ожизликка гирифтор бўлиши.

2. Аёллик вазифасини бажаришга тўсқинлик қиладиган касалликка чалиниши.

3. Аёлнинг туғмаслиги.

4. Аёл киши бир ойда ўртача бир ҳафта ҳайз кўради. Туққандан кейин қирқ кун чилла ҳолида бўлади. Бу пайтда жинсий алоқа қилиш ҳаромдир. Бундан ташқари, ҳомиладорликнинг сўнгги пайтларида аёллик вазифасини тўла адо этилиши қийин. Ҳолбуки, баъзи эркаклар бу муддат ичида жинсий истакларига ҳоким бўла олмай, зинога дучор бўлишлари мумкин.

5. Уруш бўлиши ёки бошқа фалокатлар туфайли эркаклар сонининг камайиши ва аёлларнинг эрсиз қолиши.

Аслида бирдан кўп хотин олишга арзирли сабаб бўлмаса, бир аёл билан кифояланиш даркор. Исломнинг тавсияси ҳам шу. Зеро, кўп аёлга уйланиш ҳам эркак, ҳам аёл учун иқтисодий ва руҳий муаммоларни келтириб чиқариши маълум. Аввалambор ҳеч бир аёл эрининг бошқа хотинга уйланишига осонликча рози бўлмайди. Бу инсон табиатидаги бир ҳилқатдир. Ҳатто Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг баъзи аёллари орасида ҳам рашк

қилишлар бўлган.Бундан ташқари аёллар ва улардан вужудга келадиган кенг бир оиланинг эҳтиёжларини қондириш осон иш эмас. Шунга қарамасдан, қонунларда ман қилингани ҳолда кўп аёлга уйланиш йўқ эмас. Қолаверса, юқоридаги сабаблар баъзи вақтларда бирдан кўп аёлга уйланишга мажбурият туғдирмоқда.

Дунёга танилган машҳур руҳшунос Мазҳар Усмоннинг кўп аёл билан турмуш қуришга оид баъзи мулоҳазаларини айтиб ўтиш фойдадан ҳоли эмас. Унинг фикрича, эркаклар асосан полигам, аёллар моногамдир. Тиббиёт мутахассиси, профессор, доктор Сади Ирмак ҳам бир неча йиллар олдин ушбу ҳақиқатни телевизорда эълон қилган эди. Устоз Мазҳар Усмоннинг фикрларига бир назар ташласак:

"Европада бир аёл билан яшайдиган қанча эркак бор? Инсоннинг табиатида кўп хотин олишга мойиллик бўла туриб, исвачлик Профессор Форелнинг айтганидай, Европадаги айримларнинг бунга қарши чиқишлари риёдан бошқа нарса эмас".

Қонуний хотин сифатида оила ҳаётига аралашиш қаердаю бир ўйнаш аҳволида қолиш қаёқда?! Ёки чорасиз болаларга, ота-онасининг исмини ҳам билмайдиган, абадий ҳақоратга гирифтор бўлган маъсум болаларга раҳми келмайдиган маданиятга нима дейиш керак?!

... Онадўлида ўз уйларига фоҳиша олиб келиб маишат қиладиганлар, шаръий хотинларини суюқ аёқларга хизмат қилишга мажбурлайдиганлар ҳам оз эмас.

Ҳар бир эркакнинг бир аёл билан ўтиши албатта орзу ҳисобланади. Аммо афсуски, ҳақиқат ҳамма вақт ҳам орзуга тўғри келмайди. Кўп аёлга уйланиш мажбурий эмас, балки ғоят маданий ва иффатли бир изндир. Ҳатто бу юксак бир фазилатимиздир. Ёшларимиз амин бўлсинларки, инсон маданият эшигидан тўрт хотин билан ҳам қўл тебратиб кириши мумкин.

Бугунги шаҳар ҳаёти кўп аёлга уйланишга мос эмас. Дин рухсат берса ҳам урф-одатлар бунга тўсиқ бўлаяпти. Истанбулда икки аёллни эркаклар бармоқ билан санарли.

Европада кўп аёлга уйланиш ман қилинган бўлишига қарамасдан, ноқонуний аёл ва ўйнашларнинг сони даҳшатли бир равишда кўпаймоқда. Наполеон бир жангдан кейин ўлганларни томоша қиларкан: "Бугунги йўқотилганларни бир карнавал оқшомида ўртага келтирамиз" деган эди. Мазҳар Усмоннинг фикрича кўп аёлга уйланиш фоҳишаликни тўхтатади. Икки-уч аёлга эга бўлган эркак нафсини фаҳш ишлардан

бемалол тияди. Полигом бўлган Мўрмўн мазҳабига мансуб кимсалар орасида фоҳишалик, бошқа мазҳабларда бўлган ҳамшаҳарларига нисбатан оз эканлигини кўпчилик таъкидламоқда. Бундан ташқари ҳар Мўрмўн эркагига еттита бола тўғри келар экан. Ижтимоий касалликларнинг энг ёмони бўлмиш фоҳишаликни камайтирадиган, туғилишни кўпайтирадиган бундай урф-одатни бекор қилиш ўринли ишми? Аввал ҳам такрорлаганимиз каби бу бир диний ва қонуний муассасадан иборат бўлса, адолатсизлик бўлмаса... Бунинг нимаси ёмон?!

Бир аёл турли эҳтиёжларини қондира олмаса, эркак киши фоҳишалар билан бўлиб, турли бедаво касалликларга чалиниши бу касалликларни оиласидагиларга ҳам ўтказиши, сармоясини эса ҳаром-ҳариш ишларга сарфлаб юбориши мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, кўп аёлга уйланиш, керак пайтда, ажралиш ва барвақт уйланишлар мажбурият эмас, балки шаръий бир ижозатдир. Булар шубҳасиз, фаҳш ишларнинг йўлига тўсиқ бўладиган ижтимоий қоидалардир. Фаҳш ишлар қанчалар "маданий" ва жозибадор бўлмасин, маънавий ҳасталикларнинг, ижтимоий парокандаликларнинг энг буюгидир.

Нимага бирдан кўп эр эмас?

Бир эркакни бир неча аёлга уйланиши мумкину нега бир аёлнинг бир қанча эри бўлмайди? Бу саволга турли хил жавоб бериш мумкин. Турмуш қуришдан асосий мақсад соғлом авлод етиштириш экан, бир аёлнинг бир нечта эри бўлса, боланинг кимга тегишли эканлигини билиб бўлмайди. Бундан ташқари, аёл психологияси кўп эркакга турмушга чиқишга мос эмас. Аёллар асосан моногомдир. Ҳайвонлар оламида ҳам аҳвол шу.

Бошқа бир жиҳати шуки, устига кундош олинишини истамаган аёллар никоҳ пайтда бу масалани шарт қилиб қўйиши мумкин. Бу шарт бузилса, у аёл ажралиш ҳуқуқига эга бўлади. Оилали кишига турмушга чиқаётган аёл ҳам кундошидан хабардор бўлиши, шунга рози бўлмоғи лозим. Розилик бўлмасдан ҳеч ким ҳеч ким билан турмуш қурмайди. Устига кундош олинишини истамайдиган аёл эрига бор меҳру-муҳаббатини кўрсатиши, эрида бошқа бир аёл қидириш эҳтиёжини туғдирмаслиги лозим. Акс ҳолда ё кундошга розилик беради ёки фаҳш эшикларнинг очилишига сабаб бўлади.

Мусулмон бўлган швециялик бир хонимдан, устангизга кундош келса рози бўласизми? - деб сўраганларида:

- Агар менинг эримда бошқа аёл олиш эҳтиёжи туғилса, бу менинг камчилигим, деб жавоб қайтарибди. Демак мен вазифамни гўзал бир шаклда адо эта олмаган бўламан.

Оила қуришга тайёргарлик

Оила эр-хотинга кўп масъулият юклайди. Зеро, турмуш қуриш инсон ҳаётининг энг аҳамиятли ишларидан биридир. Бу борада ташланган битта хато қадам бутун ҳаётни остин-устун қилиб юбориши мумкин.

Аввало ота-она фарзандларига намуна бўлишлари лозим. Бундан ташқари болаларини турмуш қуришга тайёрлашлари, оила хусусида уларни қизиқтирган масалаларни тушунтириб боришлари керак.

Эрлик ва аёллик ўзича бир санъатдир. Эр ва хотин оила ҳаётининг нозик жиҳатларини билиб боришлари моддий ва маънавий жиҳатдан турмуш қуришга тайёр бўлишлари зарур. Имконияти бўлса, ёшларни турмушга тайёрлайдиган махсус ўқув муассасалари қурмоқ керак. Оддий ишга ҳам имтиҳон орқали қабул қилишади-ку! Ҳозирги кунда турмуш қуришга оид дарс, семинар ёки мактаб бўлмаса ҳам, бу борада ҳеч бўлмаса китоб ўқилиши керак. Усмонли империяси даврида 32 фарзни билмаган йигитларга қиз бермас эканлар. Эр-хотин ҳақлари, болага қараш, уйнинг эҳтиёжларини қондириш каби масалалар олдиндан ўргатилиши керак.

Оила қураётганда эътибор қилиниши лозим бўлган масалалар

1. Учрашиб танишиш. Ҳатто жаннатда ҳам давом этадиган оила қурилар экан, бўлажак келин-куёв бир-бирларини танишлари керак. Дўстлик учун ҳам бу шартдир. Оила ҳаётини пойдеворига севги ва ризолик асос бўлмоғи лозим.

Никоҳ шартномаси ҳақиқий бўлиши учун икки томоннинг розилиги лозим бўлади. Олимлар қиз болалар кўнглининг ўзига хослигини ҳисобга олиб, учрашув совчи боришдан аввал бўлишини тавсия қиладилар. Акс ҳолда бу аҳвол қизнинг кўнглига оғир ботиши, ажабо уларга нимам ёқмади, деб тушкунликка тушиши мумкин. Севиш учун учрашиб ёқтириши керак. Динимиз бўлажак эр-хотинларнинг учрашишларини

тавсия этади, ҳатто буюради. Улар учинчи шахс иштирокида никоҳдан аввал учрашишлари лозим. Пайғамбар (с.а.в.)имиз уйланмоқчи бўлган Муғийрага (р.а.): - келинни аввал кўр. Чунки бу муҳаббатни зиёда қилади, дея марҳамат қилганлар.

Йигит киши бўлажак келинни кўра олмаса, ўзига яқин аёллардан бирини ўртага қўйиши мустаҳабдир.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) Умму Сулаймни (р.а.) бир аёлнинг олдига кўриш учун юборибдилар ва "Товонларига қара, ёқаларини ҳидла" бошқа бир ривоятда эса "олд тишларини ҳидла" деб айтибдилар. Бундан мақсад оғзида ҳиднинг бор-йўқлигини билишдир. Яна Пайғамбар (с.а.в.) мадиналик бир аёлга уйланмоқчи бўлган бир саҳобадан: "Келинни кўрдингми?" деб сўрабдилар. У "йўқ" дегач, шундай дебдилар: "Бор, уни кўр, зеро, Ансор аёлларнинг кўзларида бир нарсалар (кўзида нуқсони) бўлиши мумкин".

Ушбу ҳадислар турмуш қурмоқчи бўлганларнинг никоҳдан олдин учрашишлари мустаҳаб эканлигини кўрсатмоқда. Олимларнинг аксарияти шу фикрда. Аммо бу учрашувнинг ҳам чегараси бор. Икки томон учинчи шахснинг ёнида бир-бирларининг юз, оёқ ва қўлларини кўришлари мумкин. Бошқа ерларни кўриш мақбул ҳисобланмаган.

2. Унаштириш. Тарафларнинг учрашиб танишишлари ва унаштирилишлари оила қуришдаги аввалги урф-одат ҳолига келган тажрибадир. Мақсад бўлажак қаллиқларнинг танишлари, тўй ҳозирлиги ва бир-бирларининг ҳаракатларини яхши ўрганишлари учун фурсат бермоқдир.

Ҳитбанинг акси ўлароқ қўлланилган унаштириш, бир қиз ёки аёлга талабгор бўлишдан бошлаб никоҳгача бўлган муносабатни ифода этади. Никоҳ ўқилмаган пайтда улар бир-бири учун номаҳрам ҳисобланадилар.

Унаштириш шартнома эмас. Унаштириш даврида берилган нарса эса гўёки бир совға кабидир. Унаштириш бузилган тақдирда совғалар айнан берилганидай, ўзгартирилган бўлса, ўзгартирилган ҳолда қайтариб берилади. Унаштиришни ким бузганининг фарқи йўқ. Берилган совға ишлатилган бўлса, ҳанафийларга кўра, қайтарилмайди. Шофийларга кўра, ҳиммат нияти билан берилмаган нарсалар, ҳатто вафот этган бўлса ҳам қайтиб берилади.

3. Пишган ошга сув қўшиш. Бир қиз ёки аёлга бирор киши уйланиш ниятида юрган бўлса, ёки унаштирилган ҳолда бу қизга бошқа бировнинг совчи қўйиши жоиз эмас. Бошқачароқ айтганда, ўртада совчи бўлса, у рад жавобини олгунча ёки ўзи воз кечгунча бошқалар талабгор бўла олмайдилар.

"Бир эшикка икки тиламчи кирмас" дейдилар. Афсуски, баъзилар исломнинг бу нозикликларига риоя этмай, қиз ёки эркак томонни йўлдан уриш учун баъзи таклиф ва фитналар билан орага кириб, пишган ошга сув қўшмоққа ҳаракат қилишади. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) бу ишни қуйидаги сўзлари билан таъқиқлаганлар:

"Биродарларингизнинг совчилари устига совчи юборманглар, токи у воз кечмагунча ёки сизга изн бермагунча..." Аёл "хўп" дегандан кейин совчиликни бузиш ҳаромдир. Агар аёл рози бўлмаган бўлса, бошқа кишининг унга уйланмоқчи бўлиши, шу мақсадда ҳаракат қилиши ҳаром эмас. Ҳаттоки, фосиқ бир инсоннинг совчилари устига совчи қўйиш ҳам кўп олимлар томонидан жоиз кўрилмаган.

4. Оила қуриш эрки. Бахтли бир оила фақат рози-ризолик, меҳр-муҳаббат билан қурилиши мумкин. Лекин Имом Молик ва Имом Шофеъий аёл киши ўз ҳиссиётларига мағлуб бўлиб, турмуш ўртоғини тўғри танлай олмаслиги мумкин, деган ўй билан оила қуришни ота-онанинг ҳукмига ҳавола қилган. Бизнинг мазҳабимизда эса, аёл хоҳ бокира бўлсин, хоҳ бева, танлаш ихтиёри ўзида бўлади, унинг розилигисиз турмушга берилмайди. Агар хоҳласа, қиз никоҳни ҳам бузиши мумкин. Бу нарсада Ҳанафийларни қўллаб-қувватлайдиган иккита ҳадиси шарифни келтирамиз:

"Ибн Аббосдан ривоят қилинишича, бокира бир қиз Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ёнларига келиб, ўзи истамагани ҳолда отаси уни турмушга берганини айтган. Расулуллоҳ (с.а.в.) унинг ихтиёрини ўзига берганлар".

"Ёш бир қиз Ойша (р.а.)нинг ёнига кирди ва:

- Отам мени мен истамаган ҳолда укасининг ўғлига берди. Бу билан отам эътибор қозонмоқчи, - деди. Ойша (р.а.): -Пайғамбар (с.а.в.) келгунларича ўтириб тур, дедилар. Кейин Расулуллоҳ (с.а.в.) келдилар ва қиз у кишига аҳволни тушунтирди. Пайғамбар (с.а.в.) унинг отасига хабар юбориб уни чақирдилар ва қизнинг ихтиёри ўзига берилди. Кейин қиз:

- Отамнинг гапларига розиман. Фақат мен оталарнинг бу ишда асосий рол ўйнамаслигини аёлларга ўргатмоқчи эдим, деди".

Бева хотин турмушга бериларкан унинг рухсати олинади. Бокира қизнинг сукут сақлаши ризолик аломати деб қабул қилинади. Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар:

"Бева аёл турмушга чиқишда валийларидан кўра кўпроқ ихтиёрлидир.

Бокирадан ризолиги олинади. Унинг ризолиги сукут сақлашидир". Бундай нарсалар бўлишига қарамасдан, баъзи ота-оналар қизни розилигини олмасдан, мажбурлаб турмушга узатиб, оиланинг бошиданоқ ҳузурсиз бўлишига ва бузилишига сабаб бўлмоқдалар.

Халифа Умар (р.а.) уйланмоқ ниятида Ҳазрати Алидан қизи Умму Гулсумни сўрабди. Ҳазрати Али:

- Ўзидан сўрамасдан бир нарса дея олмайман, дебди. Келиб қизидан сўраса, Умму Гулсум:

- Халифа Умарни яқиндан танимайманку? - деди. Ҳазрати Али:

- Ундай бўлса сени Халифа Умарни уйига юборай, учрашиб танишинглар, деди. Умму Гулсум Ҳазрати Умар билан учрашиб, танишгандан сўнг турмушга чиқишга рози бўлади.

Никоҳ учун бўлғуси эр-хотиннинг розилиги асос бўлади, бироқ ота-она ва бошқа катталарнинг умуман ҳиссаси йўқ, дейиш ҳам тўғри эмас. Улар ҳам фарзанди дилбандларининг бахтли бўлишлари учун ҳаётий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда ёшларга яқин маслаҳатгўй бўладилар. Ёшларда ақлдан кўра кўпроқ ҳиссиёт ҳокимдир. Гоҳида севги кўзни кўр қилиб қўяди. Улар севган кишиларининг камчиликларини кўришмайди, севмаган кимсаларининг эса яхши жиҳатларини тан ола билмайдилар.

5. "Ошиқ-маъшуқ"лик. Қиз ва йигитнинг оила қуришдан аввал бир-бирини ўрганиш мақсадида бирга юришлари зоҳиран бегуноҳ ва фойдалидай туюлса ҳам, бу ишда келин бўлмиш қизнинг устидан кулиш ҳаракати бор. Зеро, ошиқ-маъшуқлик қиладиган қизларнинг аксарияти йигитлар томонидан алдаб кетилмоқда. Шу тариқа иффат ва номусларини йўқотмоқдалар. Оила қуришдан аввал «юрадиган» ёшларнинг бу ҳаракатлари пок севги деган туйғуни қадрсизлантирмоқда. Севги ўрнига жинсий туйғулар ҳоким бўлиб, ўй-ҳаёлида оила қуришга оид тасаввурлар аҳамиятини йўқотади. Аёл сирли бўлишдан, оила қуриш эса қизиқувчанлик ва ҳаяжондан четга

сурилиб қолади. Ошиқ-маъшуқлик ўзбошимчаликка, пул ва вақтнинг беҳуда сарфланишига йўл очади. Тушгача бир қиз билан, тушдан кейин бошқаси билан "севишиб" юрадиган бир университет талабасидан бу қизларнинг қайси бирига уйланишини сўраса, "ҳеч қайсисига" деб жавоб берди. У яна бу қизларнинг тартибли, ҳавас қилгудек уй бекаси бўлмаслигини, бирга юришдан мақсади фақатгина кўнгилхушлаш эканлигини рўй-рост айтди.

Муҳаббат билан ҳазиллашадиган қизлар пичоқ ўйнайдиган болаларга ўхшайди. Аксарияти яраланади. Бу яра жуда ҳам ёмон қонайди. Қиз қизлигини йўқотади. "Ошиқ" эркакларнинг асл башараси қизлар бошига фалокатлар келгандан кейингина очилади. У қиладиганини қилгач, алоқани узади. Севилганига ишонган пайтда алданиш, бундай мусибат билан ёлғиз қолиш! Қизлар эркакларнинг ҳақиқий мақсадини номусидан айрилиб қолгандан кейин билади. Бу завқ жаллоднинг номи "дўст", "ошиқу беқарор" ёки "унаштирилган"дир. Қиз кўп марта севиб-севиб унинг қўйнига киради, қўлини қўлига беради. "Севаман", "оламан" деган сўзларига ишонади. Бу йўлда билгани ҳам, билмагани ҳам бахтсиздир. Бу завқ йўлида ниқобсиз эркак йўқдай.

Умуман айтганда, эркак ҳидлаган гулидан туйган завқ билан тўяди. Кейин бошқа рангли, бошқа уфорли гул ахтариб қолади. Энди бу "эски гул" уни овутмайди. Ундаги сир, уни ўзига тортган жозиба ва тугун ечилган ва ҳакозо... Шунинг учун бу хусусда қиз ва аёл жуда зийрак бўлиши керак. "Замондошларимиздан кўплари бизни ёмон ниятли деб айбламоқдалар". "Нима бўпти! Дўст бўлиб гаплашиб юришибди! Уларнинг хаёлларига тўшакдан бошқа нарса келмайдими?" - дейдилар. Ташқи кўриниши маъсум бўлган бу сўзлар самимийлик ва ҳақиқатдан йироқ, содда қизларга қўйилган бир тузоқдир.

Доктор Ризо Нур бир пайтлар холасининг қизи билан ёлғиз қолганини шундай айтиб берди:

"Ушладим. Қиз шиддат билан қаршилик кўрсатар эди. Ниҳоят ақлим жойига келиб қўйиб юбордим. Қиз дарров уйдан чиқиб кетди. Инсон кўзи тўлиб турган ваҳший нарса экан. Қиз-аёл ва эркак асло ёлғиз қолмаслиги керак. Бу холатда ўзини тута оладиган ҳам бор, лекин оз. Чунки инсон ҳиссиётга берилиб, ўзини йўқотиб қўяди".

"Ошиқ-маъшуқ" бўлиб турмуш қурганларнинг бахтлимиз, деганлари ҳам ҳақиқатни айтмайдилар. Ҳаёти "ошиқ-маъшуқ"ликда ўтган жуда кўп санъаткорлар нечанчи марта

уйланаётганини яширар экан, диний ва миллий қадриятлар асосида турмуш қурганлар суд қарори билан эмас, балки ўлим туфайлигина ажралишмоқда.

Қўша қариш деб шунга айтилади

6. Турмуш қуриш ёши. Никоҳ ёшини белгилашда урф-одат, иқтисодий холат, турмуш қурадиганларнинг руҳий ва физиологик тайёрлиги асосий аҳамият касб этади. Муҳим жиҳати оила ҳаётини бемалол юрита олиш учун моддий ва маънавий тайёр бўлишларидир. Бозор шароитларига ўтиш даврида табиийки, тўй қилиш ҳам қийинлашди. Буни қийинлаштирадиган аслида ўзларимиз. Исрофга йўл очадиган кераксиз одатлар билан қўлимизни боғлаб олганмиз.

Ҳар қандай шароитда ҳам қизларни турмушга беришга шошилиш суннатдир. Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг бу борадаги тавсиялари шундайдир:

"Уч нарса кечиктирилмайди. Вақти бўлган намоз, ҳозирланган жаноза ва тенги топилган қиз ва аёл". Уйланмаган ёки турмушга чиқмаган тақдирда ёмон йўлга кириб кетиш эҳтимоли бўлган ёшларнинг оила қуришига тезроқ ҳаракат қилиш даркор. Турмуш қуриш ёшини қизларда 18 эркакларда 25 ёш деб қабул қилганлар ҳам бор. Айтиб ўтганимиздай, бу уларнинг моддий ва маънавий камолотига боғлиқ бир ишдир.

7. Тенг тенги билан... Оиланинг соғлом ва мустаҳкам бўлиши учун эр-хотин бир-бирга мос ва ижтимоий, маънавий, иқтисодий томондан тенг бўлишлари мақсадга мувофиқдир. Булар никоҳнинг шартларидан бўлмаса ҳам ҳар ҳолда ушбу жиҳатларни ҳам кўзда тутиш фойдадан ҳоли эмас. Аввалари, синфий жамият даврида паст табақадаги бир кимса юқори табақадагиларга уйлана олмас эди. Рим қонунларида турмуш қуриш фақат Рим фуқароси бўлган эркак ва аёл ўртасида мумкин эди. Икковидан бири Рим фуқаролигини йўқотган тақдирда уларнинг оиласи ҳам бузилар эди.

Ислом ҳуқуқи тенглик борасида аёлнинг фойдасига баъзи қоидаларни келтирган. Турмуш қуришда тенглик асосан аёлдан эмас, эркакдан қидирилади. Оила бошлиғи бўлгани учун эркакнинг аёлдан паст бўлиши баъзи бир муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Мазҳаблар турмуш қурадиганлар орасида диндорлик борасида тенглик бўлиши шарт эканлигида бирлашганлар. Бизнинг Ҳанафия мазҳабимизда насаб борасида эркакнинг аёлдан паст бўлмаслиги шарт қилиб қўйилган. Қурайшийлар, бошқа араблар, ҳамда

ғайриараблар, яъни ажам халқлари ўзаро тенгдирлар. Бундан ташқари эркак аёлнинг маҳрини бера оладиган, унинг олти ойлик ёки бир йиллик нафақасини таъминлай оладиган мол-дунёга эга, паст ишларда ишламаган ва мустақил бўлиши керак. Моликия мазҳабига кўра, тенглик фақат диндорлик ҳамда вужуд ва жинсий аъзоларнинг нуқсонлардан ҳоли бўлиши билан ўлчанади.

Тенглик борасида қай жиҳатларга эътибор қаратиш масаласи олимлар ўртасида ихтилофли мавзу бўлган. Ҳазрати Умар, Ибни Масъуд, Ибн Сирин, Умар ибни Абдулазиз, Имом Молик ва бошқа баъзи олимлар бу борада эътиқодни биринчи ўринга қўйганлар. Жаноби Ҳақ шундай деган: "*Эй инсонлар, дарҳақиқат Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳам бир-бирларингиз билан танишишинглар учун сизларни халқлар ва қабила-элатлар қилиб қўйдик. Албатта сизларнинг Аллоҳ наздидаги энг хурматлироғингиз, тақводорроғингиздир. Албатта Аллоҳ билгувчи ва огоҳдир*" (Ҳужурот сураси, 13-оят).

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) эса: "Инсонлар тароқ тишлари каби тенгдирлар. Тақво устунлигидан ташқари ҳеч ким ҳеч кимдан устун эмас", дея марҳамат қилганлар.

Расулуллоҳ (с.а.в.) видо хутбаларида бутун инсониятга шундай деганлар: "Эй инсонлар! Шубҳасиз Раббингиз бирдир. Отангиз ҳам бирдир. Ҳаммангиз Одам Атодансиз. Одам эса тупроқдандир. Аллоҳ ҳузурида энг қадр-қийматлигингиз унга энг кўп ҳурмат, меҳр кўрсатганингиздир. Арабнинг ажамдан тақвода устун бўлмаса - ҳеч бир устунлиги йўқ". Сарвари Олам (с.а.в.) аёлдан диндорликни қидирганлар ва шундай аёллар билан турмуш қуришни тавсия этганлар. Эр-хотин орасидаги насл-насаб тенглигига доир ҳадислар мавзуъ ва замор, деб ҳукм қилинган. Уммавийлар давридан ҳаддан ташқари араблик таассуби баъзи олимларнинг қарашларига таъсир этган деган фикрни илгари сурганлар ҳам бор. Ислом насл билан мағрурланишни, ирқчилик даъвосини бекор қилган. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) энг машҳур ва энг шарафли қабила ҳисобланган Қурайшлилардан ақлли ва чиройли Қайс қизи Фотимани озод бўлган қулнинг ўғли Усамога турмушга берганлар.

Аёл-эркак ўртасидаги тенгликдан мақсад бир-бирларини тушунадиган, оила ҳаётини биргаликда юритадиган, бир-бирларининг оёқларига тушов эмас, балки кўмакчи бўлишларидир. Ораларида билим, маданият, мол-дунё ва ишонч борасида тафовут бўлганлар камдан-кам чин саодат эшигини очадилар. Албатта ахлоқ ва эътиқод энг асосийсидир. Бу хусусиятлар тенг бўлмагунча бошқаларининг ҳеч бир қадр-қиймати

йўқ. Бундан ташқари икки ёш вояга етган муҳит, яшаган ҳаёт тарзи, таҳсил савиялари ҳисобга олинса, қурилган оиланинг пойдевори янада мустаҳкам бўлади. Чўлда ўсган бир аёлни Ҳазрати Муовиянинг хотини бўлиб саройда ҳузур-ҳаловат топа олмаганлиги маълум ва унинг қуйидаги эътирофи машҳурдир. "Жулдур кийим билан қувноқ яшаш ипак кийим кийишдан хайрлидир".

Қандай аёлга уйланиш керак?

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар:

"Дунё ўткинчи бир фойдадан иборат. Дунёнинг энг хайрли борлиғи эса солиҳа аёлдир".

Кўпгина ояти-карималарда дунёнинг қийматсиз ва алдатувчи борлиқ эканлиги ҳақида хабар берилади.

"*Билингларки, бу ҳаёти дунё фақат (бир нафаслик) ўйин-кулги, зеб-зийнат, ўрталарингиздаги ўзаро мақтаниш ва мол-дунё ҳамда фарзандларни кўпайтиришдир холос. (У) худди бир ёмғирга ўхшарки, унинг (ёғиши сабабли унинг чиққан) ўт-ўлани кофирларни ҳайратга солиб (ақлларини банд қилиб қўюр). Сўнгра у қурир, бас, уни сарғайган ҳолда кўрурсиз. Сўнгра у қуруқ чўп бўлиб қолур. (Ҳаёти дунёнинг ҳоли ҳам шундан ўзга эмас). Охиратда эса (ўша тўрт кунлик дунёга алданиб қолганлар учун) қаттиқ азоб ва (иймон-эътиқод билан ўтганлар учун) Аллоҳ томонидан мағфират ва ризолик бордир. Ҳаёти дунё эса фақат алдагувчи матодир*" (Ҳадид сураси, 20-оят).

Расули Акрам (с.а.в.) ҳам бу дунёни йўловчининг сафар давомида нафас ростлаш учун ўтирган бир дарахт соясига ўхшатганлар. Аллоҳ ҳузурида бир қултум сув қадар қадри йўқ эканлигини айтганлар.

Шу ўткинчи дунёнинг энг қийматли нарсаси, Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг таъбирларича, солиҳа, диндор бир аёлдир. Ҳақиқатдан ҳам қадрсиз дунё фақат яхши турмуш ўртоқ билан қадрли бўлади. Ҳатто жаннат ҳам таърифлаб бўлмас даражада чиройли ва қийматли бўлса-да, Одам Ато у ерда ёлғиз зерикиб, сиқилиб Жаноби Ҳақдан ўзига бир жуфт беришини сўраган. Демак, инсоннинг ўз наслини давом эттириши учун, ҳузур ва ҳаловат топиши учун бир турмуш ўртоққа эҳтиёжи бор. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар: "Инсонни бахтли қиладиган уч

нарса бор: диндор аёл, фазилатли уй-жойи ва хайрли маркаби[1]. Бахтсиз қиладиган ҳам уч нарса: Ёмон аёл, файзсиз уй ва хайрсиз маркаб.

Бир аёл намунаси

Тобеин олимларининг буюк муҳаддиси Шабий шундай ривоят қиладилар:

"Бир куни қози Шурайҳ билан гаплашиб ўтирган эдик. Бу буюк олим менга деди:

- Эй, Шабий! Агар уйланмоқчи бўлсанг Бани Тамим қабиласидан қиз ол. Улар қобилиятли ва комил кимсалардир.

- Қаердан биласиз?

- Ёшлигимда бир кун Бани Тамим қабиласига борган эдим. Бир уйнинг олдидан ўтиб бораётганимда кекса кампир билан ёш бир қизни ўтирганларини кўрдим. Қиз жуда ҳам чиройли эди. Уни яқиндан кўриш мақсадида сув баҳонаси билан уларга яқинлашдим ва сув сўрадим. Кампир қизга сув олиб келишни айтди. Сувни ичгандан кейин кампирга:

- Бу қизнинг исми нима? Кимнинг қизи.

- Исми Зайнаб. Ҳудойрнинг қизи.

- Турмушга чиққанми?

- Йўқ, чиқмаган.

- Аллоҳнинг амри билан менга берасизми?

- Тенги бўлсанг, берамиз.

Уйга келдим. ўша қизга уйланишни мақсад қилиб қўйган эдим. Яқинларимдан бир неча кишини бошлаб қизнинг тоғасиникига бордик ва ниятимизни айтдик. Улар рози бўлишди. Никоҳдан кейин Бани Тамим аёлларининг тошбағир эканликларини ўйлаб, пушаймон бўла бошладим. ўз-ўзимга "Энди бўлганича бўлди. Уйланаверай. Яшашда қийналсам ажрашамиз" дедим. Пушаймон бўлганимни ҳеч кимга сездирмадим.

Чимилдиққа кирганимда қиз менга:

- "Хўжайин! Бундай пайтда куёвнинг Аллоҳ ризоси учун икки ракат намоз ўқиб, Жаноби Ҳақдан аёлининг хайрли бўлишини тилаб дуо қилиши, аёли ахлоқсиз, мижғов

[1] Маркаб - улов: машина, от, арава ва ҳоказо.

бўлса, ёмонлигидан сақланиши учун Аллоҳга ёлвориши суннатдир" - деди. Мен ҳам: "Ҳа шундай" - деб намозга турдим. Салом бериб қарасам, у ҳам намоз ўқияпти. Намозини ўқиб бўлгач, менга шундай деди:

"Хўжайин! Мен бегона қизман. Сизнинг характерингизни билмайман. Севган, хуш кўрган нарсаларингизни айтинг ва мен сизнинг истакларингизга мос равишда хизматингизни қилай. Хуш кўрмаган нарсаларингизни ҳам айтингки, улардан ўзимни сақлай. Сиз ёқтирмайдиган вазиятга тушиб қолмай. Сизга ўз қабилангиз ичида бир қиз, менга ҳам қабиламда бир йигит топиларди. Лекин тақдир бўлгани учун бир-бирларимизнинг характеримизни, одатларимизни билмаган ҳолда эр-хотин бўлдик. Энди Аллоҳ Таоло буюрганидай менга ё яхши муносабатда бўлинг ёки мен билан ажрашинг, оилага қайтай. Сизга айтадиган илк гапларим шулар. Аллоҳдан сизни ва мени кечиришимни, исломий бир оила ҳаёти қуришга муваффақ қилишини сўрайман!"

Мен ҳам унга жавобан дедим:

"Хоним! Шундай сўзларни айтдингизки, агар бу айтганларингизни қилсангиз мени бахтиёр қиласиз, йўқ, агар сўзингизда турмасангиз сизга нима қилишимни ўзингиз айтдингиз" – дедим унга.

Кейин менга дедики:

- Қариндошларимни келиб-кетишини истайсизми?

- Ётиб қолишларини истамайман. Тез-тез келмасинлар.

- Қўшнилардан кимнинг чиқиб туришини, кимнинг чиқмаслигини истайсиз? Истаганларингизга ҳурмат кўрсатай, истамаганларингизга юзимни кўрсатмай, - деди.

- Фалончи-фалончилар яхши, номусли кишилардир, келиб кетаверсинлар. Фақат фалон кишилар келмасинлар, кераги йўқ дедим.

Мана, эй, Шабий! Қиз мен айтгандай қилиб ҳаракат қилди. Менинг унга бўлган севгим кундан-кунга ортди. Бу аҳволда орадан бир йил ўтди. Бир кун уйга келсам кекса бир кампир уйни ичида: "Шундай қил, бундай қилма" деб аёлимга бир нарсалар айтаяпти.

- Ким бу?

- Қайнонангиз.

Ундан ҳол-аҳвол сўрадим. Мендан:

- ўғлим" Аёлингдан мамнунмисан? Деб сўради. Мен:

- Мамнунман. Солиҳа бир умр йўлдошдир. Жуда ҳам яхши тарбия берибсиз. Фарзанд тарбиялашдаги бу ғайратингизнинг

мукофотини Жаноби Ҳақ сиздан дариғ тутмасин, - дедим.

- ўғлим. Аёлларнинг ёмонликлари энг кўп икки холатда билинади. Бири ўғил бола туғса, иккинчиси эрларида юз бурсалар. Агар аёлингда бирор камчилик кўрсанг, дарров тузатишга ҳаракат қил. Онт ичаманки, оиладаги энг ёмон нарса эрларидан юз бурган дилбарларнинг нозланиб туришларидир.

Сўнгра қайнонам:

- Энди айтчи, ўғлим, қариндошларимиз сизларни зиёрат қилишга қачон ва қанча вақтда келсинлар? - деб сўради. Мен:

- Хоҳлаган пайтларида келсинлар, - дедим.

Қайнонам ҳар йили бир марта уйимга келар ва менга шу тарзда насиҳат қиларди. Гапнинг қисқаси мен у билан роппа-роса 20 йил гулдай умр кечирдим. Шу вақт ичида бирор камчилигини топа олмадим.

Бир қўшим бор эди. Аёли юзсиз, тарбиясиз бўлгани учун уйида ғавғо, жанжал кўп бўлар эди. Уларнинг бу ҳоли аёлим Зайнаб учун шеър ёзишга ундади. Мана ўша шеър:

Аёл зоти ичра Зайнабим – зарҳал,

Кўтарсам қўлларим қурисин дарҳол.

Бегуноҳ аёлни урмоқлик гуноҳ,

Зайнабим олқишга лойиқ – Ҳақ гувоҳ.

Аёллар ичида қуёшдек порлар,

Ўзгалар юлдузу бир уни чорлар.

Қуёшнинг олдида не бўпти юлдуз?!

У менга бахт берди кечаю-кундуз.

Зайнаб - хушхулқ, Зайнаб - вафодор,

Унга таёқ эмас, мадҳия даркор[1].

Хулқ-атвори яхши аёллар ҳақида куйлаб, уларнинг исмларини китобга ёзадилар, шон-шарафга буркайдилар. Тарбиясиз, ёмон хотинлар эса ҳаётларида роҳат кўриб яшамаганлари етмагандай, ўлгандан кейин ҳам орқаларидан шундай гапиртирадилар.

Аҳли аёлнинг ёмони

Кишининг энг катта бахтсизликларидан бири, ёмон хотинга уйланишдир. Ана шу пайтда дунёда яшар экан, жаҳаннамга тушгандай бўлади. Хотинининг минғирлашларидан тўйиб кетган бир киши шу байтни айтибди:

Тек туриб, бир карра сўз айтса ногоҳ,

У дўзах эшигин очгандайин, оҳ!

Ёмон хотин эрларининг сочини эрта оқартиради, эрта қаритади.

Арабларнинг буюк олими Асмоий бир куни Каъбани тавоф қилаётиб қараса, бир киши орқасига кекса бир кимсани юклаб, унга: "кичиклигингда ҳам, катталигингда ҳам минг турли азоблар бердинг" деб зорланарди. Буни эшитган Асмоий:

- Дўстим, ҳурматда камчилик қилма. Унинг сенга кўп яхшиликлари теккан бўлиши керак, - деб унга танбеҳ берибди.

- Сен буни менинг кимим деб ўйлаяпсан?

- Ё даданг, ё бувангдир. У киши бошини чайқаб:

- Йўқ, йўқ, - дебди. Бу менинг ўғлим.

Буни эшитган Асмоий қулоқларига ишонмай:

- ўғлингга нима бўлдики, у бу аҳволга тушди? - деб сўрабди.

Дардли ота шундай дебди:

- Хотинининг ёмонлиги уни шу аҳволга келтирди...

Бир киши муфтидан сўрабди:

[1] Наргиза Раимова таржимаси.

- Муфти ҳазратлари, Жаннатдаги аёлларимиз кимлар бўлади?

- Дунёдаги аёлингиз билан жаннатда ҳам бирга яшайсизлар,

дегач, унинг тепа сочи тикка бўлиб:

- Ундай бўлса, аёлим билан ажрашай. Бу дунёда азоб бергани етмагандай охиратда ҳам азоб чекаманми? - дебди. Табиийки, бу - ҳазил. Ёмон хотин осонликча жаннатга кириб, эри билан бирга бўла олмайди. Жаннатга киргандан кейин эса ёмон бўлмайди. Эрларига ҳаётни заҳар қилган аёлларгина бундай гапларга сабаб бўладилар. Аллоҳ бундай мусибат берувчи аёлларнинг ёмонликларидан сақласин. (Омин).

Аёлдан изланадиган фазилатлар

Оила қуриш учун эр бўлажак қаллиғидан ахтарадиган бир қатор хусусиятлар бор. Бу хусусда Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай ифода этганлар:

"Аёлга тўрт нарсаси учун никоҳланади. Моли, насаби, гўзаллиги ва эътиқоди учун. Сен диндор бўлганини ол. Қўлларинг баракат ичида бўлади".

Бу сифатларни ҳаммаси бир аёлда мужассам бўлмайди. Диндорликни бир томонга ташлаб, молу дунё, гўзаллик ва шуҳрат учун уйланганлар ҳузур ва баракат топа олмайдилар. Расулуллоҳ бу хусусда шундай деганлар:

"Аёлларга фақат гўзалликлари учун уйланманглар. Вақт келадики, гўзалликлари ўзларини ахлоқан паст қилади. Уларга мол-дунё учун уйланманглар, моллари ўзларини йўлдан оздиради, аёлларнинг диндорларига уйланинглар, шубҳасиз йиртиқ кийимли, қора, лекин диндор аёл улардан қийматлидир".

Аёлнинг фақат бойлиги учун никоҳланганлар унинг ўзи билан эмас, мол-дунёси билан никоҳланган ҳисобланадилар ва еган ошлари доимо миннатли бўлади. Оила таъминоти асосан эркакнинг бурчи, бунинг устига хотинига маҳр бериши лозим экан, аёл молига кўз тикканлар ҳақиқий оила бошлиғи бўла олмайдилар. Аммо бу бой аёлга уйланилмайди, дегани эмас. Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг илк завжалари Хадича онамиз жуда ҳам бой эдилар. Расулуллоҳни ҳам Исломни моли билан қўллаб-қувватладилар. Бойлигини ўртага қўйиб, "бу бойликлар меники эмас, сизники, эй, Расулуллоҳ дедилар. Ҳар қандай аёл Хадича онамиздай бўла олмаслиги табиий. Зотан, Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)га ўзлари талабгор бўлган эдилар. Аёлга фақат гўзаллиги ва

насл-насаби учун уйланганлар ҳам бахтли бўла олмайдилар. Кўпчилик аёллар гўзаллигидан мағрурланиб эрини паст кўриши мумкин. Гўзаллиги уни нозли ва эркатой қилиб қўяди. Бундан ташқари гўзаллик ўткинчидир. Ташқи чирой ҳам зарур, аммо асосийси ахлоқ гўзаллигидир. Расулуллоҳ (с.а.в.) бу борада бизларга шундай деганлар:

"Ахлатда ўсган гулдан сақланинглар". Буни нима эканлигини сўраганларга шундай жавоб бердилар: "Ёмон оилада туғилган чиройли қиз". Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг бу ўхшатишлари жуда ўринлидир. Бундай танноз хонимлар ички гўзалликдан маҳрумлиги туфайли оилавий ҳаётда кўп кўнгилсизликларга сабаб бўлиши мумкин.

Инсон табиатининг гўзалликка майли бор. Икки кўз бир юзга қарайди, деган мақол бежиз эмас. Эр аёлининг юзига қараганда хурсанд бўлади ва кўзи ташқарида бўлмайди. "Ахлоқи бузуқ бўлган гўзал аёлга уйланма" демоқчимиз.

Аёлдан ажратиладиган хусусиятларни қисқача шундай изоҳлаш мумкин:

1. Диндор ва солиҳа бўлиши. Уйланишда аҳамият бериладиган энг муҳим хусусият шудир. Эътиқоди, иффат ва номус туйғуси заиф бўлган аёл эри ва унинг яқинлари учун ҳузурсизлик манбаи бўлади. Оиланинг обрў ва эътиборини туширади.

2. Бокира бўлиши. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) бокирага уйланишни тавсия этганлар. Зеро, у билан ошно бўлиш, ўртада муҳаббат пайдо бўлиши осондир. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) айтиб бердилар:

- Расулуллох мендан "Уйландингми?" деб сўрадилар. Мен "ҳа" дедим. "Бевами, бокирами?" деди. "Бева" дедим. "Бокира олганингда эди бир-бирларинг билан муҳаббатли бўлардинглар" дедилар.

Ҳазрати Ойша (р.а.)дан шундай ривоят қилинади.

"Бир марта Расулуллоҳ (с.а.в.)дан:

- Эй Расулуллоҳ! Сиз бир водийга тушсангиз ва икки дарахт топсангиз, бирини устидаги меваси ейилган, иккинчисиники эса ейилмаган. Туянгизни қайси бирининг остида тўхтатасиз, деб сўрадим. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Иккинчисининг остида" дедилар. Ҳазрати Ойша онамиз бу билан Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ўзларидан бошқа бир бокирага уйланмаганларига ишора қилдилар ва бу билан фахрланардилар. Имом ўаззолий дейдилар: бокирага уйланишда учта фазилат бор:

Биринчиси, бокира қиз фақат бир эрни билади ва унинг кўнглини олади. Унга нисбатан муҳаббат ҳосил бўлади. Аввал бошқа эркак билан алоқа қилган аёл янги эрининг баъзи хулқ-атворларини ёқтирмаслиги ва унга кўнгли исимаслиги мумкин. Кўз очиб кўрганинг бошқа деганлари беҳуда эмас.

Иккинчиси, эри ҳам уни кўпроқ севади. Чунки эркак табиати аввал қўл теккизган аёлга нисбатан совуқроқ муносабатда бўлади.

Учинчидан эса бева аёл доимо аввалги эрини хотирлайди. Бу эса ҳузурнинг бузилишига, кўнгилнинг бўлинишига сабаб бўлади.

Айтишларича, аёллар уч қисм бўлади. Биринчиси сеники. Сенга фойдаси тегади. Иккинчиси сеники эмас, лекин сенга зарари тегади. Учинчиси ҳам сеники, ҳам сеники эмас. Сеники бокира аёлдир. Кўзи сенда очилиб, қалби сенга боғлиқ бўлади. Сеники бўлмагани бева ва болали аёлдир. Молингни ейди, болаларига едиради ва доимо аввалги эрини эслаб юради. Сеники ва сеники бўлмаган эса боласиз бева аёлдир. Аввалги эридан кўра кўпроқ нарса талаб қилади, мамнун қилсанг сеники бўлади. Акс ҳолда аввалги эриники бўлиб қолаверади.

Шунингдек, Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) уй ишларининг, болаларнинг кўплиги сабабли бева аёлга уйланганларни дуо қилганлар. ўзлари ҳам турли сабаблар билан Ойша онамиздан ташқари бева аёлларга уйланганлар.

3. Туғадиган бўлиши. Саҳобалардан бирлари Расулуллоҳ (с.а.в.)ни ёнига келиб:

- Мен насл-насабли ва гўзал аёл топдим, лекин туғмайди. Унга уйланайми? Деганларида Расулуллоҳ (с.а.в.) "Йўқ" дедилар. У саволни уч марта қайтарди. Расулуллоҳ кейин:

- "Туғадиган севимли аёлларни олинглар. Чунки қиёмат кунида мен бошқа умматларга кўра сизнинг кўплигингиз билан фахрланаман" дедилар.

4. Соғлом бўлиши. Ҳамма нарсанинг боши соғлиқдир. Турмуш қурмоқчи бўлганларнинг жисмоний ва руҳий касалликларини яширмаслик керак. Зеро, бу кейинроқ маълум бўлса, ажралиш ва дилхираликка сабаб бўлади. Касаллик туфайли никоҳни бузиш ёки бузмаслик хусусида ихтилофлар бор. Лекин кўпчиликнинг фикрига кўра, ажралиш мумкин. Бунга доир баъзи ривоятлар бор. "Пайғамбар (с.а.в.) Бани Гифордан бир аёлга уйландилар. Чимилдиққа кирганларида унинг биқинида тери

касаллиги бор эканлигини кўриб, дарров оиласига қайтардилар ва "Мендан унинг нуқсонини яширдингиз - дедилар". Ҳазрати Али ва Ҳазрати Умар (р.а.)ларнинг фикрича, тўртта сабаб билан ажралиш мумкин. Булар, жиннилик, моховлик, тери касаллиги ва жинсий аъзолардаги касаллик. Бу борада эркакда бўлса ҳам, аёлда бўлса ҳам фарқи йўқ.

5. Қариндош бўлмаслик. Замонавий тиббиёт яқин қариндошлар билан қурилган оилаларда туғилаётган фарзандларнинг жисмоний ва руҳий касалликларга дучор бўлаётганинг тасдиқламоқда. Статистик маълумотлар туғма ногирон болаларнинг аксарияти яқин қариндошларга оид эканлигини кўрсатмоқда.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг бу тўғрида шундай ҳадис ривоят қилинади:

- "Яқин қариндошлар билан турмуш қурманглар. Зеро, оила заиф бўлади". Ҳазрати Умар ҳам шундай деган: "Бегона аёлларга уйланингларки, болаларингиз заиф ва қобилиятсиз бўлмайди".

Бундан ташқари, яқин яшаганлари учун улар орасида севги боғи бўш бўлади. Бир-бирларига нисбатан жинсий майл ҳам бўлмайди. Чунки улар кўп вақтдан бери бирга яшашган. Қариндошлик ҳам жинсий орзуларни тўсади. Тарафлар ўртасида севги ва ҳурмат бўлмайди. Шунингдек, эр-хотинда салбий хулқ-атворлар бўлмаслиги керак. Дангасалик, қайсарлик, худбинлик, хасислик, исрофгарчилик, тарбиясизлик ва марҳаматсизлик, бадқовоқлик, эзмалик ва ҳоказо.

Рисоладаги куёв

Келиндан ахтариладиган хусусиятлар йигитда ҳам бўлмоғи лозим. Албатта, аввало диндорлик ва ахлоқ туриши табиий. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.): "Эътиқод ва хулқ-атвори яхши бўлган, йигитга қизингизни сўрашса, дарров беринг. Акс ҳолда ер юзида фитна ва фасод ёйилади", деганлар.

Афсуски, аксарият ота-оналар аввало куёвнинг мол-дунёсига, дипломига, амалига эътибор берадилар. Ҳадисда айтилганидай, бу фитна ва фасодга йўл очади. Соғлом оила қуриш қийинлашади. Шу тариқа жамият ҳам заифлашади. Ахлоқли оилада, соғлом муҳитда катта бўлган кўп қизлар бундай хатонинг қурбони бўлиб, келин бўлган

хонадонидаги ношаръий муҳитда маънавиятини йўқотиб, ўткинчи дунё манфаати учун абадий ҳаётини барбод қилмоқда.

Саҳобалардан Саҳл ибн Саъд-ас-Саидий (р.а.) ривоят қилади: Бир кун Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ёнларидан бир бой одам ўтди. Расулуллоҳ (с.а.в.) шерикларидан сўрадилар:

- Бу киши ҳақида нима дейсизлар?

- Қиз сўраса беришга, тилаги бўлса бажарилишга, гапирса сўзини тинглашга лойиқ бир киши, деб жавоб бердилар. Расулуллоҳ индамадилар. Шу пайт фақир мусулмонлардан бири ўтди. Бу сафар Расулуллоҳ (с.а.в.):

- Бу фақир киши ҳақида нима дейсизлар? - деб сўрадилар. Ёнидагилар:

- Қиз сўраса беришга, тилаги бўлса бажарилишига, гапирса сўзи тингланишга нолойиқ бир кимса, - дедилар. Шунда Расулуллоҳ:

- Бу фақир киши бояги бойдан ер юзи тўлгунча хайрлироқ, - дедилар.

Ҳасан Басрий ҳазратларидан сўрадилар:

- Жуда ҳам яхши кўрадиган қизим бор. Унга талабгорлар ҳам

кўп. Уни кимга турмушга берай?

Ҳасан Басрий шундай жавоб бердилар:

- Аллоҳни ҳурмат қиладиганига бер. Зеро, ундай одам қизингни яхши кўрса, унга нисбатан яхши муомалада бўлади. Мабодо ёқтирмаса ҳам ҳеч бўлмаганда унга ёмонлик қилмайди.

Турмуш қуриш таклифи

Умуман олганда, совчи йигит тарафдан юборилади. Лекин таклифни аввало эркак қилиши шарт эмас. Яхши йигит топилганда қиз тараф ҳам таклиф қилиши мумкин. Бунинг уят ери йўқ. Саодат асрида баъзи аёллар Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ёнларига келиб "Мени завжаликка қабул қиласизми ё Расулаллоҳ" деб таклиф қилганлар.

Бир марта Набий алайҳиссаломнинг ҳузурларига бир аёл келиб

завжаликка қабул қилишларини сўраганларида Пайғамбаримиз (с.а.в.) кўзларини ерга қадаб сукут сақладилар. Шу ердаги бир саҳоба:

- Эй Расулуллоҳ, бу аёлга мени уйлантирсангиз бўлмайдими?

Расули акрам унга:

- Маҳрига берадиган нарсанг борми? - дедилар.

Саҳоба:

- Йўқ Расулуллоҳ! Ёнимда ҳеч нарсам йўқ деди.

Расули акрам:

- Бор бир дона узук бўлса ҳам топиб кел ва қўлига тақиб қўй, - дедилар.

Саҳоба туриб кетди. Бироз вақтдан кейин қайтиб келиб:

- Эй Расулуллоҳ, ҳеч нарса, ҳатто тақинчоқ ҳам топа олмадим. Лекин шу эҳромим бор. Бунинг ярмисини беришим мумкин деди.

Устига кийишга бир дона кўйлаги бўлмаган бу фақир саҳобага қараб Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

- Яхши, лекин эҳромни ярмиси нимага ярайди? Қолган ярмиси билан сен нима қиласан? Уни сен кийсанг, аёлнинг, у кийса, сенинг устинг очиқ қолади.

Саҳоба секин ўтирди. Озгина вақтдан сўнг, ғамгин бўлиб чиқиб кетди. Унинг умидсизлиги Расулуллоҳ (с.а.в.)га таъсир қилди. Орқасидан одам юбориб, чақиртирдилар ва:

- Қуръондан ёдлаганмисан? - деб сўрадилар.

У:

- Фалон-фалон сураларни ёдлаганман деб санай бошлади. Кейин Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.):

- Қуръондан ёдлаган сураларинг учун сени бу аёлга уйлантирдим, дедилар.

Ҳазрати Умарнинг ўғли саҳоба Абдуллоҳ ибн Умар айтади:

- Синглим Ҳафса, Ҳазафанинг ўғли Хунайсдан бева қолган эди.

(Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг саҳобаларидан бўлган Хунайс Бадр жангида қатнашиб, Мадинада вафот этганди.) Дадам синглимни турмушга қандай берганларини менга айтиб бердилар:

Усмон ибн Аффоннинг (Халифа Ҳазрати Усмоннинг) ёнига бордим ва унга Ҳафсани олишни таклифни қилиб:

- Эй Усмон! Хоҳласанг қизим Ҳафсани сенга никоҳлаб берай, - дедим.

Усмон:

- Шу кунларда мен уйланмаганни маъқул деган ўйдаман деди. Кейин Абу Бакрни ёнига бордим. Унга ҳам:

- Хоҳласанг қизим Ҳафсани сенга никоҳлаб берай - дедим.

Абу Бакр сукут сақлади ва менга жавоб бермади. Менинг жаҳлим Ҳазрати Усмондан кўра Абу Бакрга кўпроқ чиқди. (Чунки Ҳазрати

Усмон ҳеч бўлмаса уйланмайман деб узр сўраган эди).

Яна бир неча кун кутдим. Кейин Ҳафсани Набий алайҳиссалом сўрадилар. Мен рози бўлдим. Шу пайт Абу Бакр билан учрашиб қолдим. У менга шундай деди.

- Эй Умар! Сен мендан қизингга уйланишни таклиф қилганингда жавоб бермаганим учун ранжиганга ўхшайсан, шундайми?

- Ҳа шундай, - дедим.

Расулуллоҳ Ҳафсага уйланмоқчи эканлигини айтган эдилар. Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг сирларини ҳеч билдирмаслик учун жавоб бермадим. Агар Набий алайҳиссалом Ҳафсага уйланишдан воз кечсалар, таклифингга албатта рози бўлардим...

Бу воқеадан шу кўринадики, муносиб йигит топилганда қизларни таклиф қилинишида ҳеч қандай ноқулайлик йўқ. Айниқса аҳолиси кўп бўлган ва кимсани кимса танимайдиган шаҳарларда, яхши куёв келиб эшигимизни қоқади, деб кутиш хатодир. Бўйдоқларни уйлантириш Аллоҳнинг амридир. Бу ишни ташкил қилувчи ташкилотлар тузиш, тарафлар ўртасида воситачилик қилиш, моддий-маънавий муаммоларни ечимида ёрдамчи бўлиш жуда ҳам хайрли вазифа ва хизматдир.

Тўй тайёргарлиги

Тўйдан олдин эр-хотин ва оила учун керак бўладиган эҳтиёжлар учун имконият даражасида сарф-ҳаражат қилинади. Рўзғор учун зарур ашёларнинг олиниши янги

келин-куёвларга осонлик туғдиради. Кийим-кечак, зебу-зийнат ва уй учун керакли ашё олишда исрофгарчилик, дабдабачилик қилмасдан оддий ҳолда ҳаракат қилиш ҳам диний, ҳам иқтисодий жиҳатдан зарурдир. Катта қарз эвазига қилинаётган сарф-ҳаражатлар оиланинг ҳузур-ҳаловатини бошдан бузиб, оила саодатига чанг солмоқда. Зебу-зийнат ва буюмлар билан бахт таъминланмайди. Минглаб пулларга олинган келин сеплари, қизимни бахтли қилади деб ўйлайдиган ота-оналар, куёвга келинни қадрли қиладиган яхши тарбия ва эътиқод туйғуси эканлигини билишлари керак.

Бу ноёб буюмлар, қиммат газламалар, замонавий кийимлар эскиради, йиртилади, бузилади. Ҳатто бир кун келиб буларни сотишга мажбур бўлиб қолиш мумкин. ўша оғир дамларда, яъни инсон моддий инқирозга юз тутган пайтда дунёнинг ҳақиқий моҳиятини биладиган аёл ёрдамга шошилиб, эрига куч-қувват бўлади. Йўқчиликка чидайди. ўзи эрига юк бўлмаганидай, унинг дардига шерик бўлади.

Маҳр

Маҳр уйланаётган пайтда куёвнинг келинга берадиган совғасидир. Эркакни аёлга ҳурматининг, унга бўлган меҳрининг рамзидир. Баъзи жамиятларда қизлар талабгор чиқсин, деб мол-дунё йиғиб, турмушга чиқаётганда буни эрларига бермоқдалар. Исломият аёлга ҳурматни маҳр билан исботлаган.

Маҳр – аёлнинг ҳаққи, бадали эмас. Исломда инсон шундай қадрлики, дунёда уни сотиб оладиган ҳеч бир қиймат йўқ. Маҳр оила қуришнинг жиддий масъулият эканлигини кўрсатади. Жаноби Ҳақ аёлларнинг бу ҳаққини шундай билдиради:

"*Хотинларингизга маҳрларини ҳадя каби (яъни чин кўнгилдан, мамнунлик билан) берингиз*" (Нисо сураси, 4-оят).

Маҳр отанинг ёки онанинг эмас, келин бўлмишнинг ўз ҳаққидир. Унинг ота-онаси ёки қариндоши куёвдан ҳеч қандай маблағ талаб қила олмайди. Онадўлининг баъзи ерларида ёйилган ва қизни бир тур мол каби сотишга ўхшаб талаб этадиган пулнинг ислом ва инсониятга боғлиқ тарафи йўқ. Ҳамма қизининг тирикчилигини, эҳтиёжларини қондириш мажбуриятида бўлгани ҳолда, уни катта қилиш учун сарфлаган ҳаражатларини куёв тарафидан олиши мутлақо нотўғри. Никоҳда куёв томонидан бериладиган пул ва буюмлар фақат қизнинг ҳаққидир.

Маҳр турмуш қуришнинг шарти эмас, аксинча меҳру муҳаббат воситасидир. Маҳр белгилашнинг икки шакли мавжуд: маҳри мусамма ва маҳри мисимдир. Никоҳ шартномаси тузилаётган вақтда ўзаро келишилган ҳолда белгиланган маҳр маҳри мусамма (аниқ, белгиланган маҳр) дейилади.

Тўйга таклиф

Турмуш қуриш инсон ҳаётидаги энг аҳамиятли воқеалардан бири бўлгани туфайли, тўйни яқинлар ва дўстлар билан ўтиши табиий. Тўйга таклиф қилиш ва меҳмонларга иззат-икром кўрсатиш Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг тавсияларидир. Абдурраҳмон ибн Авфга уйланаётганларида:

- Бир қўй билан бўлса ҳам тўйга меҳмон чақир, - деганлар.

Тўй қилиш ҳукми борасида ихтилофлар вужудга келган. Зоҳирийларга кўра вожиб, Аҳмад ибн Ҳанбалга кўра, суннат, олимларни кўпчилигига кўра эса мустаҳабдир.

Тўйнинг вақти билан боғлиқ ихтилофлар ҳам бор. Меҳмонлар келин-куёв чимилдиққа киргандан кейин келгани дурустми ёки кирмасдан олдинми? Шофий имомларидан Субкий чимилдиққа киргандан кейин бўлиши дуруст деган. Зеро, Анас ибн Маликни билдиришича:

- Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) Зайнаб билан келин-куёв бўлиб тонг оттирдилар, кейин халқни таклиф қилишди. Бугунги тўй вазиятга қараб чимилдиқдан олдин, чимилдиқ давомида ва чимилдиқдан кейин бўлиб ўтмоқда.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) аёлларига уйланаётган пайтларида кўп ёки оз меҳмон чақирганлар. Қўй сўйиш ёки ундан ҳам кам харажат билан тўй ўтказиш мумкин.

Тўйга таклиф этилса, рози бўлиш. Мусулмоннинг таклифига рози бўлиш, мўъминнинг мўъмин устидаги ҳақларидандир. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар: "Сизлардан бирингиз тўйга таклиф қилинса, дарров рози бўлсин".

Зоҳирий ва Шофийларга кўра, таклифга розилик вожибдир. Ҳанафий мазҳабида эса вожиб эмас, суннати муаккадир.

Энг ёмон тўй дастурхони. Никоҳ ибодат бўлгани учун тўй

маросимларини исломга зид шаклда ўтиши номақбулдир. Спиртли ичимликлар бўлган, дискотекали тўйлар, диний ва миллий анъаналаримизга мутлақо тескари. Спиртли ичимликлар қўйиладиган тўйларга таклиф этилса, бориш мумкин эмас. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) шундай деганлар:

"Ҳар ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирса, спиртли ичимлик бор дастурхонга ўтирмасин". Бундан ташқари камбағаллар чақирилмай фақат бойлар чақирилган дастурхон ҳам баракотсиздир.

"Камбағаллар қолиб, тўқ кишилар чақирилган дастурхон нақадар ёмондир", - деган ҳадиси шариф бор.

Никоҳ туфайли маросим қилинар экан, фақирларнинг кўнглини ва дуосини олиш керак. Тўйлар, байрамлар ва бошқа турли маросимлар бўлмаса, фақирларнинг тўкин дастурхон атрофида ўтиришлари мушкулдир.

Исрофгарчилик ва дабдабали тўйлар. Оддийлик ва камтарлик бахтли ҳаётнинг аҳамиятли хусусиятидир. Нафсни қондириш ва бошқаларга яхши кўриниш учун қилинадиган дабдабали тўйлар мол-дунёнинг беҳуда сарфланишига йўл очиб бермоқда. Ҳамма нарсада оддийликни ва тенгликни асос қилиб олган исломият, тўйлардаги исроф ва дабдабага қарши чиққан. Бу борада Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) шундай деганлар:

"Тўйнинг биринчи кунидаги овқат ҳақдир. Иккинчи кунидагиси суннат, учинчи кунники эса дабдабадир. Ҳар ким дабдаба қилса, Аллоҳ уни рози қилади".

Таризда қирқ кеча-кундуз давом этган тўйлар ҳақида айтилади. Айниқса, Аббосийлар даврида сарой тўйларини бошдан охиригача исрофгарчилик эканлиги маълум. Ҳозирги эркатой бойларнинг бир қисми ҳам эски давр қиролларини орқада қолдирадиган даражада исрофгарчилик ва дабдаба қилиб, ерга сочилган пуллар устида ўйинга тушмоқдалар.

Ҳадиси шарифда "Учинчи кунни овқати дабдабадир" дейилиши тўй эгасининг ниятига боғлиқ. Тўйга вақтида кела олмаган ёки узоқдан келиб, хизмат қилиб юрганларга бир кун овқат беришнинг зарари йўқ. Лекин фалончи тўйида шундай қилди, шунча кун овқат берди, дейишлари учун шундай қилса, қиёмат куни Жаноби Ҳақ унинг риёкорлигини ҳаммага эълон қилади.

Суннатга мос тўй

Маълумки, никоҳ тўйлар турли жамиятларда турлича қилинган. Буларнинг бир хил хусусияти эса эълон, икром ва маишатдир. Янги оила жамиятга эълон қилинмоқда, турмуш қурганлар танитилмоқда, шу тариқа соғлом авлодни юзага келиши таъминланмоқда.

Никоҳни эълон қилиш. Сўзда ва амалда никоҳни ташвиқ қилган Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) тўй қилиб, чолғу чалишни тавсия этганлар. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг бу борадаги баъзи гапларини келтириб ўтсак:

"Никоҳ жинсий муносабатда ҳалол ва ҳаромни бир-биридан айирадиган ишдир". Зино айб бўлгани учун яширин, никоҳ шаръий ва мақбул бўлгани учун ошкор қилади.

"Тўйни эълон қилинглар ҳамда никоҳни масжидларда ўқинглар. Унинг учун даф (дўмбира) чалинглар. Ҳеч бўлмаса, бир қўй билан тўй қилинг. Уйланаётган киши сочини қорага бўяган бўлса, буни аёлга билдирсин. Уни алдамасин".

Бу ҳадиси шарифга кўра, никоҳни даф (дўмбира) билан эълон қилиш ва масжидда никоҳ ўқиш суннатдир. Масжидда ўқилиши никоҳнинг ибодат эканлигидан далолат бермоқда.

Тўйда маишат. "Азада йиғлайдилар, тўйда ўйнайдилар", - деган нақл бор.

Тўйларда хурсанд бўлиш табиий бир ҳолдир.

Ҳазрати Ойша онамиз (р.а.) ансорлардан бир яқинининг тўйига борадилар. Уйга келганларида Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) сўрадилар:

- Келин-куёвни ичкарига юбордингизми?

- Ҳа.

- Келин билан бирга даф чалиб, қўшиқ айтадиган канизаклар ҳам юбордингизми?

- Йўқ.

- Ансорларнинг кўп ғазаллари бор. Улар хурсандчиликни ҳам жуда яхши кўришади. Кошки мана буларни тараннум этадиган кимсалар ҳам борганда эди:

Сизга келдик, сизга келдик,

Сизга салом, бизга салом.

Бўлмаганда қизил олтинлар,

Кўринмасди ой юзлар.

Сиёҳ буғдойлар бўлмасайди

Семирмасди вужудлар.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) бу сўзлари билан тўйнинг камчилигига ишорат қилмоқдалар. Бир ашура куни Мадинада ёш қизларнинг чалиб қўшиқ айтаётганларини кўрган Холид ибн Зақвон ал-Маданий бу ҳақда Муаввиз қизи Рубаййидан сўрайди. Рубаййи:

- Тўйим куни эрталаб Расулуллоҳ келдилар. Каравотимга ўтирдилар. Ёнимда Бадр жангида ҳалок бўлган аждодларим билан боғлиқ қўшиқ айтиб ўтирган иккита канизак бор эди. Қўшиқни бир ерида:

- "Орамизда эртага нима бўлишини биладиган бир пайғамбар бор" деганида, Расулуллоҳ (с.а.в.):

- Ундай деманглар. Эртага нима бўлишини Аллоҳдан бошқа ҳеч

ким билмайди. Қўшиғингизда давом этинг, дедилар. Холид ибн Зақвон шу тариқа даф чалиш жоиз эканлигини билдилар.

Сабр-тоқат

Бир аёл Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг ёнларига келиб шундай деди:

- Сизнинг тепангизда туриб даф чалишни ният қилдим! Нима қилай?

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.):

- Ундай бўлса, чалавер, - дедилар. Аёл:

- Жоҳилият кишилари бутлар учун қурбонлик қилган ерда қурбонлик қилишни ният қилдим. Нима қилай?

- Бир бут учун ният қилдингми?

- Йўқ, Аллоҳ учун.

- Ундай бўлса, қурбонлик қилавер...

Анас ибн Малик (р.а.)нинг нақл қилишларича, Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) бир тўйдан қайтиб келаётган аёл ва болаларни кўргач, ўрнидан турдилар ва уларга хурмат билан дедилар:

- Сизлар инсонларнинг ичида мен учун энг севимлисизлар.

Яна Ҳазрати Анас (р.а.)нинг билдиришларича, Расулуллоҳ (с.а.в.) Мадинанинг бир жойида даф чалиб, қўшиқ айтаётган бир гуруҳ қизларга йўлиқадилар. Улар қўшиқларида:

"Биз Нажжор ўғиллари, қизларимиз.

Муҳаммад нақадар яхши қўшнимиз" дегач, Расулуллоҳ (с.а.в.):

- "Аллоҳ биладики, мен ҳам сизларни жуда яхши кўраман" дедилар.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) кўрсатган йўлларини тутган саҳобалар тўйларда қувонч ва хурсандчилик қилганлар Амир ибни Саъд (р.а.) шундай деганлар:

- Бир тўйда Қарозо ибни Каъб ва Абу Масъуд ал-Ансорийнинг ёнига бордим. Бу пайтда канизаклар қўшиқ айтаётган эди.

"Сиз Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг саҳобаси ва Бадр аҳлидансиз. Сизнинг ёнингизда шундай қилиняпти (ва сизлар овоз чиқармаяпсизлар) дедим. Улардан бири:

- Истасанг бизлар билан бирга эшит, истасанг туриб кет. Тўйда хурсандчилик қилиш учун бизга рухсат берилган" - деди. Шу воқеа билан боғлиқ бир ривоят мавзуни янада ойдинлаштиради. "Бизга тўйда қўшиқ айтишга, жанозада меъёрида йиғлашга (Расулуллоҳ тарафидан) рухсат берилди".

Инсонни тўғри тушунмоқ

Бу ҳадис ва тажрибалардан англаймизки, Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) инсон фитратига холис тарзда ёндошиб табиий орзу ва эҳтиёжларни инкор қилмай, уларни шаръий йўл билан қондиришга кўрсатма берганлар. Зеро, хурсандчилик, дам олиш эҳтиёжлари шаръий йўл билан қондирилмаса, кишилар ҳаётнинг қийинчиликлари остида эзиладилар, руҳий азобга дучор бўладилар. Тўй, байрам ва бошқа шодиёналар кундалик ҳаётни осонлаштирадиган, роҳат бағишлайдиган бўлгани учун Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) ора-сирада бу нарсаларга мойиллик кўрсатиб, қарши чиққанларга эса

танбеҳ берар эдилар. Бир Қурбон хайитида Ҳазрати Ойша (р.а.) ансордан иккита канизак билан бирга даф чалиб, қўшиқ айтиб, вақти чоғлик қилишаётганда уйга Ҳазрати Пайғамбар кириб келадилар ва хурсандчиликни бузмаслик учун юзларини бошқа тарафга қилиб ётадилар. Шу пайтда уйга Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) кирадилар ва жаҳллари чиқиб:

- Расулуллоҳнинг уйида шайтон асбобларини нима иши бор? - дейдилар. Нарироқда ётган Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) юзларидаги пардани оладилар ва:

- "Қўяверинг, бу - байрам", - деб Абу Бакрга қарайдилар.

Яна шундай хайит кунида Ҳазрати Ойша онамиз (р.а.) ҳабашистонликларнинг қалқон-камон ўйинини тўйгунча томоша қилганларини биламиз. Яна Ҳазрати Ойша онамиз (р.а.) ёшларнинг хурсандчилик қилишлари борасида қуйидагиларни айтганлар:

"Мен у пайтда ёш эдим. ўйин ва хурсандчиликни жуда яхши кўрадиган қизларга имконият беринг. Улар хурсандчилик ва томошаларни жуда яхши кўрадилар. Узоқ вақт томоша қилгач, зерикишади. Шунинг учун улар тўйгунча томоша қилишсин".

Ҳеч ким Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ортиқ даражада диндор бўла олмайди. Инсон фитратидан бехабар, диндорликни зулм, заҳмат ва мотам тутиш деб ўйлайдиган баъзи илмсиз кишилар динда ҳеч қандай хурсандчилик йўқ эканлигини айтиб, ҳатто шаръий хурсандчиликка ҳам қарши чиқишмоқда. Расулуллоҳга тескари ҳаракат қилиш диндорлик ҳисобланмайди. Бундан ташқари бир хато бошқа хатога сабаб бўлади. ўарбдаги динсизликнинг асосий сабаби черков зулмидир. Ислом мувозанат динидир. Шаръий чегарадан ошмаслик шарти билан, руҳий ва баданий эҳтиёжларни қондирилишга ижозат беради.

Ҳалоллик эшигини ёпиш билан ҳаромнинг йўли тўсилмайди, аксинча ёйилади. Ҳеч кимнинг ҳалолни ҳаром, ҳаромни ҳалол қилишга ҳаққи йўқ. Хурсандчилик динда жоиз эмас деб ўйлайдиганлар Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) замонида ҳам бор эди. Ҳукмни билмаганлари учун бошда Ҳазрати Абу Бакр ва Ҳазрати Умар ҳам қўшиқ айтганларга ва камон-қалқон ўйнаган ҳабашистонлиларга қарши чиққанларини, кейин Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг рухсат берганларини эшитиб, индамаганларини биламиз.

Хурсандчилик чегараси. Ислом инсоннинг қувониш, хурсандчилик қилиш каби эҳтиёжларини одатдагидай қабул қиларкан, уларнинг қондирилишида ҳам маълум меъёрлар белгиланган. Инсон – бекорчи эмас. Ҳар истаганини истаган шаклида қила

олмайди. Асри саодат тўйларидаги харажатларда хаддан ошишга, исрофга йўл қўйилмаган. Тўйнинг шаръий бўлиши учун диққат қилинадиган хусуслар:

1. Тўйда спиртли ичимлик ичиш, айш ишрат, аёл ва эркакларнинг аралашиб ўйнашлари, қуюқлашиб рақс тушишлари жоиз эмас.

2. Қўшиқ, лапар сўзлари инсон ҳиссиётини жунбушга келтирмаслиги, ҳаромга бошламаслиги, уларда динга зид ифодалар бўлмаслиги керак. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) канизакларни "Орамизда эртага нима бўлиши биладиган пайғамбар бор" деган сўзидан қайтарганлар. Келажакни фақат Аллоҳ билишини айтганлар.

3. Хурсандчилик эҳтиёжи жинсга ва ёшга кўра турличадир. Ёшларнинг ўйин-кулгуга мойиллиги кўпроқ эканини Ҳазрати Ойша онамиздан ўргандик. Шодиёналар савияли, ёшга мос бўлмоғи, ибодат ва ишга тўсиқ бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда вақт ва куч исрофгарчилигига йўл очади. Бундан ташқари тўй маросимлари инсон ор-номуси ва шахсиятига тегадиган бўлмаслиги керак.

Ҳозирги тўйлар қандай бўлиши керак?

Асри саодатдан кейин ҳам Ислом жамиятларида тўйлар суннатга мос тарзда ўтказилган, кураш, югуриш, мушак каби ўйинлар билан бойитилиб, юксак маданият ҳолига келган.

Аммо Ислом ўлкалари орқада қолиб, ривожланган ғарб қаршисида ўзлигини йўқота бошлаши тўйларга ҳам таъсир қилди, тўйларнинг диний ва миллийликдан узоқлаштирди. Аввалambор, катта шаҳарларда ғарбга тақлидан қилинган тўй тантаналари замон билан бирга энг кичик қишлоқ жойларга қадар ёйилган, соғлом оила қурилишини қутлаш ўрнига миллий анъаналаримиз ёт маросимларнинг ўлкаларимизга киришига ва ўрнашишига восита бўлган. Тўйларнинг миллийлигини йўқотувчи бундай дабдабалар ҳалигача давом этмоқда. Бу салбий холатни қоралаш орқалигина тўхтатиб бўлмайди, буларга муқобил тарзда тадбирлар ўтказиш лозим. Спиртли ичимликлар ичилган, қучоқлашиб рақсга тушилган, ёмон сўзлар ишлатилган, мастларнинг қичқириғи ва қусишлари билан давом этадиган бу тўйларга қарши ёшларимизни ўзига тортадиган, уларнинг покиза завқ ва орзуларини қондирадиган тўйлар қилишимиз фойда келтиради. Ёшларнинг орзу ва истакларини шаръий йўл билан қондирмасак,

улар истар-истамас ғайри исломий тўйларни истаб қолишади. Ва бу билан кўплаб исломий ва инсоний қадриятлардан мосиво бўладилар.

Бугунги тўйларни жозибалироқ ўтказиш учун қуйидаги тажриба қилиниши мумкин.

1. Маишат. Тўйда дастурхон ёзиш суннатдир. Тўй эгалари ўз имкониятларига кўра дастурхон ёзиши, айниқса, ёшларга қаратилган совға тақдим этиши керак. Масалан, келин-куёвнинг уйига кираётган пайтда ширинликлар сочиш кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) даврида келин уйга кираркан, хурмо сочиларди.

2. Хурсандчилик. Тўйда ўйин-кулгу, хурсандчилик, шодиёна бўлиши табиийдир. Бу жараёнларни янада бойитиш, жозибали ҳолга келтирилиш лозим. Фақат ваъз ўқиш, мавлуд ўқиш билан тўй бўлмайди. Мавлуд ўлганнинг орқасидан ҳам ўқилади. Ваъз ҳамма вақт тингланади. Тўй маросимини дафн маросимидан айириш учун шодиёналарга лоқайд бўлмаслик лозим. Миллий ва замонавий мусиқалар, қўшиқлар билан тўйларни жонлантириш айни муддаодир. Хина кечаси, яъни келиннинг сарполарини кўриш, уни кийинтириш ва пардоз-андоз қилдириш анъанаси ҳам суннатга мос. Уни ёйишда ва бойитишда фойда бор.

3. Турли хил мусобақалар. Юртимизнинг кўп жойларида ўтадиган тўйлардаги улоқ, пойга, югуриш, кураш каби мусобақалар воз кечилмайдиган маросимлардан эди. Шаҳар ҳаётида бундай тадбирларни йўлга қўйиш осон бўлмаса ҳам, шунга мос келадиган салон ва майдонларда, айниқса, ёшлар орасида кураш, гимнастика каби спорт ўйинлари ўтказилиши мумкин. Қилич-қалқон ўйинлари, аёл-эркак аралаш бўлмаган фолклор чиқишлар тўйларга қизиқишни орттиради.

4. Турли хил ҳажвлар. Кишиларнинг ор-номус ва шахсиятига тегмайдиган тақлид, ҳажв, ҳазиллар қилиниши ҳам мумкин. Шеър ва латифа мусобақалари, соврини тўй эгаси томонидан бериладиган тез айтишлар, топишмоқлар ҳам тўйларни жозибали қилади. Бу тадбирлар ёшларнинг миллий тўйларга қизиқишини орттиради. Натижада эса Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) давридан оладиган намуна билан бугунги замонга мос исломий тўй моделини наслимизга тақдим этиш, шу тариқа тўй маросимларини гуноҳлардан фориғ қилиш арафасида турибмиз.

Келин-куёвни чимилдиққа тайёрлаш

Чимилдиққа илк қадам қўяётган ёшларни жисмоний ва руҳий томондан тайёрлаш керак. Иккиси ҳам озода, гўзал қиёфада, айниқса, келиннинг қиёфаси урф-одатга мос бўлиши лозим. Келин-куёвга тажрибали одамлар тарафидан жинсий мавзуларда билим берилиши, соғлиқ ва дин жиҳатидан зарарли ҳаракатлардан эҳтиёт қилиниши керак. Чимилдиққа кириш келиннинг ҳайз кўрмаган кунларига тўғри келиши аҳамиятлидир.

Тўйнинг маълум бир кун ва ойга тўғрилаш мажбурияти йўқ. Икки ҳайит орасида бўлиши ҳам зарарли эмас. Аксинча, Шаввол ойида бўлишининг мустаҳаблигига доир ривоятлар бор. Чимилдиққа кириш кечасининг пайшанба кечасига тўғри келиши бир урф-одат эди. Келинлик либосини киймасдан олдин қиз таҳорат олади, икки ракат намоз ўқийди, дуо қилади.

Тўй кечаси куёв энг яқин масжидга намозига олиб борилади. Намоздан кейин имом дуо қилади. Баъзи жойларда такбир билан уйга келтирилади ва гўшангага олиб кирилади.

Чимилдиқда

Илк кеча оиланинг кириш эшиги, ҳаётнинг энг аҳамиятли бурилишларидан биридир. Бу кеча эр-хотиннинг орзулари ушалиб, дуолари қабул бўлади. Гуноҳлари кечирилади. Улар ҳам бу кечанинг қадрини билсинлар, оила ҳаётига имону эътиқодли, шуурли ва зийрак холда кирсинлар. Аллоҳнинг амрига итоат этсинлар. Куёв чимилдиққа кирганида келиннинг ёнига боришдан олдин икки ракат намоз ўқиб, шундай дуо қилади:

"Аллоҳим! Сенга ҳам айтиб менинг, аёлимнинг, ота-онамнинг ва бутун мўъминларнинг гуноҳларини кечиришингни сўрайман. Аллоҳим! Орамизда меҳр-муҳаббатни кучайтир. Ризқимизни ҳалол ва кўп бер, барака бер. Бизга фойдали илм, манфаатли ишлар ва хайрли фарзанд бер, қувончли кунларни насиб айла. Бизларнинг дунё заҳматларидан ва охират азобидан сақла".

Бу борада Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг тавсиялари шундай: "сизлардан бир киши уйланса, хизматкор ёки хайвон олса қўлини унинг пешонасига қўйиб, дуо қилсин: эй, Роббим,

сендан бунинг яхшилигини, хулқ-атворининг гўзаллигини тилайман, ёмонлигидан ва феъл-атворидан паноҳ тилайман".

Кейин куёв туриб табассум билан келинга яқинлашади. Назокат билан ёпинчиқни очиб, унинг гул яноқларидан бир бўса олади. Шу тариқа аёлининг қалбига илк севги уруғини экади. Чимилдиқда келин ва куёв мумкин қадар ҳаяжонларини енгиб, туйғуларга асир бўлмай, эсли-хушли ҳаракат қилишлари лозим. Чунки бу кеча умр бўйи ўхшаши бўлмайдиган кечадир. Бу тотли лаҳзаларда умрларининг охиригача оила қийинчилигини ёрдамлашиб енгишга, бир-бирларига нисбатан меҳрибон, вафоли, фидокор, шафқатли ва марҳаматли бўлишга, кўзларини ва кўнгилларини бошқалардан сақлашга сўз беришлари керак. Умрларини охиригача бу ваъдани унутмасликлари, бу борада Аллоҳдан ёрдам сўрашлари даркор.

Одат

Баъзи жойларда чимилдиқ кечасида эшик тагида туриб, бокиралик хабарини олиш ва уни эълон қилиш одати борки, бу жуда ёмон ва зарарли ҳолдир. Бокиралик қонини текшириш ва эълон қилишни кўп ноқулайликлари бор.

1. Эр-хотинга тегишли сирларни қидириш.

2. Фақат эр-хотин билиши керак бўлган сирларни эълон қилиш.

3. Эр-хотинда турли шубҳа, гумон уйғотиш.

Бунинг келин ва куёвга руҳий, маънавий жиҳатдан салбий таъсири ҳам бўлади. Чимилдиққа кирган ёшлар бу кеча ҳаяжонда бўладилар. Эшик ортида турган қулоғи динг пойлоқчиларни ўйлашса, ҳаяжонлари янаям ортиши, бу эса ўз навбатида жинсий фаолиятни сусайтириб, жинсий иқтидорсизликни келтириб чиқариши мумкин. Биринчи кечада келин-куёв қўшила олмаса, асабни бузувчи гумонлар, фисқу-фасодлар майдонга келади. Ҳолбуки, натижа илк кеча олинмаслиги мумкин. Мутахассисларнинг айтишларича, бокиралиги зарар кўрмаган ва бокиралик ишорати очиқчасига билинмайдиган қизлар ҳам бор. Бокиралик учун ишорат кутганлар бундай пайтда кўр-кўрона ҳукм чиқариб, беайб бир қизга турмушнинг бошидаёқ "номуссиз" тамғасини урадилар. Бу эса келин ва куёв учун маънавий томондан мислсиз зарба бўлади. Жаннатдай бўладиган оила бир зумда жаҳаннамга айланади. Бундай хато натижасида

кўпгина оилалар ҳали қурилмасдан бузилгани маълум. Агар куёвда қизнинг бокиралиги борасида жиддий гумон бўлса, буни дарров фош этмасдан, махсус врачга ёки тажрибали бир кишига мурожаат қилиши лозим. Чимилдиқ кечасида баъзи бир эҳтиёжлар учун яқин кишилардан тажрибали бир аёл бўлиши айни муддаодир.

Тўй табриги

Келин-куёвни оила қурганликлари билан табриклаш ҳам диний, ҳам инсоний бурч ҳисобланади. Турмуш қуриш табриклашга лойиқ бўлган ишлардан биридир.

Исломда ҳамма нарса каби тўй табригининг ҳам меъёри, шаклу шамойили бор. Жоҳилият даврида араблар янги уйланган кишига, "бахтли яша, бола-чақанг кўп бўлсин" дейишарди. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) эса янги уйланган кимсани шундай табриклардилар:

- Бу никоҳни Аллоҳ сиз учун муборак этсин, устингизга раҳмат ёғдирсин, оилангизни хайрли оилалардан қилсин.

Намунали оила

Ҳазрати Али (р.а.) Биби Фотиманинг турмуш қуришлари

Ҳазрати Фотима (р.а.) Пайғамбар (с.а.в.)нинг энг кичик қизлари эдилар. Пайғамбар (с.а.в.) уларни жуда севардилар. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг муборак насабларини давом эттириш бахтига айнан Фотима онамиз (р.а.) мушарраф бўлганлар. Расулуллоҳдан олти ой кейин вафот қилдилар. Йигирма тўққиз, ўттиз ёки ўттиз бир ёшларида вафот этганига доир ривоятлар бор.

Расулуллоҳ бирор ғазо ёки сафардан қайтганларида аввало масжидга кириб икки ракат намоз ўқиб, сўнгра Ҳазрати Фотиманинг ёнига борар, ундан кейин аёлларининг ҳузурларига ўтишар эдилар.

Ибн Аббос шундай ривоят қиладилар:

- Расулуллоҳ (с.а.в.) ерга тўрт чизиқ чизиб, буларни нимага чиздим, биласизларми? - деб сўрадилар. Саҳобалар:

- Йўқ билмаймиз, Аллоҳ ва Унинг Расули яхши билади, -дедилар.

Расулуллоҳ (с.а.в.):

- Жаннатий аёлларнинг энг устунлари тўрттадир. Булар Ҳувайлид қизи Хадича, Муҳаммад (с.а.в.) қизи Фотима, Имрон қизи Марям ва Музоҳим қизи Осия (Фиръавннинг аёли) - дедилар.

Ҳазрати Фотиманинг юришлари, гапиришлари ва ўғиллари Ҳазрати Ҳасан ҳам Пайғамбаримизга жуда ўхшар эдилар. Бу ўхшашлик туфайли кўпгина аёллар Ҳазрати Ҳасанга талабгор бўлганлар.

Ҳазрати Ойша (р.а.) "Мен Фотимадай сўзи Расулуллоҳга ўхшайдиган бошқа кишини кўрмадим" деганлар. Фотима (р.а.) уйга кирган пайтларида Расулуллоҳ (с.а.в.) ўринларидан турар, хуш келдинг деб уни қаршилаб, салом берар ва ўпардилар.

Турмуш қурган вақтлари: Ҳазрати Фотима (р.а.) ҳижратдан беш ой кейин Ҳазрати Алига (р.а.) никоҳландилар. Ҳижратнинг иккинчи йилида Бадр жангидан кейин тўй бўлди. Уҳуддан кейин бўлганлиги ҳақида ҳам ривоятлар бор. Бу пайтда ўн беш ёшда эдилар.

Ҳазрати Фотиманинг (р.а.) талабгорлари

Ҳазрати Фотимани (р.а.) аввал Ҳазрати Абу Бакр (р.а.) сўрадилар. Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) унга:

- Эй Абу Бакр! Мен у ҳақда келадиган илоҳий ҳукмни кутяпман" - дедилар. Ҳазрати Абу Бакр буни Ҳазрати Умарга айтдилар. Умар (р.а.):

- Эй Абу Бакр, сизни рад этибдилар, - дейишди. Ҳазрати Абу Бакр:

- Фотимани сен ҳам сўра, деганларидан сўнг Ҳазрати Умар бориб сўрагач, Пайғамбаримиз унга ҳам Абу Бакрга айтган гапларини айтдилар.

Ҳазрати Алининг қариндошлари "Фотимани Расулуллоҳдан сен ҳам сўра", - дедилар. Ҳазрати Али:

- Абу Бакр ва Умар қайтарилгандан кейин менга йўл бўлсин. Мен ҳам рад қилинишдан қўрқяпман, - деб жавоб қайтардилар.

Бироқ қариндошлар унинг Пайғамбарга яқинлигини айтиб кўндирдилар. Бу ҳақда Ҳазрати Али (р.а.) шундай ҳикоя қилганлар:

Озод бўлган қулим Фотимага совчи юборганини биласанми? - деб сўради. Мен билмайман, - дедим. Кейин:

- Расулуллоҳнинг ёнига бориб, Фотимани сўрашингга нима тўсиқ бўляпти? - деди.

- Унга уйлана оладиган бирор нарсага эга эмасман, - дедим.

- Расулуллоҳнинг ёнларига борсанг, Фотимани сенга албатта никоҳлаб берадилар, деди. Ниҳоят Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳузурларига бордим. У зот ҳайбатли ва виқорли эдилар. Олдиларига ўтирдим. Жим бўлиб қолдим. Гапира олмадим. Расулуллоҳ:

- "Нимага келдинг, бир нарсага эҳтиёжинг борми? Менимча Фотимани сўраб келдинг" деганларидан сўнг:

- Ҳа, - дея олдим.

Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) Ҳазрати Алини истагини Фотимага айтдилар. У ҳам гапирмади.

Ҳазрати Фотиманинг маҳрлари

Расулуллоҳ Алидан сўрадилар:

- Фотиманинг маҳрига берадиган ниманг бор? Али:

- Ҳеч нарсам йўқ, - дедилар. Расулуллоҳ:

- Сенга берганим зирҳли кўйлак қаерда? - дедилар.

Али "ёнимда" дедилар. Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.):

"Уни Фотимага маҳр сифатида бер" дедилар. Бу кичик зирҳли кўйлак бўлиб, эни ясси ва оғир эди. Уни зирҳчи Хутомий тикканди. Бошқа ривоятда Ҳазрати Али оти ҳам бор эканлигини айтган. Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.):

- "Отинг ўзингга керак, фақат зирҳингни сот" - дедилар. Ҳазрати Али зирҳини Ҳазрати Усмонга 480 дирҳамга сотиб, пулини олгандан кейин Ҳазрати Усмон уни совға сифатида қайтариб бердилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) Ҳазрати Усмоннинг бу иши учун дуо қилдилар.

Никоҳ маросими

Пайғамбаримиз никоҳ ўқилишидан аввал хутба ўқидилар. Аллоҳга ҳамду-сано айтдилар. Кейин:

- Буюк Аллоҳ Фотимани Ҳазрати Алига турмушга берилишини менга буюрди, мен ҳам 480 дирҳам маҳр билан турмушга бердим, дедилар ва Ҳазрати Алига:

- Эй Али! Бунга розимисан? Қани сен ҳам хутба ўқи, - дедилар.

Ҳазрати Али Аллоҳга ҳамд айтиб, шукр қилдилар. Расулуллоҳга салавот келтирдилар.

Никоҳ маросими тугагач, Пайғамбаримиз олдиларига бир товоқда хурмо қўйиб олинглар, дедилар. Ҳазрати Фотима Ҳазрати Алига никоҳлангач, йиғлаган эдилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ёнларига бориб:

- Эй Фотима, нега йиғлаяпсан! Мен сени сўраганларнинг энг билимлисига, юмшоқ кўнгиллиликда ва ақлда энг устунига, яна илк мусулмон бўлганига бердим, – дедилар.

Расулуллоҳ (с.а.в.) Ҳазрати Алига берган маҳрнинг учдан иккисини ейдиган, безак ва атир каби нарсаларга, учдан бирини эса кийим-кечакка сарфлашга буюрдилар.

Умайс қизи Асмога (р.а.) Фотима (р.а.)нинг уйини тайёрлаш тайинланди. Асмо Фотиманинг келин бўлиб борадиган уйига борди. Бири бўйрадан, иккитаси эса ошланган теридан бўлган учта кўрпача тайёрлаб, ичларини хурмо пўстлоғи билан тўлдирди. Расулуллоҳ (с.а.в.) хуфтон намозидан сўнг Фотиманинг уйига бориб, кўздан кечирдилар.

Ҳазрати Фотиманинг сепи ва уй ашёлари:

1. Умайс қизи Асмо тайёрлаган уч кўрпача.

2. Попукли бир гилам.

3. Ичига хурмо пўстлоғи тўлдирилган ёстиқ.

4. Иккита қўл тегирмони.

5. Бир дона сув тулуми (меш).

6. Битта кўза.

7. Теридан қилинган битта пиёла.

8. Бир дона элак.

9. Бир дона сочиқ.

10. Ошланган қўчқор териси.

11. Бир бўйра.

12. Хурмо япроғидан тўқилган ўрин-жой.

13. Икки кўйлак.

14. Бир жун адёл.

Ошланган қўчқор терисини тўшак қилиб ишлатишар, адёл эса икки кишининг устини тамоман ёпмас эди.

Тўй таоми

Ансорларнинг баъзилари Ҳазрати Алига тўй овқати беришни эслатишган. Ҳазрати Али (р.а.) зирҳини бир яҳудийга гаровга бериб, ярим кило арпа сотиб олган, яна қўчқор ҳам сўйган. Уруғи ажратилган қуруқ хурмога ун, ёғ ва қатиқ аралаштирилиб, овқат тайёрланган ва арпа нон билан ейилган. Бу ўша даврга кўра, энг яхши овқат эди. Бундан ташқари зайтун ёғи ва хурмо ҳам берилган.

Чимилдиқ

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) Ҳазрати Алига Фотиманинг ёнига кирмай туришни буюрдилар. Расулуллоҳ келиб, эшикни тақиллатдилар. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)ни энагалари Умму Айман эшикда кутиб олди. Салом бериб, ичкарига кириш учун рухсат сўрадилар. Киргач, Ҳазрати Алини сўрадилар. У ерда эканлигини билгач, "хайрга эришсин" деб дуо қилдилар.

Кейин Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) бир кўза сув олиб, таҳорат қилдилар. Сувнинг ичига мушки-анбар солдилар. Ҳазрати Алини чақириб, сувдан кўкси ва елкаларини орасига сепдилар. Кейин Ҳазрати Фотимани чақирдилар. Унга ҳам бу сувдан сепдилар ва:

- Мен сени оиламнинг энг хайрлисига никоҳладим, - дедилар. Аллоҳим бу никоҳни муборак айла, уларни баракатли қил, уларнинг насабини муборак қил, - деб дуо қилдилар. Бундан ташқари Ихлос, Фалақ ва Нос сураларини ўқиб, Аллоҳдан уларнинг ва авлодларини шайтондан ҳимоя қилишини сўраганлари ва Ҳазрати Алига:

- Аллоҳнинг исми ва баракати билан қаллиғинг ёнига кир, - деганлари ривоят қилинади.

Пайғамбар (с.а.в.) тўртинчи кун эрталаб уларни кўришга бордилар.

Иккинчи бўлим

Бахтли оила қандай қўриқланади?

Оилани қўриқлашда томонларнинг вазифалари

Никоҳ масъулияти

Аҳли суннат эътиқодига кўра, ўткинчи никоҳ жоиз эмас. Никоҳланганда эр-хотинлар ўзаро ҳақ, манфаат ва номусга риоя қилиш учун сўз берган бўладилар. Оилалар соғлом бир шаклда қуриладиган бўлса, жамиятнинг ривожланиши ишончли бўлади. Оила ҳаётини муҳофаза этиш энг аввало келин ва куёв билан бирга, уларнинг яқинлари, расмий ва хусусий ташкилотлар, ҳатто жамиятдаги барча шахслар бурчи, вазифасидир. Зеро, оила соғлом бўлмаса, бунинг зарарини бутун жамият кўради. Оилани сақлашда ҳам Аллоҳнинг чегараларига риоя қилиш лозим бўлади. Бу чегарадан ўтиш оилани бузиш демакдир.

Эр-хотиннинг бурчлари

Эр-хотин оиланинг асосий устунидир. Оила мустаҳкамлиги аввало буларнинг тежамкорлигига, ҳаракатларига боғлиқ. Шунинг учун эру хотин турмуш қийинчиликларига сабр қилиб, ўз масъулиятларини доимо ҳис эта билишлари лозим. Бу масъулиятни Пайғамбар (с.а.в.) шундай билдирадилар:

"Ҳаммангиз чўпонсизлар, ҳамма қўл остидагилар учун масъулдир. Давлат бошлиғи халқи учун, эр эса оила аъзолари учун масъулдир. Аёл эрининг уйида бир ҳимоячидир.

Хонадон учун масъул. Хизматкор хўжайинининг моли учун қоравул. У ҳам қўл остидагилар учун масъулдир.

Чўпон боқаётган ҳайвонларининг ўтлатиш, сувларини бериш, бўрига бўғизлатмаслик, касал, чўлоқ бўлганларни даволаш учун жавобгар бўлганидай, аёл ва эркак ҳам қўл остидагилар учун айнан шу шаклда масъулдир.

Эрнинг вазифалари

Оила учун биринчи навбатда эркак масъулдир. Лекин бошлиқнинг ўзбошимча ва нафсий ҳаракатларга эмас, оила аъзоларининг камолотига қаратилиши лозим.

Нима учун оила бошлиғи хотин эмас, эр? Жисмоний ва руҳий тузилишига кўра биринчи навбатда масъуллик эркакка муносибдир. Ҳадисда айтилганидай, аёл бу борада эркакнинг ёрдамчиси, хонадон ва болаларнинг ҳимоячисидир.

Оила бошлиғи – эрнинг оила аъзолари олдидаги асосий бурч ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Рўзғор таъминоти.

Бойликлари бўлган тақдирда ҳам аёлнинг ва фарзандларининг таъминотига эр масъулдир. Нафақа инсоннинг яшаши учун зарур бўлган моддий ва маънавий эҳтиёжларни ўз ичига олади. Ейдиган, ичадиган, киядиган нарсалар, маскан, даволаш, таҳсил ва ҳоказо. Ислом жамиятида аёл тирикчилик учун ишлаш мажбуриятида эмас. Унинг нафақаси эри, ёки отаси ё ака-укаси, ёки ўғлининг зиммасидадир. Фақат Имом Моликка кўра, эр фақир бўлса, аёл ишлаши лозим.

Эрнинг тирикчилик учун масъул эканлиги китоб, суннат ва ижмо билан собитдир.

"*Уларни (оналарни) яхшилик билан едириб-кийдириш отанинг зиммасидадир*" (Бақара сураси, 233-оят).

Бу борада Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар:

"Аёллар ҳақида Аллоҳдан қўрқинг, улар сизнинг ҳимоянгиздадир. Уларни Аллоҳга ваъда бериб олгансиз. Номусларини ҳам Аллоҳ номига ҳалол ҳисобладингиз. Уларнинг сизда урфга мос равишда ейдиган, киядиган ҳақлари бордир".

Абу Суфённинг аёли Ҳинд (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ёнларига келиб, шундай деди:

- Эй Аллоҳнинг Расули! Абу Суфён хасис одам. ўзимга ва фарзандларимга етгудай нафақа бермайди. Унга билдирмасдан унинг пулидан оламан. Бу ишим гуноҳ ҳисобланадими?

Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

- Унинг молидан ўзингга ва фарзандларингга етадиган миқдорда олишинг жоиз.

Ҳазрати Умар (р.а.) аёлларидан қочиб яшаётган бир қанча инсонлар ҳақида лашкарбошларга хат ёзиб, бу одамларни топиб ё аёлларининг нафақасини беришга ёки улардан ажралишга, агар ажралмоқчи бўлишса, у ҳолда ўтган кунларнинг нафақаларини юборишларга амр этган.

Нафақа нималарни ўз ичига олади?

Нафақа меъёри эрнинг имконига, давр талабига ва урф-одатга кўра камайиши ёки озайиши мумкин. Нафақа ўз ичига қуйидагиларни олади:

а. Озиқ-овқат.

б. Кийим-кечак.

с. Уй-жой. d.

d. Дори ва даволаш.

е. Хизматчи (Эрнинг имкони ва аёлнинг эҳтиёжи бўлса).

Аёл қачон нафақа ҳаққига эга бўлади?

1. Никоҳнинг ҳақиқий бўлиши.

2. ўзини эрига топшириши.

3. Эрининг жинсий эҳтиёжини қондирмоғи.

4. Эри истаган ерда яшашга рози бўлиши.

5. Эр-хотинни жинсий алоқага.

6. Аёлнинг эрига итоат этиши, бесўроқ бир иш қилмаслиги лозим.

Эр нафақа бериш билан ҳам қарзини узади, ҳам садақа савобини олади.

Ҳадиси шарифларга кўра, "Савоби энг кўп бўлган савдо, оилангга қилган харидинг, ҳаражатингдир".

"Бир кимса савобини Аллоҳдан кутиб, оиласига сарф-ҳаражат қилса, садақа ҳукмидадир".

2. Одоб қоидалари.

Эр-хотинларнинг ўзаро яхши муносабатда бўлишлари оила ришталарини мустаҳкамлайди. Қуръон таъбири билан айтганда "Бир-бирларининг ёпинчиғи бўлган эр-хотинлар" ўзаро аҳил бўлишлари зарур. Бу айни вақтда Аллоҳнинг амридир.

"*Улар билан тинч-тотув яшанглар. Агар уларни ёмон кўрсангиз ҳам (сабр қилиб иноқ ҳолда яшайверинглар). Зеро, сизлар ёмон кўрган нарсада Аллоҳ кўп яхшиликларни қилиб қўйган бўлиши мумкин*" (Нисо сураси, 19-оят).

Бу борада Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) шундай деганлар:

"Мўъмин бир эркак жаҳли чиқиб мўъмина аёлдан ранжимасин, агар унинг характери ёқмаса, бошқасини ёқтириши мумкин".

Шайх Абу Муҳаммад ибн Аби Язил илм ва диндорлик борасида катта мавқега эга эди. Бу зотнинг ёмон бир аёли бор эди, унга ҳақсизлик қилар, тили билан ранжитарди. Бундан одамларнинг жаҳли чиқар эди. У зот бир куни шундай деди:

- Мен Аллоҳнинг илм ва молу-дунё борасида мукаммал неъматига эришган бир бандасиман. Балки бу аёл гуноҳларимга жазо сифатида юборилгандир?! Агар мен у билан ажрашсам, Аллоҳнинг унданда баттароқ жазо беришидан қўрқаман.

Баъзи тафсирчилар эса:

"Яқин дўстингга яхшилик қил", оятида айтилган дўст киши аёлидир, деганлар. Аёллар билан яхши яшаш борасида Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг кўп тавсиялари бор:

"Мўъминларнинг иймон борасида етуклари ахлоқи энг гўзал бўлганларидир. Сизларнинг энг хайрлиларингиз аёлларига яхши муносабатда бўлганларингиздир".

"Аёлларга сахийлар иззат-икром кўрсатади, пасткашлар эса уларни ҳақорат қилади".

3. Оилани бошқариш.

Хоҳ давлат, хоҳ иш, хоҳ оила бошқарувида муваффақиятга эришишнинг бирдан-бир йўли адолат билан ҳаракат қилишдир. Зеро, коинотдаги ҳамма нарса мувозанат асосида ҳаракатланади.

Арабларда: "Қаттиқ бўлма синасан, юмшоқ бўлма сиқиласан", деган мақол бор. Дарҳақиқат, на қаттиқ ва на юмшоқ, балки уларнинг ўртаси бўлиш керак. Қаттиқ ёки юмшоқ бўлишнинг ўрни бор. Шунинг учун бошқарувчилик нозик ва қийин бир санъатдир.

"Аёллар борасида бир-бирларингизга хайр тавсия қилинглар. Чунки улар қовурғадан яратилган. Қовурғанинг энг эгри жойи ўртасидир. Уни тўғирлашга ҳаракат қилсанг, синдириб қўясан, ўз ҳолига ташлаб қўясанг эгриланишда давом этаверади. Шундай экан аёллар борасида бир-бирларингизга хайр тавсия қилинглар".

"Шубҳасиз, аёл қовурғадан яратилган. Ҳамма вақт тўғри бўлиб турмайди. Агар ундан фойдаланмоқчи бўлсанг, эгрилигини ҳисобга олиб фойдаланасан. Бутунлай тўғрилайман, десанг, синдириб қўясан. Синдириш эса ундан ажралиш демакдир".

Ҳадиси шарифларда аёлнинг қовурғадан яратилганлигини айтилиши мажозийдир. Уларнинг нозиклигини билдириш учундир. Бошқа бир ҳадиси шарифда аёллар чиннига ўхшатилган, уларга нисбатан ҳаракат қилишда эҳтиёт бўлиш таъкидланган.

Аёлнинг қовурғача ўхшатилиши аёлга ҳақорат эмас, ҳақиқатдир. Тиббиётда ҳам маълумки, инсоннинг энг нозик суяги қовуғадир. Қалбга яқин бўлиши севгини ифода этади. Кўксимиздаги суякнинг эгрилиги камчилик эмас, заруратдир.

4. Оқил бўлиш.

Меҳр-муҳаббатдан ташқари оила мустаҳкамлигини таъминловчи асосий восита ақлдир. Туйғулар ҳар он ўзгариб туради. Инсон бир пайтлар севган кишисини кейин севмаслиги табиий холдир. Ички ва ташқи таъсирлар орқали инсоннинг психологияси ҳам ўзгариши мумкин. Турмуш ўртоғини ёқтирган, ёқтирмаган пайтлар бўлади. Оилавий ҳаёт ўзгарувчан туйғулар билан эмас, ақл билан бошқарилиши лозим. Бир кун биттаси Ҳазрати Умарнинг ёнига келиб, аёли билан ажрашмоқчи эканлигини айтди. Ҳазрати Умар (р.а.) сўрадилар:

- Нимага аёлинг билан ажрашмоқчисан?

- Уни севмайман.

- Эй ахмоқ! Бутун оилалар муҳаббат билан яшаяптими? Сенинг ақлинг нимага ярайди?

Анас ибни Молик (р.а.) айтади: Расулуллоҳнинг ёнида бир одам ҳақида мақтаб гапиришди. Расулуллоҳ:

- Ақли қанақа? - деб сўрадилар.

- Эй, Расулуллоҳ! Ибодати шунақа, ахлоқи бунақа, фазилати бундай, тарбияси ундай, - деб мақтадилар. Расулуллоҳ яна:

- Ақли қанақа? - дедилар. Саҳобалар:

- Эй, Расулуллоҳ! Биз унинг ибодати, хайрли иши ҳақида гапиряпмиз. Уни мақтаяпмиз. Сиз эса ақли ҳақида сўраяпсиз?

Бунга жавобан Расулуллоҳ (с.а.в.):

- Ахмоқ сўфи жоҳиллиги билан фосиқлардан ҳам кўпроқ зарар келтиради. Аллоҳга яқинлик даражалари ақлларининг кўплиги биландир, дедилар.

Ақлдан мақсад шаҳват, ҳасад, нафрат каби туйғулардан ҳоли ақлдир. Айниқса, эркакларнинг кенг дунёқарашлари вазмин бўлишлари оила ҳаётида жуда-жуда муҳимдир.

5. Ўйин-кулгу.

Оила муҳитидаги расмият ва сиқилишни кетказиш учун вақти-вақти билан хурсандчилик ва ҳазил-ҳузул килиб турилиши керак. Ҳар нарсада бизга намуна бўлган Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) бу борада ҳам идеал бир оила бошлиғи эканликларини кўрсатганлар.

Расулуллоҳ (с.а.в.) айниқса Ойша онамиз билан ҳазиллашиб, мусобақа ўйнаганлар. Баъзан Ҳазрати Ойша Расулуллоҳни, баъзан эса Расулуллоҳ Ойша (р.а.)ни енгган. Пайғамбаримиз (с.а.в.) бекорга вақт сарфлашни хуш кўрмас эдилар. Лекин пойга, мерганлик ва аёли билан ўйнашишни фойдали ишлардан деб ҳисоблар эдилар.

Ашура кунида ҳабашистонликларнинг масжидда ўйнаган камон-қалқон ўйинини Ҳазрати Ойша онамиз билан бирга Ҳазрати Ойша онамиз зериккунларигача томоша қилганлар. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг бошқа аёлларидан кўпроқ Ҳазрати Ойшага (р.а.)

бундай муносабатлари бироз ёш бўлишидандир. Бундан англашиладики, аёлларнинг ёшларига мос тарзда муносабатда бўлиш лозим.

6. Муҳофаза қилиш.

Оила номуси ва шаънини ҳимоя қилиш энг аввало эрнинг вазифасидир. Эр ўзининг, аёлининг ва бошқа оила аъзоларининг қийин аҳволга тушиб қолмасликлари учун қўлидан келганича ҳаракат қилиши керак. Эр ор-номус борасида талабчан бўлиши ва маълум маънода рашк қилиши керак. Рашк инсоний фазилатлардан биридир. Аёлини бировлардан рашк қилмайдиганларни даюс дейилади. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) даюс киши жаннатга кира олмаслигини айтганлар. Даюс ким? дейишганда "Уйига кимни кириб-чиққанига эътибор бермаган кишидир" дея жавоб бердилар.

Аммо ўринсиз шубҳа ва гумонларга бориш жуда хавфлидир. Шубҳа ва ишончсизлик оила бузилишининг энг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

"Шундай рашкчиликлар борки, Аллоҳ уларни севмайди. Бу ортиқча гумонга берилиб аёлга азоб берувчи эрдир" (Ҳадиси шариф).

Ҳазрати Али ҳам "Ортиқча рашк қилма. Зеро, бу туфайли аёлингни ёмонликка бошлашинг мумкин".

Рашк оиланинг номус ва обрўсини муҳофаза қилишда талабчан бўлишдир. Оилани бузишга эмас, тузишга қаратилган.

7. Диндорлик.

Эр оила аъзоларига диндорлик борасида ҳам ўрнак бўлиши керак. Хоҳ ишонч, хоҳ амал борасида уйда чин мусулмон намунасини кўрсата олиши керак. Оила аъзоларининг диний ва дунёвий илм олишлари учун биринчи навбатда эр масъул. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг уйлари худди бир мактабдай эди. Бу мактабнинг ўқувчилари Расулимизнинг (с.а.в.) муборак аёллари эди. Мусулмон аёллар, айниқса, аёлга тааллуқли билимларни Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг аёллари воситасида ўрганар эдилар.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) уй аҳлига ҳам динларини ўргатар, ҳам ибодатларини текширар эдилар. Ҳазрати Фотима Ҳазрати Алига турмушга чиққанларидан кейин Пайғамбаримиз уларни 6 ой давомида бомдод намозига уйғотар эдилар.

Оила эҳтиёжларини қондириб, дунёвий хавфлардан ҳимоя қилар эканмиз, бундан ташқари уларни охиратга оид зарарлардан ҳимоя қилишимиз лозим. Жаноби Ҳақ:

"*Эй, мўъминлар, шулар ўзларингизни ва аҳли аёлларингизни ўтини одамлар ва тошларда бўлган дўзахдан сақлангки, у (дўзах) устида қаттиқдир ва қаттиққўл. Аллоҳ ўзларига буюрган нарсага итоатсизлик қилмасдиган, фақат ўзларига буюрилган нарсани қиладиган фаришталар турур*" (Таҳрим сураси, 6-оят).

8. Саховат.

Инсонлар ўртасида меҳр-муҳаббатни пайдо қилувчи ҳислатлардан бири, бу шубҳасиз, сахийликдир. Мол-мулки бўла туриб хасислик қилган кимсалар на уй аҳлига на бошқаларга ёқади. Исрофгарчиликка йўл қўймасдан оила аъзоларига иззат-икром кўрсатиш, ошқозон каби кўзларни ҳам тўйдириш бахтли бўлишнинг сабабларидан биридир. Имкони бўла туриб оила аъзоларига хасислик қиладиган эр ҳам гуноҳкор бўлади, ҳам уларни ёмон ишларга сарфлайди. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.): "Нафақаси учун масъул бўлган кимсага лоқайд бўлиш гуноҳ саналади" деганлар.

Абу Суфённинг аёли Ҳинд Расулуллоҳ (с.а.в.)га эрини хасислигидан, ўзига ва болаларига етадиган ҳеч нарса бермаётганидан шикоят қилган эди. Расулуллоҳ: ўзингга ва болаларингга етгудай нарсани Абу Суфённи молидан олишинг мумкин, - деб айтган эдилар.

9. Садоқат.

Келин ва куёв бир-бирларига садоқатли бўлишлари, севги ва ҳурматларига раҳна солмасликлари керак. Турмуш қурган ҳар бир ёш ёридан илтифот кутади. Агар эр ёки хотин кўнглини бошқасига берса, оила муносабати ўзгаради. Натижада эса нафрат ва совуқлик келиб чиқади.

Умуман, кўпгина эрлар аёлларини алдаб "Ман қилинган севги", "ўйнаш" ҳаётида яшаб оила пойдеворига зарар етказмоқдалар. Бу ҳаракатлари аёлларининг ҳам айнан шу хатога йўл қўйишларига сабаб бўлиши мумкинлиги эса ҳаёлларига ҳам келмайди. Афсуски, оилани тутиб турган иффат туйғулари эзғиланмоқда.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) эрларни номусли бўлишга чақириб шундай деганлар:

"Сизлар номусли бўлингларки, аёлларингиз ҳам номусли бўлсин. Оталарингизни ҳурмат қилингларки, ўғилларингиз ҳам сизларни ҳурмат қилсин".

Садоқатли бўлиш фақат аёлнинг вазифаси экан деган нотўғри фикр орқасидан эрларнинг ношаръий ҳаётига бефарқ қаралмоқда. Холбуки, номусли бўлиш ҳамманинг вазифасидир. Аёлига вафодор бўлмаган эрнинг ундан садоқат кутишга ҳаққи йўқ. Ҳамма экканини ўради. Аммо бу эрлар хиёнат қилса, аёллар ҳам хиёнат қилиши мумкин дегани эмас. Фақат бир хато бошқасини келиб чиқариши эҳтимолга яқин.

10. Хизмат.

Эр ташқарида рўзғор ташвишида бўлиши билан бирга уй ишларида ҳам аёлига ёрдам берса, севги ва ҳурматнинг ортишига сабаб бўлади.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) уйда қўй соғиш, кийимларни тозалаш, йиртиқ ерларини ямаш, оёқ кийимини таъмирлаш, уйни супуриш, туяга ем бериш каби ишларни қилишда уйдагиларга ёрдам берардилар. Хизматчилар билан бирга овқат еб, у билан хамир қилар, бозордан олган нарсаларни ўзлари олиб келар эдилар.

Уй ишларига ёрдам берадиган эрни "хотиннинг қули" дейдиган ҳам бор. Бундай фикрлаш ҳамма нарсадан аввал Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)ни ҳақорат қилишдир. Расулуллоҳ биз учун энг гўзал бир намунадирлар. Ҳар нарсада Расулуллоҳга ўхшаган нисбатимизда етук мўъмин бўламиз. Камтарлик ва хизмат инсонни қадр-қийматини орттиради. Севги ва дўстликка сабаб бўлади.

Аҳли аёлга муносабат

Ҳаққи Эрзурумлининг "Маърифатнома"сидан олган тамойилларимиз шулардан иборат:

1. Эр аёлига нисбатан яхши характерли бўлиши;

2. У билан мулойим ва олийжаноб бир шаклда гаплашиши;

3. Аёлининг ёнига борганида унга салом бериб, ундан ҳол-аҳвол сўраши;

4. Уни ёлғиз ва қувончли кўрганида сочларини силаб, турли илтифотлар кўрсатиб ўтиши;

5. Уни ёлғиз ва хафа кўрганида муҳаббат ва шафқат кўрсатиб, ҳол-аҳвол сўраши ва тасалли бериши;

6. Аёлни кўнглини турли ваъдалар билан олиш керак. Зеро, у уйда бир турли қамалган. Ягона умиди эридир. Ягона ҳаёт дўсти ҳам удир. Қайғу-аламини шеригидир.

7. Аёлига бола тарбиясида ёрдамчи бўлиши лозим. Зеро, бола кеча-кундуз йиғлаб, онасига дам олиш учун фурсат бермайди. Бундай аёлга ёрдам берганга, Аллоҳ ҳам ёрдам беради.

8. Аёлини ўзи кийган даражада кийинтириши;

9. Унга ўз еганидан едириши, имкон даражасида кун кечиришини, маскан, ейим-ичим ва кийим-кечак эҳтиёжларини қондиришни бўйнидаги қарз деб билиши;

10. Аёлини умуман урмаслиги, дунёвий ишлардаги камчиликлар туфайли унга ёмон сўз айтмаслиги;

11. Аёлининг дин ишларидаги камчиликлари учун ундан бир кундан ортиқ хафа бўлмаслиги;

12. Аёлига юмшоқ муомалада ва табассумли бўлиши;

13. Аёлининг ёмон характерига гувоҳ бўлганда хатони ўзидан қидириши; "агар мен яхши бўлганимда аёлим ҳам яхши бўлар эди" дейиши керак.

14. Аёли хафа бўлганда сукут сақлаш даркор. Охири пушаймон бўлиб, аёл эридан узр сўрайди. Зеро, у заифадир. Сукут сақлаб, мағлуб этилади.

15. Аёлининг яхши хулқ ва хизматларини кўргач, Аллоҳга ҳамд айтиши ва шукр қилиши керак.

16. Аёлига шундай муносабатда бўлиши керакки, у: "Эрим мени ҳаммадан кўпроқ яхши кўради" деб ўйласин.

17. Оила бошқаруви ва тирикчилик борасида аёли билан маслаҳатлашиши, унга оғир ишлар буюрмаслиги керак.

18. Аёлидан зарар кўриши мумкинлигини ҳам унутмаслик шарт. Зеро, Ҳазрати Одамни (а.с.) Аллоҳга осий қилган Момо Ҳавво онамиздир.

19. Аёлининг кичик камчиликларини яшириб, кўрмаганликка олиши;

20. Аёлини бутун сир ва камчиликларини бошқалардан яшириши лозим.

21. Латифалар айтиб, аёл ҳолига кирмасдан у билан ўйнаши керак. Зеро, Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) аёллари билан энг гўзал тарзда бирга бўлганлар. Ҳатто Ойша онамиз билан мусобақа ўйнаганлар.

22. Кўнгли бошқа бировларни қўмсайдиган вазиятга туширмаслик;

23. Аёлига зарарли нарсаларни ўқитиб ўргатмаслик;

24. Аёлига Қуръонни, фарзларни ва дин одобларини ўргатиши;

25. Бола кўриш-кўрмаслик борасида аёлини розилигини олиши шарт.

26. Аёлига ортиқча замонавий ва ўзига жалб этувчи кийим кийдирмасинки, зийнатларини кўрсатиш учун тез-тез кўчага чиқиб, уйга лоқайд бўлмасин.

27. Аёлига айтмай сафарга чиқмаслиги, ҳажга кетмаслиги, кетмоқчи бўлган пайтида хабардор қилиши лозим.

28. Аёли солиҳа ва итоатли бўлса, унинг устига бошқа аёл олмаслик керак. Акс ҳолда ораларидаги адолатни тамоман таъминлай олмайди.

29. Аёлига ғамларини, душманларини ва қарзларини айтмаслиги керак. Акс ҳолда уни хафа қилган бўлади.

30. Аёлини ҳеч қачон қарғамаслик. Зеро, аёл кеча-кундуз унинг хизматкоридир, ошпази, тикувчиси, ювувчиси, қўриқчисидир. Йўлдоши, кўнгилдоши, ёри ва нигоридир.

Эрга оид деб айтганларимизни бир қисми ҳуқуқий, бир қисми эса ахлоқийдир.

Аёл эрнинг қули деб қарайдиганлар эркакка оид бу вазифаларни кўз олдига келтирсалар кимни кимга қул эканлигини яхшироқ тушунадилар. Бу ерда масала бировнинг бировга қул бўлишида эмас, ҳамманинг хулқ-атвор ва вазиятга қараб мос вазифаларни қилишидир.

Аёлнинг вазифалари

Оиланинг асл қўриқчиси аёлдир. Оиланинг давомийлиги учун у ҳам камида эр қадар масъул ҳисобланади. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.):

"Аёл эрнинг уйдаги бир ҳимоячиси, хонадон учун жавобгардир" деганлар.

Уйнинг ички ишлари учун кўпроқ аёл жавобгар. "Уяни урғочи қуш қуради" деган нақл бежиз эмас.

Аёлнинг вазифалари, асосан, қуйидагилардир.

1. Итоат.

Аёлнинг биринчи вазифаси эрига итоат қилишдир. Бу итоат аёлни асло камситмайди ёки аёл иккинчи ўринга қўйилади, дегани эмас. Икки кишидан иборат бўлса ҳам ҳар жамиятнинг амал қилиши керак бўлган тартиб бор. Тартиб эса итоат ва қонунларга бўйсуниш билан таъминланади. Аёл эрига итоат этиши керак. Аммо эр ҳам бўйсунадиган қонунлар бор.

Аёл эрининг қонуний амрларига итоат этади. Оила нафақасини таъминлайдиган, ҳаёт қийинчиликларига кўксини тутадиган эркакка аёл итоатсизлик қила олмайди. Эр ҳаққи жуда оғирдир. Ойша онамиз (р.а.) шундай ривоят қиладилар:

- Аёл устида энг кўп кимнинг ҳаққи бор, эй Расулуллоҳ? - дедим.

- Эрининг, - дедилар.

- Эрнинг устидачи?

- Онасининг, дедилар.

Агар Аллоҳдан бошқага сажда қилиш мумкин бўлганида

аёлларга эрларига сажда қилишни амр этган бўлардим. Бунинг сабаби Аллоҳнинг эркаклар учун аёллар устида қилган ҳаққидир.

Солиҳа аёлни энг гўзал хусусияти итоатдир.

Эрларига итоат қилган аёллар жиҳод савоби оладилар. Чунки эрларини жиҳодга тайёрлайдиганлар аёллардир. Аёл эркакнинг энг яқин қўллаб-қувватловчиси ва маслаҳатчисидир. Оила сифатида маҳрум бўлган эркаклар жиҳод қила олмайдилар. Саодатнинг пойдевори севги, севгининг меваси эса итоатдир. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) итоаткор аёлларга ушбу хайрни айтадилар:

"Аёл беш вақт намозини ўқиб, рўзасини тутса, номусини сақлаб, эрига итоат этса, жаннатга хоҳлаган эшикдан кирсин".

"Ҳар қандай аёл эрини рози қилиб вафот этса, жаннатга киради".

Аёлнинг эрига итоат этиши айниқса шу хусусларда:

а) Жинсий алоқада "Бир эркак аёлини тўшакка чақирсаю аёли келмагани учун тунни ундан хафа бўлиб ўтказса бу аёлга фаришталар эрталабгача лаънат ўқишади".

в) Мол сарфлашда. Эрнинг мол-дунёсидан рухсатсиз сарфлай олмайди, ўзига ва болаларига етадиган даражадагиси бундан мустасно.

в) Ташқарига чиқишда: Аёл эрнинг рухсатисиз бошқа ерга бора олмайди. Акс ҳолда уйга қайтиб келгунча Аллоҳнинг ва фаришталарнинг лаънатига дучор бўлади. Эр-хотин бир-бирларини қаерда эканликларидан хабардор бўлишлари керак.

2. Хизмат.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) ва саҳобаи киромларнинг аёллари эрларига ҳар ишда ёрдамчи бўлганлар. Уй ишларидан ташқари ишларда-ям уларга кўмак берганлар.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг суюкли қизлари Ҳазрати Фотима бу борада ҳозирги давр аёлларига ёрқин бир ибратдир. Фотима онамиз чеккан заҳмат ва қийинчиликларига Ҳазрати Али чидай олмаган ва биргаликда Расулуллоҳни ёнига борганлар. Ҳазрати Фотима (р.а.) айтишдан уялибдилар. Шунда Ҳазрати Али:

- Эй Расулуллоҳ, мен айтай. Тегирмон айлантиришдан Фотиманинг қўли шишди. Меш билан сув ташишдан елкалари арчилди, уй супуришдан кийимлари тупроқ бўлди. Сизга хизматчилар келганида Фотимага хизмат қилишини амр этсангиз" дегач, Расулуллоҳ (с.а.в.):

- Эй, Фотима, Аллоҳдан қўрқ. Раббинг олдидаги вазифангни бажар ва рўзғор ишларини қилишда давом эт", дедилар.

Ҳазрати Абу Бакрнинг қизлари Асмо, эри Зубайрнинг ишига қарашар, отга қараб, уч фарзоҳлик жойдан бошида хурмо данагини ташир, қудуқдан сув олиб, хамир қорар эди.

Бойлиги, насл-насаби ким бўлса-бўлсин, ҳар аёл бу тарзда эрининг ва бошқа оила аъзоларининг хизматида бўлса, оиланинг юкини биргаликда бўйнига олган бўлади. Табиати ва уй ишларига имконлари сабабли аёллар уй ишларини, эркаклар эса ташқаридаги юмушларни қиладилар. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) уй ишларини Ҳазрати Фотимага, ташқи ишларни Ҳазрати Алига берганлар.

3. Иффат.

Аёлнинг энг аҳамиятли вазифаларидан бири иффат ва номусини сақлашдир.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) эркакларнинг аёллар устидаги ҳақларини айтар эканлар, шундай деганлар:

- "Тўшакни бошқа бировларга бостирмасликлари, кўнглингизга ёқмайдиган кимсаларни уйларингизга киришига рухсат бермасликларидир".

Қуръони Каримда: "*Бас, ибодат-итоатли ва эрлари йўқлигида Аллоҳнинг ҳифзу-ҳимояти билан (эрларининг мол-мулкларини ва ўз иффатларини) сақловчи хотинлар – яхши хотинлардир*" дейилган. (Нисо сураси, 34-оят).

Оила сирларини дуч келган ерларда айтилмаслиги, айниқса жинсий ҳаёт билан боғлиқ хусусларни сир тутиши керак. Назокат ва иффат соҳиби бўлган мусулмоннинг ҳатто кўрган ёмон тушини бошқа бировларга айтиши ҳам ноўриндир.

Жинсий ҳаётни сир тутиш, қўриқлаш эр-хотиннинг бирдек вазифасидир. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.):

"Қиёмат кунида Аллоҳ ҳузурида энг ёмон аҳволда бўладиган кимсалардан бири, турмуш ўртоғи билан муносабатда бўлиб, кейин унинг сирини фош қилган кимсадир".

4. Исрофдан сақланиш.

Исроф иқтисоднинг тескариси ва молни бекорга сарфлашдир. Пул топиш улкан тошни тепаликка чиқаришдай қийин, сарфлаш эса тепаликдан тошни юмалатиш каби осондир.

Пулни асосан эр топади. Сарфлашни эса асосан аёл қилади. Зеро, рўзғор эҳтиёжларини аёл яхши билади. Агар у исрофгар бўлса эрнинг пул етиштириб бериши қийин бўлади. Шунинг учун аёлнинг тежамкор бўлиши аҳамиятлидир. Кўрпага қараб оёқ узат, деган мақол бежиз эмас.

Аввал аёллар эрларидан имконияти етмайдиган нарсани сўрамас, қаноатли ва тежамкор бўлиб, оилани бошқаларга муҳтож бўлишдан сақлар, тирикчилик борасида эрларини сиқмас, ҳатто эрларига эрталаб ишга кетаётган пайтида шу танбеҳни берар эдилар:

"Зинҳор бизларни тўйдириш учун ҳаром пул топма, биз очликка чидаймиз, аммо жаҳаннам оловига чидай олмаймиз".

Оддий ва камтарин ҳаёт кечириш ҳам руҳ, ҳам бадан учун фойдалидир.

5. Фарзандларга тарбия бериш.

Оила ҳам бир мактаб кабидир. Фарзандлар яхши ёки ёмон одатларни аввало оилада ўрганадилар. Она фарзандининг энг яқин йўлдошидир. Оилани тирикчилиги учун асосан кўчада бўладиган эр фарзанд тарбиясида онадай таъсирли бўла олмайди.

Иссиқ она қучоғи шахсият шакллана бошлайдиган мактаб дейиш мумкин. Болалар оналарининг нусхасидир. Бунга оид бир мақол бор: "Онасини кўриб қизини ол".

Онгли оналар болаларининг моддий ва маънавий тарбияси учун

жиддий қарайдилар, болага бериладиган яхши тарбия энг қийматли мерос эканлигини идрок қиладилар.

"Ҳар буюк инсонни орқасида буюк аёл бор" дейдилар. Ҳақиқатдан ҳам буюк инсонларни буюк оналар етиштирган.

Ҳар аёл ўқитувчи бўла олмаганидай, ҳамма аёл ҳам она бўла олмайди. Оналик ўқитувчиликдан ҳам қийматга эга эмас. Яхши авлод яхши онанинг асаридир.

Аёл эрига қандай муносабатда бўлиши керак?

Иброҳим Ҳаққи Эрзурумлига кўра, аёл эрига шундай муносабатда бўлиши керак:

1. Эр ичкарига кирганида ўрнидан туриш.

2. Эрни табассум билан қарши олиш.

3. Эрига "хўжайин, марҳамат" дейиш.

4. Эрининг пальтосини олиш.

5. Эрининг ҳар амрига итоат этиш, бўйин эгиш.

6. Эрининг тўшагидан қочмаслик.

7. Эридан рухсатсиз уйдан бошқа ерга кетмаслик.

8. Эри ундан ўпич ва ҳакозо сўраганида рад этмаслик.

9. Эрини кийимини тозалаш.

10. Эрига овқат тайёрлаш.

11. Эрининг тўшагини солмоқ.

12. ўусл, таҳорат олиш учун сув тайёрлаш.

13. Эри истаса, ғусл ва таҳоратда унга ёрдам бериш.

14. Эридан рухсатсиз нафл рўза тутмаслик.

15. Молини ва гўзаллигини таъна қилмаслик.

16. Ейиш ва кийинишда эрини қайғуга солмаслик.

17. Овозини эрининг овозидан юқори кўтармаслик.

18. Эрига азоб бериб, сиқмаслик.

19. Эрини ёнида ва орқасидан дуо қилиш.

20. Эри учун пардоз қилиш, ор-номусини ҳимоя қилиш.

21. Эрининг меҳмонларини яхши кўриб, уларга хизмат қилиш.

22. Эрининг яқинларини ҳурмат қилиш.

23. Вазиятни тушуниш ва борига қаноат қилиш.

24. Ортиқча ноз қилмаслик ва арз этмаслик.

25. Уйнинг мол-мулкига ва болаларга эга бўлиш.

Бир онанинг қизига қилган насиҳати

Робия қабиласининг олдин келганларидан Хорис қизи Умома қизини қирол Амр ўғли Хорисга турмушга беришда қизига шундай насиҳат қилади:

Менга қара қизим! Одоб ва тарбиясига, наслига ва аслига қараб бир кимсага насиҳат қилиш керак бўлмаганида эди менинг ҳам ҳозир сенга насиҳат беришимга ҳожат қолмас эди. Бу билганга эслатма, билмаганга ўргатиш.

Қизим! Агар бир қизни ота-онасини мол-дунёси сабаби билан эрга берганда, сени ҳеч қачон турмушга бермас эдик. Лекин ундай эмас. Эркаклар биз учун яратилгани каби, бизлар ҳам улар учун яратилганмиз.

Қизим! Ҳозир сен ота-онанг уйидан, катта бўлган еринғдан чиқиб умрингда ҳеч кўрмаган, ўзингга яқин бўлмаган одамнинг уйига боряпсан. Шундай экан эрингнинг розилигини кўзлаб канизак каби итоат қилки, у ҳам сенга қул бўлсин. Сени севиб, кўнглингни олиш чорасини изласин.

Ҳозир сенга ўн тавсия бераман. Буларни яхшилаб тушуниб ол ва вақти келганда ишлат. Шунда роҳат қилиб яшайсиз, ораларингиз асло бузилмайди.

1. Сенга ейдиган ва киядиган нима олиб келса, жон-дилдан қабул қил. Қаноатли бўл. Зеро, қалб ҳузури қаноатдир.

2. Буюрганини қил, қилма деганини қилма. Сўзига қулоқ солиб, унга итоат эт. Келишув ва итоатга таянган оиладан Аллоҳ таоло рози бўлади.

3-4. Уйнинг ичини, ташқарисин тоза тутишга ҳаракат қил. Кўзга ёқмайдиган ёки ёмон ҳид тарқатадиган нарсалардан ўзингни тий. Зинҳор эрингни ўзингдан жиркантириб қўйма.

5-6. Ухлайдиган ва овқат ейдиган вақтларини яхши бил. Яъни буларни қайси вақтда қилишга одатланган бўлса, шу вақтларга мос қилиб овқатини ва ётоғини тайёрла. Зеро, очлик жаҳлни чиқаради, уйқусизлик ғамгин қилади.

7-8. Унинг молини қўриқла, исроф қилма. Обрўсини ҳимоя қил, қариндошларини ҳурмат қил. Булар яхши бошқарув учун кераклидир.

9. Эрингга оид сирларни ҳеч кимга айтма. Агар айтадиган бўлсанг, сен унинг ишончини йўқотасан.

10. Динга зид бўлмаган истакларини дарҳол бажар. Агар бепарво бўлсанг, уни ранжитиб қўясан. У қайғули бўлса, қувончли бўлишдан, у қувонганда қайғули бўлишдан ўзингни тий. Акс ҳолда бу севмаганингни, ҳис-туйғуларига шерик бўлмаганингни далилидир. Бу ҳолат сизларни айрилиш даражасига олиб борадиган нарсадир. Сен эрингни дардларига нақадар шерик бўлсанг, у ҳам сенинг дардларингга шу қадар шерик бўлади. Эрингни истакларини ўз истакларингдан афзал бил.

Ҳазрати Иброҳим (а.с.)га ёққан ва ёқмаган келин

Ҳазрати Иброҳим (а.с.)нинг ўғллари Исмоил балоғат ёшига етгач, Журҳум қабиласидан бўлган бир қизга уйланди. Кунларнинг бирида онаси Ҳожар вафот этди. Исмоил уйлангандан кейин Иброҳим (а.с.) ташлаб кетган ўғлини ва келинини кўришга келдилар. Исмоил уйда йўқ эди. Исмоилнинг аёлидан уни сўрадилар. У:

- Тирикчилигимизни таъминлаш учун чиқиб кетди, деди. Иброҳим кейин:

- Тирикчилигингиз, аҳволингиз қандай? - деб сўрадилар. Исмоилни аёли:

- Кун кечиришимиз қийин. Жуда ёмон аҳволдамиз, – деб шикоят қилди.

Кейин Ҳазрати Иброҳим келинига:

- Эринг келганида мендан салом айт, уйини эшигини алмаштирсин.

Исмоил келганида отасини келиб-кетганини англагандай бўлди ва:

- Уйимизга биров келдими? - деб сўради. Аёли:

- Ҳа. Шундай бир қария келди. Мендан сизни, кейин аҳволимизни сўради. Мен аҳволимиз ёмон эканлигини айтдим, деди. Кейин Исмоил:

- Сенга биров нарса омонат қилдими? - деди. Аёли:

- Ҳа, менга сизга салом айтишни ва уйни эшигини алмаштиришингизни тайинлаб кетди, деди. Исмоил аёлига:

- Бу келган қария отам. Менга сен билан ажрашишни амр этган. Энди сен оиланга кетишинг мумкин, – деди ва у билан ажрашиб бошқа бир қизга уйланди.

Иброҳим (а.с.) Аллоҳ буюрган бироз муддат ўтгач, яна келдилар. Уйда Исмоил яна йўқ эди. Келинидан Исмоилни сўради.

- Тирикчилигимизни таъминлаш учун чиқиб кетдилар, - деди келин.

- Тирикчилингиз, аҳволингиз яхшими?

- Биз, хайр, саодат ва баракат ичидамиз, – деди ва Аллоҳга ҳамду-сано айтди.

- Нима еб, нима ичяпсизлар?

- Гўшт еяпмиз, сув ичяпмиз.

- Эй Раббим, буларни гўштларини ва сувларини баракотли қил, - деб дуо қилдилар ва келинга:

- Эринг келганида унга салом айт ва унга эшигини яхши тутишлини тайинла, – дедилар. Иброҳим кейин Шомга қайтди. Исмоил қайтиб келиб, аёлидан:

- Уйимизга биров келдими? - деб сўради.

- Ҳа, нуроний юзли бир отахон келди.

- Сизни сўради, мен тирикчилигимизни таъминлаш учун чиқиб кетди, дедим. - Тирикчилигингиз қандай? - деб сўради. Мен: - Ҳамма нарсамиз етарли дедим.

Кейин Исмоил аёлидан:

- Сенга бирор нарса омонат қилдими? - деб сўради. Аёли:

- Ҳа. Сизга салом айтишимни ва уйнинг эшигини яхшилаб тутишингизни тайинлади, деди. Исмоил аёлига:

- ўша зот менинг отамдир. Сен эса уйимизни шарафли эшигисан. Отам менга сени яхши тутишимни амр қилган, деди.

Иброҳим (а.с.) борига шукр қилмайдиган биринчи келинни хуш кўрмаган ва у билан ажралишини истаган, сабр-қаноатли иккинчи келинни эса яхши кўриб, унинг яхши тарзда сақланишини истаган ва уни дуо қилганлар. Пайғамбарларнинг дуосига мушарраф бўлишни истовчи келинлар Иброҳим (а.с.)нинг иккинчи келини каби ҳаракат қилишлари керак.

Умумий ҳуқуқлар

А. Эр-хотиннинг вазифалари.

Оилада эр ёки аёлдан бирини иккинчи даражада кўриш хатодир.

Баъзилар айтилган бу ҳақ ва вазифаларга баҳо берар экан, Исломни аёлнинг иккинчи даражага қўйган, уни фақат эркакнинг хизматчиси сифатида билади, холос, деб даъво қилмоқдалар.

Ислом инсонга қандай бўлса, аёлга ҳам шундайдир. Эркакни юқори, аёлни паст кўриш ахмоқликдир. Агар аёл қадрсиз бўлса, у туққан ўғли ҳам, қиз ҳам қадрсиз деганидир.

Аллоҳга ибодат ва итоат қилишда эркак билан аёл ўртасида фарқ йўқ. Зеро, инсон эркак ва аёлдан дунёга келади.

"*Эй, инсонлар, дарҳақиқат Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик...*" (Ҳужурот сураси, 13-оят).

Ҳадиси шарифда эса:

"Аёллар билан эркаклар бир дарахтнинг икки шохидир" дейилган.

В. Тузилиш фарқи.

Инсоний ҳақ-ҳуқуқ жиҳатидан эркак ва аёл тенг, аммо жисмоний ва руҳий тузилишлари фарқлидир. Зотан, буни инкор этиш мумкин эмас. Акс ҳолда эркак ва аёл деган икки тушунча майдонга келмас эди.

Аёл эркакдан устун эмас.

Аёл эркакдан паст эмас.

Аёл эркак билан тенг эмас.

Хўш, ундай бўлса нима?

Аёл аёлдир, эркак эркакдир. Аллоҳ аёлга айрим хусусиятлар, эркакка айрим хусусиятлар берган. Аёлларнинг нозик ва сезгир бўлишлари зарурдир. Улар марҳаматли бўлмасалар, ҳар ҳолда бизларни тўққиз ой кун оғриқ ва азобларга чидаб кўтара олмас, уйқу ва дам олишдан воз кечмас эдилар.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) аёлларни ҳассослигини билганлари

учун уларни чиннига ўхшатганлар.

Жаноби Ҳақ эркак ва аёлнинг тузилишларига мос ишларни амр этиб, уларни бир-бирларига ёрдамчи бўлишларини истаган.

С. Ҳуқуқ ва бурчлар.

Ҳуқуқ ва бурч бир-биридан айрилмайдиган икки тушунчадир. Эркак ва аёлнинг асосий ҳақлари билан бирга ёнма-ён жинсиятга боғлиқ бир қанча бурчлари ҳам бор.

Асосий қонунларда айтилганидай: ҳеч ким ёшига, кучига ва жинсига мос бўлмаган ишга буюрилмайди.

Эркак билан аёл тенг деб, аёлларни кўмир конлари ёки шунга ўхшаш оғир ишларда ишлатиш уларнинг ҳақларини ҳимоя қилиш эмас, аксинча, азоб беришдир.

Иш тақсимлашда жинсиятни эътиборга олмаслик баъзан жиноят бўлади. Ҳомиладорлик, туғиш, ҳайз каби аёлларга хос жиҳатларни эътиборга олмасдан эркакларнинг ишини уларга юклаш зулмдир.

Болани қорнида кўтариб дунёга келтирган она, унга яхши тарбия бера олади ва бунга ҳаммадан кўра кўпроқ ҳақлидир. Фарзанд тарбияси билан шуғулланган учун аёлнинг эркакка нисбатан уйда бўлиши табиийдир. Халқ тилида аёлни "ички вакил", эркакни "ташқи вакил" дейилиши шундандир.

Бу билан эркакни уй билан, аёлни эса ташқари билан иши йўқ деб бўлмайди. Аёлнинг вазифаси кўпроқ уйда, эрники эса кўпроқ ташқарида деганидир.

Уй ишлари кўчадаги ишлардан осон ва аҳамиятсиз эмас. Уйнинг тозалиги, тартиби, овқат, кийим, бола тарбияси ва бошқа юмушлар бир аёл учун етарлича ташвишдир. Ҳамма ўзига мос ишга талабгор бўлади.

D. Аёлнинг ҳақлари.

Афлотун аёлларни "Жамиятнинг тенг аъзоси" деган, Аристотел эса "яратилишда ярим қолган эркак" деб таърифлаган. Римда фуқаро ҳисобланмаган, Ҳиндистонда эри ўлса, у ҳам ўлдириб кўмилган. Қобулда уй ҳайвони қаторида саналган, Хитойда қийматсиз бўлгани учун ҳатто исм қўйилмай, бир, икки, уч деб номер берилган, Европада аёлни инсон ёки инсон эмаслиги баҳс қилинган. Яқин кунларгача мулкдорлик ҳақлари бўлмаган. 1938 йилда Францияда чиққан бир қарорга кўра, аёлни чекка имзо қўйиши, банкда ҳисоб рақамини очиши, молиявий бир шартнома тузиши ман қилинган эди.

Ислом эса биринчи асрлар олдин аёлларга ўз ҳақларини танитган, мажбуран турмушга берилишига қарши чиққан, олиш-бериш, ижарага олиш, ширкат очиш, қарз, гаров, омонат, васият каби ишларни қилиш ҳуқуқини берган. Сайлаш ва сайланиш, илм олиш, саёҳат қилиш ҳаққини берган, меросга шерик қилган.

Эркак аёлнинг бўриси эмас. Ҳақиқий бахтни бир-бирларидан топган эр-хотинлари оиланинг ҳузури, жамиятнинг соғломлиги, наслни келажаги учун қўлни-қўлга, кўнгилни-кўнгилга беришга масъулдирлар. Севги, самимият, ёрдам бериш, садоқат ва сабр бўлмаган оилада ҳузур бўлмайди.

Оилани ҳимоя қилишда яқинларнинг вазифалари

Ота ва оналар фарзандларни яхши кўриши табиий. Зеро, фарзанд уларнинг бир парчасидир. Лекин улар турмуш қургач, аҳвол бошқача бўлади. Чунки севгини баҳам кўрадиган янги шерик келган.

Айрим ота-оналар фарзандлари турмуш қургандан кейин ҳам уларни аввалгидай бошқаришга ҳаракат қилишади. Бу эса кўпинча янги оилаларга салбий таъсир кўрсатиб, ўртага совуқчилик тушишига сабаб бўлади.

Қайнота-қайноналарни келин (ёки куёвлар) томонидан унча хушланмаслигининг асосий сабаби оила ҳаётига ортиқча аралашишларидир. Эрининг катталар қўлида қўғирчоқ эканини кўрган келиннинг унга нисбатан бўлган хурмати ўз-ўзидан пасаяди. Аммо турмуш ишларида унча уқуви бўлмаган ёшларга йўл-йўриқлар кўрсатиш, маслаҳат бериш ҳам зарур. Бу маслаҳатларнинг меъёри, маълум бир чегараси бўлсагина ижобий натижага эришиш мумкин.

Чегара қандай бўлиши керак?

а. Катталар янги турмуш қурганларни зимдан текширишлари зарур.

б. Эҳтиёж туғилган пайтларда ёрдамни аямасликлари керак.

в. Келинларини ва куёвларини ўз болалари каби кўришлари керак. Шундай қилган тақдирларида келин ва куёвлар ҳам уларни ўз ота-оналаридай яхши кўришади. Хизмат ва итоат этишда камчиликка йўл қўймайдилар. Шу тариқа оила аъзолари бир вужуднинг аъзолари каби бир-бирларига боғланадилар, биргаликда ҳузур-ҳаловатда яшайдилар.

г. Келиб-кетишда меъёрдан ошмасликлар керак. Безор қилиш эмас, соғинтириш асосдир. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) шундай деганлар: "Сийрак зиёрат қилки, севгинг ортсин".

Оилани ҳимоя қилишда давлатнинг вазифалари

Турмуш қуриш қийинлашган, ғайри шаръий алоқалар кўпайган, ижтимоий алоқа заифлашган бир жамиятда давлат оилага эътиборни

кучайтириши лозим. Оила ижтимоий суғурта даргоҳи эканлигини айтган эдик. Бу жиҳатдан оила давлатнинг асосий вазифаларидан бирини ўз зиммасига олган. Бир-бирларига оила орқали боғланганлар ўзаро кўпроқ ёрдамлашмоқдалар. Қариндошликни таъминлаган бу ёрдам иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни енгиллаштирмоқда. Оила қуришга даъват қилувчи ва қўллаб-қувватловчи амалиётлар давлат томонидан амалга оширилиши турмуш қурганлар ижтимоий ҳақлардан кўпроқ фойдаланишга имкон яратиши лозим.

Бахтли бўлишнинг асосий шартлари

Ҳамма ўз имконияти даражасида оила қуради. Бироқ муҳими оилани ҳузур ва бахт ичида давом эттиришдир.

Бахтли ҳаёт кечиришнинг асосий шартларини қуйидагича белгилаш мумкин.

1. Яхши турмуш ўртоқ танлаш.
2. Ўзаро ҳурмат ва муҳаббат.
3. Сабр-тоқат.
4. Фидокорлик.
5. Тежамкор бўлиш.
6. Бир-бирларини қадрлаш.
7. Бир-бирларига ишониш.
8. Ўзаро маслаҳат билан иш тутиш.

9. Ваъдага вафо қилиш.
10. Яқинлар билан алоқа ва иззат-икром.
11. Бадавлат бўлиш.
12. Меҳнатсевар бўлиш.
13. Ўзини янгилаш.
14. Эътиқодли ва амал қилувчи бўлиш.
15. Тоза ва гўзал кийиниш
16. Марҳаматли ва шафқатли бўлиш.
17. Сахийлик.
18. Ширинсуханлик.
19. Жинсий қониқиш.
20. Фарзандли бўлиш.

Бахтсизлик сабаблари

Ширин орзу ва гўзал умидлар билан қурилган оила баъзан секин-секин орзу-умидлар ва севги сўниб бораётган холга келиб қолади. Кинояли сўзлар, кўнгилга тегувчи салбий муносабатлар бир-бирини қувлайди. Эр-хотин умидсизликка тушиб, ҳаётлари заҳарга айланади. Хўш, бундай кўнгилсиз аҳволнинг асосий сабаблари нимада?

1. Турмуш ўртоқ танлашда хатолик.
2. Хулқ-атворнинг мос келмаслиги.
3. Эр-хотиннинг бир-бирларини тушунмаслиги.
4. Турмуш ўртоққа ва яқинларига ҳурматсизлик.
5. Худбинлик.
6. Асабийланиш ва хафа бўлиш.
7. Ишончсизлик.
8. Ғийбат.

9. Фикрни ўзгариши.

10. Ишонч ва амал заифлиги.

11. Дангаса бўлиш.

12. Ёқимсиз бўлиш.

13. Қайнона зулми.

14. Эр зулми.

15. Ёмон одатлар (ичиш, қимор ўйнаш, зино ва ҳакозо).

16. Қаноатсизлик.

17. Тирикчилик қайғуси.

18. Хасислик.

19. Ўзаро қўпол муносабатда бўлиш.

20. Жинсий тарафлама қониқиш ҳосил қилмаслик.

21. Фарзандсизлик.

Оилани заифлаштирадиган жиҳатлар

Ҳазрати Одам ва Момо Ҳаводан бошланган оила маълум бир даврларда ўз қийматини йўқотган. Бу холатнинг бошланиши ғарбдаги техника даврига тўғри келади. Фабрикаларда ишлаш учун қишлоқдан шаҳарга саноат марказларига келган кишилар кўпинча оилаларини ташлаб келган. Шахсни ютиб юборадиган катта шаҳарнинг қўрқинчли чархпалаги остида ўз қадриятларини аста-секин йўқота бошлашган. Кейинчалик ишларга жалб этилган аёллар шаҳарнинг фаҳш ҳаётидан ўзларини тия олмагани ҳам оилалар бузилишига туртки бўлган. Бундан ташқари аёлларнинг ишлаши туфайли оиладаги самимийлик бузилган, она меҳридан маҳрум бўлган уй гўё меҳмонхона сингари бўлиб, рўзғор ишлари хизматчиларга юклатилган. Етимхоналарга юборилган болалар она ва ота тарбиясидан маҳрум бўлганлар.

Фарзанднинг ҳақлари

Фарзанд севгиси

Турмуш қуришдан асосий мақсад наслни давом эттиришдир. Шунинг учун Аллоҳ одам фитратига фарзанд муҳаббатини жойлаган ва бу севги туфайли фарзанд ўстиришдаги турли қийинчиликларга дош берилмоқда. Бу меҳр ҳайвонларда ҳам мавжуд. Фарзандини сақлаш учун ҳаётини хавф остига қўядиган қанча жониворларга дуч келинган. Қуръони Карим ифодасига кўра, болалар дунё ҳаётининг зийнатидир.

"*Мол-мулк, бола-чақа шу ҳаёти дунё зийнатидир*" (Қаҳф сураси, 46-оят).

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) фарзандни "жигарпора" деб таърифлаганлар, невaралари Ҳасан ва Ҳусанни "менинг дунёдаги иккита гулим" деганлар. Бундан ташқари Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) Ҳасанни елкаларига миндириб:

- "Аллоҳим! Мен уни севаман. Сен ҳам сев" деганлар. Расулуллоҳ (с.а.в.) Анас ибн Моликни ҳам шундай дуо қилганлар:

- "Аллоҳим! Унинг молини ва боласини кўпайтир, уни баракотли қил".

Оила жамиятнинг, болалар эса оиланинг таъминотидир. Эр-хотинни бир-бирига боғлайдиган энг аҳамиятли нарса фарзанддир. Статистик маълумотларга қараганда, бола сони кўпайгач, ажрашиш нисбати камаймоқда.

Фарзанд тарбиясининг аҳамияти.

Оиланинг кўз қорачиғи бўлган фарзандларнинг комил инсон бўлишлари ва келажакда ота-онани энг гўзал шаклда ҳурмат қилиб, уларни хайр билан ёдга олинишлари учун яхши тарбия берилиши керак. Акс ҳолда саодат ва раҳмат манбаи бўлган болалар фалокат ва азоб сабаби бўладилар.

Фарзанд тарбияси жуда кўп билим, сабр ва жиддийликни талаб қилади. Исломий тамойилларга кўра, қандай тарбия беришни, қайси ёшда қандай муносабатда бўлишлари кераклигини билишлари ижобий рол ўйнайди.

Фарзанд туғилгандан кейинги вазифалар

1. Табрик ва таҳник.

Хоҳ қиз бўлсин, хоҳ ўғил бўлсин фарзан дунёга келган пайтда аввало онага "муборак бўлсин" дейилиши, ота-онани янги "меҳмон" билан табрикланиши керак. Ундан кейинги иш хурмо ёки бошқа бирор ширин нарсани эзиб, боланинг томоғига суртишдирки, бунга "таҳник" дейилади. Бу Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг тажрибаларидир. Соғлигига ҳам фойдали. Шундай йўл билан жағни ҳаракатлантириб қувватлантириш, шу тариқа онасининг кўксини тезроқ тутишини таъминлаш мумкин.

2. Исм қўйиш.

Исм инсоннинг "гувоҳномаси"дир. Дунёда ҳам, охиратда ҳам киши исми билан чақирилади.

"*Шубҳасизки, сизлар қиёмат куни исмларингиз билан, оталарингизнинг исми билан чақириласизлар. Шундай экан фарзандларга гўзал исм қўйинг*".

Исмни қачон қўйилиши хусусида эркинлик бор. Туғилган куни, уч кундан кейин, ақиқа куни ёки кейинроқ қўйса ҳам бўлаверади.

Исм беришдан олдин болани ўнг қулоғига азон, чап қулоғига иқомат айтиш суннатдир. Расулуллоҳ (с.а.в.) Ҳазрати Ҳасаннинг қулоғига азон, иқомат айтганлар ва бу шайтоннинг йўлини тўсишини билдирганлар.

Инсон дунёга келганида илк эшитадиган сўзи "Аллоҳу акбар", дунёдан риҳлат қиларкан, охирги эшитадиган сўзи Калимаи Тавҳид бўлса, ҳаётни гўзал бошлаган ва гўзал тугатган бўлади. Ҳаётга маъно ва қиймат берадиган нарса шудир.

Исмларнинг чиройли бўлиши.

Мавжудотларни энг шарафлиси бўлган инсоннинг исми ҳам шарафига мос равишда бўлиши керак. Жоҳилият даврида инсонларга ҳайвонлар номи қўпол, ёқимсиз исмлар ёки бутларнинг исмларини қўйиш кенг ёйилган эди.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) исмларга ҳам алоҳида эътибор берганлар. Ҳатто кўп саҳобаларнинг исмларни ўзгартириб, чиройли исм қўйганлар.

"Пайғамбарлар исмларини ишлатинглар. Аллоҳни энг севган исмлари Абдуллоҳ ва Абдураҳмондир".

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) инсонларга ёмон лақаб берилиб, лақаб билан чақирилишини ман қилганлар.

3. Ақиқа.

Ақиқа туғилган бола учун еттинчи куни қурбонлик сўйиш. Олимларнинг аксарияти ақиқа қилиш суннат дейишган. Зеро, Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) Ҳазрати Ҳасан ва Ҳусанлар учун ақиқа берганлар.

"Ҳар болага ақиқаси гаровдир. Еттинчи куни қўй сўйилади, исми қўйилади ва сочи олдирилади".

Ақиқанинг еттинчи куни берилиши мустаҳаб бўлса-да, бошқа пайтда ҳам берилиши мумкин. Отанинг иқтисодий аҳволи тўғри келса, еттинчи куни, тўғри келмаса, бошқа пайтда беради.

Ақиқада сўйиладиган ҳайвоннинг сифати қурбонликдаги ҳайвондай бўлади. Фақат ақиқада шерикликда ҳайвон сўйиш мумкин эмас.

Ақиқанинг ҳикмати.

Ақиқа болани ҳар турли ёмонликлардан, шайтон васвасасидан сақланиши учун Аллоҳ йўлига қилинадиган бир эҳсондир. Сўйилган ҳайвоннинг ҳар бир аъзоси бола аъзоларига бадал сифатида бўлади. Бундан ташқари шу сабаб билан дўстлар бир ерга тўпланади. Фарзанд соҳибининг қувончига шерик бўлинган, гўштидан фақирларга тарқатилиши эса ижтимоий кўмак бўлади. Ақиқадан бир бўлак гўшт боланинг туғилишини назорат қилган дояга берилиши лозим топилган.

4. Садақа бериш.

Бола билан боғлиқ шаръий ҳукмлардан бири, туғилганидан етти кун ўтгач, боланинг сочини олдириб, соч оғирлигидаги кумушни фақирларга садақа сифатида берилишидир.

Бунинг тиббий ва ижтимоий ҳикматлари бор. Янги туғилган чақалоқнинг сочи олинса, соч илдизлари бақувват ва тез ўсадиган бўлади. Кумуш садақа этилиши эса фақирларнинг қувончига ва уларнинг сидқидилдан дуо қилишларига сабаб бўлади.

Баъзи ислом ўлкаларида исм бериш, қўй сўйиб зиёфат бериш, соч олиб садақа беришлар бир кунда ўтмоқда. Бу маросим асосан Шимолий Африка диёрлари кенг ёйилган.

5. Суннат қилдириш.

Суннат қилиш фитратга хосдир. Бу Ҳазрати Иброҳим (а.с.)дан ўтган бир суннат бўлиб, Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) шундай деганлар: "Иброҳим (а.с.) саксон ёшида Қаддум қишлоғида суннат қилинди". Қаддум Шомга қарашли бир қишлоқ эди. Баъзи ривоятларда "Қаддум сўзи айтилганки, дурадгор асбоби бўлган теша, демакдир. Бунинг маъноси Иброҳим (а.с.) саксон ёшида теша билан суннат қилинди дегани бўлади.

Суннат қилиш яҳудийларда ҳам амал қилинадиган бир анъанадир. Зеро, Тавротнинг ҳукми шундай. Аввалари христианларда ҳам бу одат бор эди.

Суннат қилиш Исломнинг шиоридир. Бир тарафдан қараганда инсон вужудига Ислом тамғаси уришдир. Аллоҳга таслим бўлишнинг ва Иброҳим (а.с.)га севги ва ҳурматнинг белгисидир. Бу амал эркаклар учун вожиб бўлиб, фарзанд балоғатга етмасдан олдин суннат қилиниши керак. Туғилгандан кейин қисқа муддат ичида қилиниши яхши. Зеро, Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) Ҳазрати Ҳасан ва Ҳусанни етти кунлигида суннат қилдирганлар. Унинг соғлиқ тарафидан ҳам кўп фойдалари бор. Баъзи шифокорларнинг фикрига қараганда, рак эҳтимолини бир мунча камайтиради.

Суннат фарзанд ҳаётида аҳамиятли бўлгани боис зиёфат ҳам берилмоқда.

6. Тарбия бериш.

Ота-оналар фарзандларни ҳар жиҳатдан етук қилиб, жамиятга, элу-юртга фойдали инсон бўлишлари учун астойдил ҳаракат қилишлари шарт.

Тарбиянинг иккита – маънавий ва жисмоний йўналиши бор.

1. Маънавий тарбия.

Инсонлар дунёга гуноҳсиз келадилар. Гўдакнинг соф миясини бузмасдан Исломий хулқ-атвор асосида тарбиялаш, аввало, ота-оналарнинг вазифаларидир. Фарзанд ота ва онага Аллоҳнинг бир омонати ва қалби ишлов берилган олмос каби покиза, соф ва айни пайтда бўм-бўшдир. Кўрган ва эшитган ҳар нарсасини уқиб олишга қобилиятли, айтилган ҳар ишни қилишга мойил. Яхшилик ўргатилса, яхши етишади, дунёда ҳам охиратда ҳам бахтли бўлади. Агар фарзанд беэътибор, ўз бошимча қолдирилса, дунё ва

охиратда ҳалок бўлади. Бунга яхши тарбия бермаган ота-она жавобгар бўлади. Болаларни дунёвий ва охират оид хавфлардан қўриқлаш Аллоҳнинг амридир.

"*Эй, мўъминлар, сизлар ўзларингизни ва аҳли аёлингизни ўтини одамлар ва тошларда бўлган дўзахдан сақлангиз..."* (Ҳужурот сураси, 6-оят).

Фарзанд тарбиясининг аҳамиятига доир бир қанча ҳадиси шарифлар келтирсак:

"Ҳеч бир ота боласига гўзал одобдан аълороқ, афзалроқ нарса бера олмайди. Фазандларингизга ва оила аъзоларингизга яхшиликни ўргатинг, уларни одобли қилиб ўстиринг".

"Болаларингизни шу уч одоб орқали тарбияланг: Пайғамбарини севиш, унинг оиласини, дўсти ва яқинларини севиш, Қуръон ўқиш".

Маънавий тарбия деганда инсоннинг иймон, амал, ақл, ахлоқ ва нафс жиҳатидан етук бўлиши назарда тутилади.

а. Иймон тарбияси. Фарзанд оқ-қорани фарқ қилиш ёшига етгач, унга иймон асосларини ўргатиш, Аллоҳни борлиги, бирлиги, фаришталар, китоблар, пайғамбарлар, ўлгандан кейин тирилиш, қабр азоби, ҳисоб, тарози, сирот, жаннат ва жаҳаннам борасида билим бериш керак.

Иймон пойдевори мустаҳкам бўлмаса, бошқа нарсаларни билиш мантиқсиздир.

в. Амал тарбияси. Фарзанд улғайган сари ишонган нарсаларини қадам бақадам ҳаётда қўллай бошлаши керак. Асосий масъулият ўспиринлик даврида бошланса ҳам, болаликдан ибодатга одатлантириш зарур.

Луқмон (а.с.) ўғлига насиҳат қиларкан:

"*Эй, ўғилчам, намозни тўкис адо эт, яхшиликка буюр ва ёмонликдан қайтар ҳамда ўзингга (балоларга) етган сабр қил*!" (Луқмон сураси, 17-оят), дейди.

"*Аҳли уммотингизни намоз ўқишга буюринг ва ўзингиз ҳам (намоз ўқишда) чидамли бўлинг*" (Тоҳа сураси, 132-оят).

Жаноби Ҳақдан олган бу амрни Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) сўзсиз бажарганлар. ўз оила аъзоларини намози билан қизиққанлар, Ҳазрати Фотима ва Ҳазрати Алини 6 ой давомида бомдод намозига турғизганлар. Умматини айни вазифани қилишини истаб:

"Болаларингиз етти ёшга кирганда намозни буюринглар, ўн ёшига кирганларида (намоз ўқимасалар) уринг. Ётадиган ўринларини ҳам ажратинг" деганлар. Бошқа бир ривоятда Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)дан болани қачон намоз ўқий бошлаши ҳақида сўрашганида: *"Оқ-қорани фарқига борадиган фарзандларингизга намозни буюринг"* деганлар. Намоз, рўза каби ибодатлар балоғат ёшига етганда фарз ҳисобланса ҳам, уларга осон бўлиши учун аввалдан ўргатиш зарурдир. Халқда "Дарахт новдалигида эгилади" деган нақл бор. Болаларнинг таҳсили билан қизиқиш, уларга аввал Қуръони каримни, кейин дунё ва охиратга оид билимларни ўргатиш ва бунинг учун барча имкониятлардан ва кучлардан фойдаланиш керак.

Ахлоқ тарбиясидан мақсад – фарзандни гўзал хулқ-атвор ва фазилатлар билан ўстириш, ёмон хулқ-атвор ва одатлардан узоқлаштириш. Зеро, уларга бериладиган энг гўзал бойлик ахлоқдир.

Ахлоқий ёмон бўлган бола қанчалик қобилиятли ва ғайратли бўлмасин қобилиятини яхшиликка, хайрга эмас, аксинча ёмонликка ишлатади. Ахлоқсиз инсонга имкон ва мол-дунё бериш, қотилнинг қўлига қурол бериш билан баробар.

Инсон фитратида бир қанча маънавий хасталиклар бор. Адоват, ҳасад, худбинлик, хасислик, ҳирс, кибр ва шу каби салбий хулқларни кетказиб, унга севги, сабр, сахийлик, фидокорлик, қаноатлилик, камтарлик каби хислатларни ўргатиш ахлоқий тарбиянинг асосидир. Ёлғон ва риёдан йироқ, ихлос ва самимиятли яшаш, бошқаларни молига ва номусига кўз олайтирмаслик, қўли ва тили билан бирор кимсага озор бермаслик, бошқаларга зарар етказмаслик, кўпга фойдали бўлиш, ҳалолга ёпишиб, ҳаромдан қочиш комил инсоннинг асосий фазилатларидир. Кичик ёшдаги болаларга бу нарсани ўргатиш – ҳамма нарсани ўргатиш демак.

2. Бадан тарбияси.

Жисмоний соғлом бўлмаган киши руҳий тарафдан ҳам соғлом бўла олмайди. Болаларни касалликларга қарши ҳимоя қилиниши, вужуднинг қувватли ва соғлом бўлиши учун маълум жисмоний машқлар бажартириш лозим. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.): *"Қувватли мўъмин Аллоҳ ҳузурида заиф мўъминдан севимлидир"* деганлар. ўқ отиш, сузиш, югуриш ва курашни ташвиқ қилганлар. ўзлари Ойша онамиз билан югурган эдилар. Қилич, камон ўйинларини масжидда қилинишига рухсат берганлар.

Ҳазрати Умар (р.а.) ҳокимларга ёзган мактубларида: "Болаларингизга отиш, сузиш ва от минишни ўргатинглар" дея амр этганлар.

Фарзандларни руҳий ва жисмоний соғлигининг кушандаси бўлган ичкилик, наша, зино, бачавозлик каби ёмон иллатлардан сақлаш учун жиддий тадбирлар қилиш, уларни бундай одатларга ўргатадиган муҳит ва дўстлардан йироқ ўстириш керак.

Бугун барлар, дискотекалар ва бошқа ахлоқни бузадиган ерлар ёшларни маънавий ва моддий ботадиган ботқоғидир.

7. Фарзандлар ўртасида адолатли бўлиш.

Исломда, инсонлар тароқ тишлари каби тенгдирлар. Инсон қадри рангга, жинсга, ирққа кўра эмас, тақво биландир. Болалар орасида адолатли бўлиш зарур.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) уч марта:

"Болаларингиз орасида адолатни кўзланг, болаларингиз орасида адолатни кўзланг, болаларингиз орасида адолатни кўзланг"

"Аллоҳдан қўрқинг. Болаларингизни сизга яхшилик қилишидан кўнглингиз тўлганидай, улар орасида адолатни кўзланг".

Фарзандларга қиз ёки ўғил бўлишларига қараб муомалада бўлиш жоҳилият даврининг тушунчасидир. Жоҳилият даврида араблар қиз фарзанддан уялганлар. Қуръон буни шундай изоҳлайди:

"*Қачон бировларга қиз (кўргани ҳақида) хушхабар берилса, ғазаб тўлиб, юзлари қорайиб кетар. Ва у (қизни) хўрлаган холида олиб қолиш ёки (тириклай) тупроққа қориш (тўғрисида ўй суриб), ўзига хушхабар берилган нарсанинг (яъни қиз кўришнинг) "ёмон"лигидан (номус қилиб) одамлардан яшириниб олур. Огоҳ бўлингизким, улар (бу қилмишлари билан) энг ёмон (яъни ноҳақ) ҳукм чиқарурлар*" (Наҳл сураси, 58-59-оят).

Қиз бола заиф бўлгани учун ҳимояга кўпроқ муҳтож. Аммо бу билан уларни иккинчи даражага қўйиш тўғри эмас. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) шундай деганлар:

"Кимки уч қизни катта қилиб уларни едириб, ичириб ўз молидан кийдирса, қизлари у билан дўзах орасида парда бўладилар".

Болалардан баъзиларини бошқаларидан устун кўриш болалар орасида қизғанчиқлик ва ғанимликка сабаб бўлади.

Яқуб (а.с.) ўғли Юсуфда пайғамбарлик аломатларини сезгач, унга кўпроқ эътиборли бўлади. Бу хол бошқа ўғилларида ҳасад ва ғанимлик пайдо қилиб, ўз жигарларини – Юсуф (а.с.)ни чоҳга ташлашгача бориб етадилар (Юсуф 8-9): «Ўшанда улар (Юсуфнинг ўгай оғалари) айтган эдилар: «Гарчи, биз кўпчилик бўлсак-да, шак-шубҳасиз Юсуф ва унинг биродари (Бинямин) отамизга биздан кўра суюклироқдир. Дарҳақиқат, отамиз очиқ залолатдадир. (Яна дедилар:) Юсуфни ё ўлдиринглар, ёки бирон ерга олиб бориб тушланглар, (шундагина) оталарингиз фақатгина сизларга боқар. Кейин эса (тавба-тазарру қилиб) яхши қавм бўлиб олурсизлар».

8. Фарзандларни турмушга тайёрлаш.

Айтиб ўтганимиздек, ёшларни ўзлари хоҳламаган киши билан турмуш қурдириш жоиз эмас. Ва, аксинча, бу борада уларни батамом ўз холларига ташлаб қўйиш ҳам тўғри келмайди. Турмуш қуриш борасида уларга фикр бериш, тажрибаларни ўргатиш, энг тўғри қарор қабул қилишда ёрдамчи бўлиш фойдалидир. Бу ўринда зулм ва тазйиқ эмас, ишонтириш аҳамият касб этади.

Болаларга қандай муносабатда бўлиш керак?

Бу борасида Эрзурумли Иброҳим Ҳаққи Ҳазратларининг "Маърифатнома"даги тавсиялари шулардир.

1. Ота-она фарзанд туғилиши билан севиниб Аллоҳга шукроналар айтиши даркор. Зеро, у дунёда сурур, охиратда нурдир.
2. Қиз бола туғилса, кўпроқ севиниш керак. Зеро илк фарзандни қиз бўлиши баракотдир.
3. Фарзандга гўзал исм қўйиш.
4. Еттинчи кунида ва ундан кейин ўғил учун икки қўй, қиз учун бир қўй сўйиб, ақиқа нияти билан қурбонлик қилиш.
5. Еттинчи куни ёки балоғатга етгунга қадар ўғил болани суннат қилдириш.
6. Ўғил ёки қиз олти ёшига етганда уларга Қуръонни, фарзларни ва диний одобларни ўргатиш.
7. Ўғилга ўқиш, ёзиш, ўқ отиш, сузиш ёки бошқа зарур ҳунар ўргатиш.

8. Қизга овқат пишириш, ип йигириш ва тикишни ўргатиш.
9. Барча болаларга эҳсон ва совғада тенг бўлиш.
10. Янги мевани аввал қиз болага тоттириш, зеро қиз боланинг кўнгли инжа ва нозикдир.
11. Болаларни меҳр билан қучоқлаб, сочларини силаш, ўпиб, эркалаш.
12. Улар билан ўйнаш, очиқ чеҳра билан сўзлашиш.
13. Уларни қарғамай, хайрли дуо қилиш. Зеро, қарғиш фақирликка сабаб бўлади.
14. Ўн ёшга етган ўғил ва қизнинг ўринларини ажратиш.
15. Тенгини топиб, уйлантириш, турмушга бериш.
16. Қўлларидан келмайдиган ишни буюрмаслик, токи осий бўлмасинлар.
17. Фарзандларга ўз еганидан едириш, кийганидан кийдириш.

Ота-онанинг ҳақлари

Ота-оналар фарзандларининг камоли учун қанча қайғуришган бўлса, фарзандлар ҳам уларни ҳурмат қилиб, айни тарзда ғайрат кўрсатишлари керак. Бу мусулмонликнинг ҳам инсонийликнинг шартларидан биридир.

Жаноби Ҳақ бу ҳақда Қуръони Каримда шундай билдиради:

"*Биз инсонга ота-онасини (яъни уларга яхшилик қилишни) амр этдик. Онаси унга ожизлик устига ожизлик билан ҳомиладор бўлди (яъни қорнидаги ҳомила каттарган сари онанинг ҳоли қуриб, заморлаша борур). Уни (кўкракдан) ажратиш (муддати) икки йилда (келур). (Биз инсонга буюрдикки), сен Менга ва ота-онангга шукр қилгин! Ёлғиз ўзимга қайтажаксан*!" (Луқмон сураси, 14-оят).

Парвардигорингиз ёлғиз Унинг ўзига ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишларингизни амр этди. Агар уларнинг (ота-онангизнинг) бирови ёки ҳар иккиси сенинг қўл остингда кексаклик ёшига етсалар, уларга қараб "уф" тортма ва уларнинг сўзларини қайтарма! Уларга (доимо) яхши сўз айт! Улар учун, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут – хокисор бўл ва "Парвардигорим, мени (улар)

гўдаклик чоғимдан тарбиялаб-ўстирганларидек, Сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин", деб (ҳақларига дуо қил)! (Исро сураси, 23-24-оят).

Ота-она таърифига бундан гўзал сўз топиб бўлмайди. Жаноби Ҳақ ўзидан кейин ота-онага итоат ва яхшилик қилишни буюради.

Товуқ қанотини жўжаларининг устига қандай ёйса, она ҳам фарзанди устига "меҳр қанотини" шундай ёяди. Қариганларида, ҳимояга муҳтож бўлганларида уларга ҳам шу тарзда эътибор қаратмоқ лозим. Улар бизни севги ва сабр билан ўстирганлари каби, биз ҳам уларни "уф" демасдан ҳимоя қилишимиз керак. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) дейди:

Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)дан қайси амални фазилатли эканлигини сўрадим. Расулуллоҳ (с.а.в.):

- Вақтида ўқилган намоз, дедилар. Мен:

- Кейин қайсиниси? - деганимда, Расулуллоҳ (с.а.в.)

- Ота-онага яхшилик қилиш, дедилар. Мен:

- Кейин қайсиниси? - деганимда, Расулуллоҳ:

- Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш, - дедилар.

"Бир киши мусулмон ота-онасига Аллоҳ розилиги учун хизмат қилса, Аллоҳ унга жаннатнинг иккита эшигини мутлақо очади. Агар ота-онасидан биттаси бўлса, бир эшик очади. Агар улардан уларни ранжитса, ота-онаси рози бўлмагунча Аллоҳ ҳам рози бўлмайди. Расулуллоҳдан сўрадилар: "Агар ота-она болага ҳақсизлик қилса ҳам шундайми? Расулуллоҳ: Ҳа, шундай, дедилар.

Ота-онага хизмат

Бир одам Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг ёнларига келиб, ҳижрат қилишда сизга шерик бўлгани келдим, ота-онам эса йиғлаб қолишди, - деди. Расулуллоҳ (с.а.в.) унинг бу гапига жавобан:

- Ота-онанг ёнига бориб, уларни қандай йиғлатган бўлсанг, шундай кулдир, - дедилар.

Яна бир саҳоба (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ёнларига келиб, жиҳод қилмоқчи эканлигини айтди. Расулуллоҳ (с.а.в.) ундан:

- *Ота-онанг соғ-омонми?* - деб сўрадилар. У *"Ҳа"* деб жавоб берди.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.):

"Уларга хизмат қилиб жиҳод эт", - дедилар.

Ота-она дуоси

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) уч дуони мутлақо қабул бўлиши айтганлар: Мазлум кишининг, мусофирнинг ва ота-онанинг фарзандига қилган дуоси.

Ота-онанинг розилиги ва дуоси умрга баракот беради. Қарғиши эса... Ота-онасидан қарғиш олган кимсаларнинг тириклик пайтларидаёқ охиратлари куйган. Ота-онага қарши бўлиш гуноҳи кабира – катта гуноҳ ҳисобланади. Аллоҳ розилиги уларни розилиги биландир.

Анас ибн Молик (р.а.) ҳикоя қилади:

Алқама исмли бир йигит бор эди. У бир кун касал бўлиб аҳволи оғирлашди. Вафот этишини ўйлаган биттаси унинг боши учида ўтириб "Ла илаҳа иллаллоҳ"ни такрорлар, унинг бўлса, калимаи тавҳидга сира тили айланмади. Аҳвол Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)га айтилгач, Пайғамбаримиз (с.а.в.):

- Алқаманинг ота-онаси тирикми? - деб сўрадилар.

- Отаси ўлган, қари онаси бор, - дедилар. Пайғамбар (с.а.в.)имиз хабар юбориб, онасини чақиртирдилар. Аёл келгач, Расулуллоҳ (с.а.в.) ундан "Алқама қанақа одам" деб сўрадилар. Она деди:

- Эй, Расулуллоҳ! ўғлим намозини ўқийди, рўзасини тутади. Жуда ҳам кўп садақа беради.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) "у билан муносабатингиз қалай", - деб сўрадилар.

- Эй, Расулуллоҳ! Мен ўғлимдан норозиман, - деди.

- Нимага?

- Хотинини мендан афзал кўради. Менга қулоқ солмасдан, хотинига итоат этади. Расулуллоҳ (с.а.в.):

- Онаси норизо бўлибди, тили эса "Ла илаҳа иллаллоҳ"ни айта олмайди, - дедилар.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) кейин Билолга Алқамани ёқиш учун ўтин тўплашни буюрдилар. Буни тушунган она чидай олмади ва:

- Эй, Расулуллоҳ! Қалбимнинг бир парчаси бўлган ўғлимни оловда ёқишингизга менинг кўнглим қандай чидайди? - деди.

- Аллоҳ ўғлингизни кечириши учун сизнинг розилигингизни олиши керак. Сиз ундан рози бўлмагунингизча унинг намози ҳам, садақаси ҳам қабул бўлмайди. Қиёматда эса жаҳаннам ўтида ёнади, - дедилар Ҳазрати Расулуллоҳ (с.а.в.).

Аёл бундан таъсирланиб кетди ва қўлларини кўтариб дуо қилди:

- Аллоҳнинг, сизларнинг гувоҳлигингизда айтаманки, мен ўғлимдан розиман.

Расулуллоҳ Билолга: - Бориб кўрчи "Ла илаҳа иллаллоҳ" деб айта оляптими? - дедилар. Билол эшикнинг ёнига етганида Алқама шаҳодат келтирди ва жон таслим қилди. Ювилиб кафанлангач, Расулуллоҳ (с.а.в.) унинг жанозасини ўқидилар ва дафн қилдилар. Кейин қабрни бурчагида туриб, дедилар:

- Эй, аҳли мўъминлар! Кимки хотинини онасидан устун кўрса, Аллоҳ уни лаънатлайди. Ундайларнинг на тавбаси ва на садақаси қабул бўлади.

Бу ҳадисни турли шаклларда Табароний ва Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилганлар.

Ота-онадан кейин…

Мўъмин киши ота-онасига ҳаётлик пайтларида яхшилик қилганидай, вафотларидан кейин ҳам уларни хайр билан эслайди. Ҳадиси шарифга кўра, солиҳ фарзаднинг дуоси ота-онага фойда беради.

Саҳобалардан бири:

- Эй, Расулуллоҳ! Ота-онам вафот этганидан кейин ҳам уларга яхшилик қилишим мумкинми? - деди. Расулуллоҳ (с.а.в.):

- Ҳа, уларни дуо қил, улар учун истиғфор айт, айтганларини бажар ва дўстларига иззат-икром кўрсат. Уларнинг қариндошлари билан алоқани узмаслигинг керак, дедилар.

Ота-онага қандай муносабатда бўлиш керак?

Буюк мутаввуф олим Иброҳи Ҳаққи Эрзурумлининг бу борадаги тавсиялари қуйидагича:

1. Сўзларига қулоқ солиш.

2. Айтганларини сўзсиз бажариш.

3. Уларнинг рухсатисиз ўтирмаслик.

4. Йўлда улардан олдин юрмаслик.

5. Овозни уларникидан баланд кўтармаслик.

6. Уларнинг исмларини айтиб чақирмаслик.

7. Таклифларига рози бўлиш.

8. Хизматларига шай туриш.

9. Уларга ғазаб билан қарамаслик.

10. Рухсат беришмагунча бошқа ерга кетмай, ёнларида бўлиш.

11. Кирганларида ўрнидан туриш.

12. Ҳар нарсада маслаҳатлари билан иш тутиш.

13. Улар учун доимо дуода бўлиш.

14. Шахсиятлари, обрў ва номусларини сақлаш.

15. Турмуш ўртоқ ва фарзандларни улардан устун кўрмаслик.

16. Дастурхонга улардан олдин қўл узатмаслик.

17. Олдиларида одоб билан ўтириш.

18. Ота-онанинг дўстларига иззат-икром кўрсатиш.

19. Гапираётганда сўзини бўлмаслик.

20. Қабрларини зиёрат қилиб, дуо қилишни тўхтатмаслик.

Ҳурмат намунаси

Аббосий халифалардан Маъмун бир марта шундай деган эди: "Фазл ибн Яҳаёдин отасига яхшилик қилиб, итоат этадиган инсонни кўрмадим. Фазлнинг отаси Яҳаё фақат иссиқ сувга таҳорат оларди. Ота ва ўғил зиндонга тушишгач, совуқ бир кечада ичкарига ўтин олиб киришга рухсат берилмади. Кейин Фазл отаси ётгач, обдастани чироқни устига эрталабгача тутиб турди. У бутун қийинчиликка отам иссиқ сувга таҳорат олсин, деб чидаб турган эди".

Қайси бири қариялар уйи?

Ота-онани кексайган чоғида кўпроқ эътиборга муҳтож бўлади. Бу пайтда уларни янаям ҳурмат қилиш ва уларнинг олдида зинхор ва зинхор "уф" демаслик Исломнинг қатъий буйруғидир. Кексаларнинг жисмоний ва руҳий муаммолари кўпроқ бўлади. Бу муаммоларни ечадиган жой оиладир. Уларни оиладан ташқарига чиқариш катта муаммолар келтиради. Минг афсуски, бугун кўп қариялар ўз фарзандлари томонидан ёлғизликка маҳкум қилинмоқда.

Ғарб давлатларида қарияларнинг катта муамоларини ечиш учун янги ташкилотлар ташкил қилинди. Бизда эса бу ташкилот "Қариялар уйи" номи остида ёзилган. Лекин ғарбликлар бу бир ечим эмаслигини, аксинча, қарияларга кўп азоблар келтирганини қатъий бир шаклда тушуниб етдилар.

Тадқиқотларга кўра, ғарб давлатларида қарияларни учдан бир қисми ёлғиз, ярмиси турмуш ўртоқлари билан бирга яшамоқда. 10 фоизи фарзандлари билан бирга. Оиласиз яшаётган қарияларда руҳий тушкунлик кўпроқ учрайди. Туркияда ўтказилган текширувларга кўра эса, қариялар уйида яшайдиганларнинг 40,8 фоизи уйларида яшайдиганларнинг 28,7 фоизи руҳий тушкунлик кайфиятида бўлган. Уйда яшайдиган қарияларнинг 8 фоизи ёлғиз, 21,6 фоизи турмуш ўртоғи билан, 66,6 фоизи бола-чақаси ва турмуш ўртоғи, 4,6 фоизи бошқа қариндошлари билан яшамоқда. Кўриниб турибдики, Туркияда ғарбникидан фарқли ўлароқ, кексалар фарзандлари билан

яшамоқдалар. Аммо шаҳарлашиш ва ғарбнинг баъзи урф-одатлари тез ўтиши натижасида бу нисбат ғарбникига ўхшаб қолишини кўрсатмоқда.

Қарияларни тез тушкунликка тушишини Доктор Паул Эарнест Адолф шундай изоҳлайди:

«Мен даволаётган беморлар орасида сон суяги синган етмиш ёшлардаги бир аёл бор эди. Рентгенда олинаётган натижалар унинг бадан тўқимаси тузалаётганидан далолат бермоқда эди. Қария аёлга тузалаётганини айтиб, унга хушхабар етказдим. Бош жарроҳ менга унинг ҳеч нарсага таянмасдан юра олишини ва бир кундан кейин унга рухсат бериш мумкинлигини айтди. ўша куни якшанба куни эди. Аёлнинг қизи келганди, унга онасининг тузалганини, эртага олиб кетишини айтдим. У менга ҳеч нарса демай, онасига қаради ва уни уйига олиб бора олмаслигини, "қариялар уйида" яшаши яхшироқлигини айтди. Бир неча соатдан сўнг бемор кампирни каравотда маҳзун ўтирганини кўрдим. Эртасига усинган сон суягининг эмас, парчаланган қалбининг оғриғи билан оламдан ўтган эди. Унинг парчаланган қалбига дармон топа олмадим".

Ота-онани кексайган чоғларида ҳурмат қилиш ва иззат-икром кўрсатиш энг аҳамиятли вазифадир. Уларнинг ҳуқуқи ҳам моддий, ҳам маънавий томондан таъминот остига олинган. Моддий таъминот болалар ва бошқа қариндошлар томонидан бериладиган кундалик тирикчилик. Маънавий таъминот эса ота-онага итоат қилиш Аллоҳга итоат қилиш билан баробар бўлиши, кўнгилларга ота-она севгиси ва ҳурматини жойлаштирилишидир.

Бир мусулмон мажбур бўлмагунча ота-онасини оиладан

ташқарига чиқариб юбормайди. Чунки ҳақиқий ҳузур оилада, қариялар уйида эмас. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.):

"Бели букилган қариялар бўлмаганда эди, балолар устларингизга сел каби тўкилар эди", - дегандилар.

Уларга хизмат қилиш жаннатга эришишни энг қисқа йўлидир. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) шундай дедилар:

"Кекса ота-онасига хизмат қилиб, жаннатга эришмаганларнинг бурни ерга ишқалансин".

Бошқа қариндошларнинг ҳақлари

Ота-она билан бирга қариндош-уруғлар оила муҳитини ташкил қилади. Бу муҳит қуйидагилардан ташкил топади: ота-оналар, бува-бувилар, ака-укалар, опа-сингиллар, амаки-аммалар, тоға-холалар, ака-ука ва опа-сингилларнинг болалари, қайнона ва қайноталар.

Бу муҳитни кенг қиладиган қуйидаги оят кишиларга яна масъулият юклайди:

"*Аллоҳга бандалик қилинглар ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманглар! Ота-онангизга ҳамда қариндош-уруғ, етим ва мискинларга, қариндош қўшни ва бегона қўшнига, ёнингиздаги хамроҳрингизга, йўловчи мусофирга ва қўлларингиздаги қулларингизга яхшилик қилингиз! Албатта Аллоҳ ўзлари баҳиллик қиладиган ва ўзга одамларни ҳам бахилликка чақирадиган мутакаббир ва мақтанчоқ бўлган кимсаларни севмайди. Биз бундай кофирлар учун хор қилувчи азобларни тайёрлаб қўйганмиз*" (Нисо сураси, 36-37-оят).

Қариндош-уруғчилик хусусида кўплаб оят ва ҳадислар бор. Ҳар жумъа хутбасининг охирида ўқиладиган оят "яқинларга силаи раҳмда бўлишни" буюради.

"Ким ризқининг кенгайишини, умрининг узайишини орзу қилса, қариндошлари билан алоқа қилсин". (Ҳадиси шариф) Бу алоқанинг даражаси яқинлик даражасига кўрадир.

"Аллоҳ сизга оналарингизга яхшилик қилишни, яна оналарингизга, кейин оталарингизга, кейин эса қариндошларга яхшилик қилишни буюради".

Бир одам Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг ёнига келиб, деди:

- Мен бир катта гуноҳ қилиб қўйдим. Бунинг учун тавба қилишга имкон борми? Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) сўрадилар:

- Онанг борми?

- Йўқ.

- Холанг борми?

- Бор.

- Ундай бўлса унга яхшилик қил.

Қариндошларга қандай муносабатда бўлиш керак?

Иброҳим Ҳаққи Эрзурумли қариндошларга бўлган муносабатни шундай тартибда тузган:

1. Инсон қариндошини зиёрат қилиши, уларга ширинсўз бўлиши керак.
2. Ўз маҳалласига ва қариндошларига ёрдам беришда бир тан, бир жон бўлиб, сидқидилдан ишлаш керак.
3. Отасидан кейин амакисини, акасини ва аммасини ҳурмат қилиши, итоат этиб, уларни отасидай кўриши керак.
4. Онасидан кейин эса тоға ва холасини онасидай кўриб, уларга хизмат қилиши керак.
5. Қариндоши асир бўлса сотиб олиб озод қилиши керак. (Бугунги аҳволда қарздан, қамоқдан, гаровга қўйилган мулкдан озод қилиши керак).

Қўшнилар ҳаққи

Қўшнилар ҳам оиланинг яқин муҳити ҳисобланади. Улар билан бўлган муносабат оила муҳитига бевосита таъсир қилади. Ҳадиси шариф бор:

"Жаброил қўшни ҳақида менга шундай тавсия бердики, қўшнининг қўшнига меросхўр қилади, деб ўйладим".

Қўшниларнинг яқинлик даражалари мусулмон ва қариндош бўлиш, фақат мусулмон ёки фақат мушрик бўлиш тарзидадир.

Биринчисининг учта, иккинчисининг иккита, учинчисининг эса бир ҳақи бор. Қўшни қариндош ва муслим бўлса, қариндошлик, қўшнилик, мусулмонлик; муслим бўлса, қўшнилик ва мусулмонлик; мушрик бўлса, қўшнилик ҳаққи бор. Эшиги яқин бўлган қўшни кўпроқ муносабатга лойиқдир.

Исломда қўшнилик кенг бир елпиғичдир. Олд, орқа, ўнг ва чапдан қирқ хонани ичига оладики, инсон қўшни сифатида 160 хонадон учун масъулдир. Қўшнига яхши муносабатда бўлмаган ҳақиқий маънода иймон келтирмаган ҳисобланади.

"Қўшниси оч бўла туриб, тўқ ётадиганлар ҳақиқий мўъмин эмас".

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) ёмон қўшнидан паноҳ тилаганлар. Пайғамбаримизга кўра яхши қўшнига эга бўлиш кишини саодатли бўлишига сабабдир.

"Кенг уй, яхши қўшни ва хайрли маркаб (транспорт) инсон бахтиёрлигининг омилидир".

Қўшнилар билан муносабат

1. Қўшниларга қариндош каби иззат-икром кўрсатиш керак.

2. Қўшниларнинг ор-номусига кўз олайтирмаслик, аксинча, уни сақлаш лозим.

3. Қўшни оч экан, тўқ ётмаслик.

4. Қўшнини ҳеч бир тарзда ранжитмаслик.

5. Қўшниларга оз ёки кўп совға-салом бериб туриш.

6. Пиширилган овқатдан қўшнига ҳам бериш.

7. Қўшнилар қарз сўраса, берилиши.

8. Қўшниларни зиёрат қилиш (айниқса ҳайит-байрамларда).

9. Қўшни болалари орасида жанжал, уруш чиқармаслик керак.

10. Қўшнининг уйи, боғи девор билан тўсилмаслик.

11. Оддий камчиликлар туфайли қўшнилар билан жанжаллашмаслик.

12. Қўшниларнинг шахсий ҳаётига аралашмаслик.

13. Қўшнилар берган совға оз ва қийматсиз бўлса ҳам мамнун бўлиб қабул қилиш.

14. Уларни очиқ чеҳра ва салом билан қаршилаш.

15. Уйни сотмоқчи бўлса, аввало қўшниларга билдириш.

16. Қўшнилар сафардан келганда зиёратга чиқиш.

17. Қувончли онларда табриклаш.

18. Қайғули кунларда тасалли бериш.

19. Таклифларини қабул қилиш.

20. Касал бўлса кўргани чиқиш.

21. Вафот этса жазонасига қатнашиш.

22. Мусулмон бўлмаса ҳам ҳақларига риоя қилиниш.

Эр-хотиннинг жинсий ҳаёти

Бутун жонли мавжудотлар оламида эркак билан урғочи ўртасида табиий бир майл бор. Инсонларда бу майл ҳам жинсий туйғу, ҳам севги тарзида кўринади.

Турмуш қуриш бу майлни шаръий тарзда қондирилишини таъминлайди.

"*Унинг оятларидан (яна бири) - У зот сизлар ҳамдам бўлишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратиши ва ўрталарингизда ошнолик ва меҳр муҳаббат пайдо қилишидир. Албатта бунда тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибратлар бордир*".

Эркак-аёл ўртасидаги жинсий истак "шаҳват" калимаси билан ифода этилади. Бу истакнинг инсонга берилишида икки ҳикмат бор.

1. Дунёдаги лаззатларнинг энг устуни бўлган жинсий истакни қондиришидан меъёр олиниб, абадий ҳаётда инсонларга бериладиган роҳат ва лаззатлар ҳақида уларни хабардор қилиш.

2. Инсон наслининг давомини таъминлаш.

Аллоҳ инсонда бундай майл яратмаганида турмуш қуришдан ҳам кулфатли нарса бўлмас эди. Шундай экан эри-хотин бир-бирларининг жинсий қондиришлари ва ношаръий йўлларга кириб кетишдан ҳимоя қилишади. Ҳақиқатда аёллик ва эрлик бир санъатдир. Бир-бирларини ҳар томонлама қондириш ва оилани ҳузур ичида бошқариш санъати ҳисобланади.

Оила бахтини энг аҳамиятли унсурларидан бири жинсий қониқишдир. Оила бузилишининг бош сабабларидан бири, эри-хотин орасидаги жинсий қониқмаслик бўлади.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) жинсий алоқа билан боғлиқ саволларни тўғри қабул қилиб, одоб ва назокат меъёри билан маъқул бир шаклда бу саволларга жавоб

берганлар. Зеро, Ислом одоб динидир. Ҳақиқатгўйдир. Инсон туғилишидан бўладиган эҳтиёжларни инкор қилмайди, аксинча, шаръий йўл билан қондирилишини таъминлайди.

Шаръий алоқа ибодатдир

Мусулмоннинг ҳаромдан сақланиши вожиб. Шаҳватни ҳалол йўл билан қондириш ибодатдир. Турмуш қуриш – суннат. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг суннатларига тобе бўлиш бир ибодатдир.

Исломга кўра, жинсий кучни бекор қилиш жоиз эмас.

Саъд ибни Абу Ваққос дейди: "Усмон ибн Мазъун дунёдан ва аёллардан ўзини тортиш учун Расулуллоҳдан рухсат сўради. Лекин Расулуллоҳ (с.а.в.) унга рухсат бермадилар. Агар рухсат берганларида биз ҳам ўзимизни бичардик".

Амр ибн Аснинг ўғли Абдуллоҳ жуда ҳам сўфи одам эди. Отаси уни насабли бир аёлга уйлантирди. Амр ибн Ас келинидан эри ҳақида сўради.

Келин дедики: "Қандай яхши одам! Ҳалигача мен бир ётоқда ётмади. Унга аёл бўлганимдан бери жинсий алоқада бўлмадим".

Вазият бу тарзда бўлгач Амр ибн Ас буни Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)га айтди. Пайғамбаримиз Амр ибн Асга ўғли Абдуллоҳни келтиришни буюрдилар. Абдуллоҳ келди. Расулуллоҳ (с.а.в.) ундан:

- Кундузни рўза, кечани намоз билан ўтказаётган экансан, шундайми? - деб сўрадилар. Абдуллоҳ:

- Ҳа, эй, Расулуллоҳ, - деди. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.):

- Бундай қилма, баъзан рўза тут, баъзан тутма, баъзан ухла, баъзан намоз ўқи. Зеро, сенинг устингда жасадинг, кўзларинг ва аёлингнинг ҳаққи бор, - дедилар. Ҳадисдан англашилганидай, айниқса, уйлангандан кейин жинсий ҳаётдан кечиш тўғри эмас. Бу турмуш ўртоқ ҳаққига риоя қилмасликдир. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) кўпларни ҳайрон қолдирган шу гапни айтдилар: "Сизлардан бирингизни турмуш ўртоғи билан жинсий алоқада бўлишида садақа савоби бор".

Саҳобалар сўрадилар:

- Бизлардан биримиз жинсий истагимизни қондирсак, қандай савоб берилади? Расулуллоҳ (с.а.в.):

- Биттангиз зино қилсангиз гуноҳ бўлади, тўғрими? Худди шундай аҳли аёл билан муносабатда бўлиш савоб иш ҳисобланиб, савоб берилади.

Эр-хотиннинг жинсий вазифалари

1. Таклифни қабул қилиш. Эр-хотинлардан бири жинсий истакда бўлса, соғлик томонида ёки бошқа бир узри бўлмаса, бу истакни қабул қилиши керак. Акс ҳолда орага совуқчилик тушиб ва фаҳш йўлларга кириб кетиши мумкин. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) шундай деганлар:

"Бир эркак аёлини тўшакка чақирганда келмай, эрини ранжитса, фаришталар бу аёлга эрталабгача лаънат ўқишади".

Шундай савол туғилиши мумкин: Нима аёл работми? Унинг ҳам ич дунёси, завқи, орзуси бор. Эри билан у пайтда жинсий алоқада бўлишга руҳан тайёр бўлмаслиги мумкин? Буларни эътиборга олиш керак эмасми?

Бу эътироз тўғри. Аёлда ҳам асаб чарчаши, руҳий сиқилишлари бўлиши табиий. Лекин аёлнинг бу ҳоли эрини асабийлаштириб, унинг ҳузурини бузиш ҳаққини бермайди.

Руҳий бир азобда бўлса, буни эрига муносиб равишда тушунтириб, унинг тушунишини кутади. ўша пайтда лаънатдан қутулган бўлади. Аксинча, эрнинг таклифини сабабсиз рад этса, маъзур ҳисобланмайди. Аёл ўчоқ бошида бўлса ҳам эрининг таклифига рози бўлиши лозим. Бунда бир ҳикмат бор. Эркаклар жинсий истакни тўхтатиш борасида аёлларга нисбатан заифдир. Эркакнинг бу чидамсизлигини билан Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) шундай деганлар:

"Сизнинг жинсий истагингизни қўзғатувчи бир аёл

кўрганингизда аёлингиз билан эҳтиёжингизни қондиринг".

Айниқса, ҳозирги кунда эркакларнинг жинсий истакка жуда ҳам мойил эканликларини кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, аёллар эрларини уйга боғлаш учун бор меҳру муҳаббатларини, маҳоратларини ишга солишлари даркор.

2. Жинсий кучни ҳимоя қилиш. Эр-хотинлар жинсий томондан бир-бирларини қондирадиган жинсий кучга эга бўлишлари ва уни ҳимоя қилишлари керак. Айниқса эркак ўзини жинсий заиф ҳис қилса, кучли бўлишнинг чораларини излаши керак. Эркакнинг жинсий қониқиш ҳаққи бўлганидай аёлни ҳам айни шаклда ҳаққи бор.

"*Ва яхши амалларда улар (аёллар) учун зиммаларидаги эрлари олдиларидаги бурчлари баробарида ҳуқуқлари ҳам бор*" (Бақара сураси, 228-оят).

Агар эр тўшакда хотинининг эҳтиёжини қондиришдан ўзини ожиз билса, у ҳолда аёлининг номусини сақлаш учун эркаклик кучини ва шаҳватини орттирувчи дорилар олиши керак. Акс ҳолда аёли судга мурожаат қилиб, ажрашиши мумкин. Агар даволаш имкони бўлмаса, судя эр-хотинни ажраштиради. Аёл табиатли (хунаса), эркаклик аъзоси кесилмаган ва шаний тўрвалари бўлмаган кимсаларнинг аёллари ҳам ажралиш ҳуқуқига эга.

Айни шу тарзда аёлда ҳам жинсий алоқага тўсиқ бўладиган ва давосиз камчиликлар бўлса, бу ҳолда ҳам ажрашиш мумкин.

3. Безаниш ва покизалик. Эр-хотин ҳар жиҳатдан бир-бирлари учун жозибадор бўлишлари керак. Зотан, мусулмонга кўримсиз бўлиш ярашмайди. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.):

"Қиёфатларингизни ва отларингизни кўримли қилингларки, инсонлар орасида эътибор қозонинг" дея мусулмонларни бармоқ билан кўрсатиладиган инсон бўлишини истаганлар.

Бир одам сочи, соқоли жулдур ҳолда Расулуллоҳ (с.а.в.)ни ёнига келган эди. Пайғамбар (с.а.в.) унга қиёфасини тузатишга ишора қилдилар. У қиёфасини тузатди. Кейин Пайғамбаримиз (с.а.в.):

"Шайтон каби сочи жулдур келгандан, бу тарзда тартибли бўлиши яхши эмасми" дедилар.

Ибн Аббос дедики: "Аёлим мен учун қандай безанса, мен ҳам у учун безанаман. Ундаги бутун ҳақларини истамаяпманки, у ҳам мендан бутун ҳақларини истамасин". Олимлар дедиларки, эркакнинг безаниши вазиятга қараб, ёқимли шаклда бўлиши керак.

Эркак киши ораста бўлсинки, аёлига ёқсин ва аёлининг кўзи бошқа эркакларда бўлмасин. Бундан ташқари гўзал ҳид, тишларни мисвоклаш, вужуддаги кирларни ва ортиқча жунларни тозалаш, тирноқларни олиш жудаям зарурдир.

Акс ҳолда аёлининг кўнгли совиши ва бошқа эркакларга кўз тикиши мумкин. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) айтганларидай, Бани Исроил орасида фаҳш ёйилишига эрларнинг аёллари учун безанмаслиги сабаб бўлган.

Бир аёл жулдур ва ёқимсиз қиёфали эри билан Ҳазрати Умарнинг ёнига келиб, шундай деди:

- Эй, мўъминларнинг амири! Мени бу одамдан қутқар.

Умар унинг эрига қараб аёл нимага нафратланаётганини тушунди ва атрофларидаги бир кишига уни чўмилтириб, тирноқларини, сочларини олдиришини, кийим олиб келинишини буюрдилар. Ҳазрати Умарнинг (р.а.) истаги бажарилиб, одам тоза ҳолатда келгач, Умар одамга аёлини қўлидан тутишини амр қилди. У киши ушагач, аёли ҳижолат бўлиб:

- Эй Абдуллоҳ! Мўъминларнинг амири ёнида шундай қиладами, деди ва бирга чиқиб кетдилар. Умар ёнидагиларга:

"Аёлларингизга шундай покиза ва тартибли муносабатда бўлинг.

Уларнинг сизлар учун қандай безаниб, покиза бўлишини истасангизлар, улар ҳам сизнинг шундай тоза бўлишингизни истайдилар".

Мўъминнинг хусусияти тоза бўлишдир. Таҳорат, ғусл, мисвок Ислом атамаларидир. Анас ибн Молик дедики: "Мўйловларни тузатишга, қўлтиқ ва жинсий аъзолар тукларини, тирноқларни олишга қирқ кундан ортиқ вақт давомида лоқайд бўлмаслик амр қилинди".

Тиш тозалиги, оғиз тозалиги соғлиқ ва жинсий алоқа тарафидан жуда аҳамиятлидир. Ҳазрати Умар (р.а.) эрини оғиз ҳидидан арз этган аёлнинг талабини қонуний деб ҳисоблаб, ажрашиши учун унга товон берганлар.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) тиш тозалигига жуда аҳамият берганлари учун ҳар таҳоратда мисвок ишлатганлар. Ушбу ҳадис шариф ҳам машҳурдир:

"Агар умматимга қийин бўлмаслигини билганимда ҳар намоздан олдин мисвок ишлатишларини буюрардим".

4. Атир ишлатиш.

Гўзал ҳидни жинсий жозибани орттириши ҳақиқатдир. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.):

"Менга дунёнгиздан уч нарса ёқади. Хушбўй ҳид, солиҳа аёл ва кўзимнинг нури - намоз" деганлар.

5. Аёлнинг безаниб тозаланиши.

"Кўз кўрди, кўнгил севди" дейишади. Демакки, кўнгилга борадиган йўл кўздан ўтади. Бундан ташқари оталаримиз "икки кўз бир юзга қарайди" деганлар. Шундай экан, кўзларнинг «ҳаққини бериш» керак.

Уйнинг аҳволи инсон ҳамма вақт бирдай бўла олмайди. Кийим юваётган пайтда, уйни тозалаётган пайтда, иш билан машғул бўлаётган пайтда тартибли бўлиш душвор. Лекин ишлар тугагач, кўзга хуш ёқмайдиган қиёфа ўзгариб, яхши ва тартибли кийимларни кийиш лозим.

Эр-хотинлар имкон даражасида бир-бирларини ифлос ҳолда кўрмасликлари керак. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) бу борада ҳам ибрат кўрсатганлар. Сафардан қайтишда шошиб уйга кирмай, Жобир ибн Абдуллоҳга шундай деганлар:

"Эй Жобир! Мадинага кечқурун келганингда дарров уйингга кирма. Аввал келганингни билдир. Токи эридан узоқ бўлган аёл ўзига қараб, у ёқ бу ёғини тозалаб, ораста бўлиб олсин".

Пайғамбаримизнинг бу тавсияларида сўзсиз аҳамиятли ҳикматлар бор. Эр сафарда - узоқда бўлган пайтда аёл уй тартиби ва ўз қиёфати билан ортиқча қизиқмайди. Эр сафардан қайтгач, уйнинг ва аёлининг тартибсизлигидан безовта бўлиши мумкин. Шунинг учун унга хабар бериб келиш ва аёлга эрини тартибли тарзда кутиб олиши учун имконият бериш керак.

Аёл эри ва ўз завқи учун безаниши керак. Бугун мода номи остида безанаётган аёллар кўпроқ бошқа эркакларнинг эътиборини тортмоқдалар.

Уйда гўзал кийинган аёл фақат эрининг завқи учун эмас, айни пайтда уни бошқаларига қаратмаслик ва кўзини ташқарида қолишдан сақлаш учундир. Қисқаси

оила саодатига соя солмаслик учун кийинади. Эрини уйга тортиш, унга гўзал кўриниш ва ўзига боғлаб олиш учун яхши кийинган аёлнинг бу ҳаракати нафл ибодат ҳукмидадир. Эркакларга ҳаром қилинган олтин ва ипак ишлатишни аёлларни ҳалол қилинишининг ҳикмати шундадир.

Кийимда уч хусусият мавжуд:

1. Аврат жойларни бекитилиши.

2. Совуқдан, иссиқдан сақлаши.

3. Гўзаллик ва эътибор қозониш.

Аёл эри учун юз пардози қилиши керак. Юзни, кўзни турли хил рангларга бўяб маймун шаклига кириш шарт эмас. Уста аёл моданинг таъсирида Аллоҳ яратган гўзал сиймони юз пардози қиламан деб дуч келган рангга бўямайди. Ҳам безанади, ҳам енгил ва оддий бир пардоз билан табиий гўзаллигига гўзаллик қўшиб, эрига янада гўзал кўринади. Шу тариқа эрини бегона аёлларни тузоғига тушишидан қутқаради.

Аёлларга муҳим тавсиялар:

Эрларингизни сиздан совиб кетишини, бошқа аёл тузоғига тушишини ва кўнгилларини бошқа бировларга беришини истамасангиз ва умр бўйи бахтли бўлиш орзусида бўлсангиз ўзингизга яхши қаранг... Уйингизда чиройли кийининг, эрингизга ҳар доим гўзал кўринишга ҳаракат қилинг. Ташқарига чиққанда Аллоҳ буюрганидай ўранинг. Шундай қилиш билан ҳам ўз оилангизни, ҳам бошқа оилаларни бахтли қилган бўласиз.

Кўпгина оилаларда эр-хотин орасидаги келишмовчилик ва ажрашишларга аёлларнинг уйда ўзларига лоқайд бўлиб, кўчага чиқаётганда безаниб, очиқ-сочиқ чиқишлари сабаб бўлади.

Хинали аёл

Араб тилшуносларидан Асмои чўлда саёҳат қилиб юриб, аралаш-қуралаш кийинган, қўлига хина сурган бир аёлни учратиб қолади. Эътибор билан қараб, аёлнинг айни вақтда тасбеҳ айтиб, зикр билан машғул бўлганини кўради. У ҳайрон бўлиб:

- Хоним! Кўринишинг билан бу ҳолинг бир-бирига қанчалар қарама-қарши. Бу пардоз нима, бу тасбеҳ нима? - деб сўради.

Аёл унга шундай деб жавоб берди:

- Менинг икки йўлим бор. Бири ҳеч ташламаган ибодатим. Иккинчиси эса кўрганингиздай гўзал кийинишим.

Олим айтади: тушундимки, аёл жуда ҳам диёнатли ва эри учун пардоз қилмоқда экан.

Демак, гўзал кийиниш билан диндорлик бир-бирига тескари эмас. Аксинча, диндор бир аёлнинг эри учун пардоз қилиши лозим.

Пардознинг меъёрлари

Аёллар пардоз қиларкан, асло меъёрлардан чиқмасликлари керак. Аввало пардозни эрлари учун қилишлари керак.

Аёл, айниқса, ҳайз кунларида атир сепиши ва бу билан ҳайзнинг ёқимсиз бўйидан сақланиши лозим.

Бегона эркаклар учун кийиниб, пардоз қилишлари, атир ишлатишлари диний ва ахлоқий томондан хавфлидир. Хушбўй атирлар сепиб бегона эркакларнинг эътиборини жалб этиш учун ташқарига чиқиб юрган аёл гуноҳкор ҳисобланади. Зеро, хушбўй ҳид жинсий туйғуларни жунбушга келтиради. Масжидга кетаётган аёл атир сепиши мумкин эмас. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.): "Ҳар қандай аёл атир сепиб ҳидини ҳис этишлари учун жамоатни ёнига чиқса, у зино қилган бўлади. Чунки хушбўй ҳид зинога ундайди, - деганлар.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) қошини кичрайтирган аёлга лаънат айтганлар. Лекин баъзи олимлар аёлнинг юзида ёмон бўлиб чиқиб турган тукларни эрининг рухсати билан юлиши жоиз деганлар. Ибн Обидин ёмон тукларни юлиш бу мақсадда қилинса мустаҳаб дейди. Лекин буларни бошқаларга гўзал кўриниш учун ва туғилишдан бирлашган қошларни юлиш жоиз эмас.

Эпилацион тук олиш ҳам шундайдир. «Эпилацион» игна ва бошқа асбоблар билан тук илдизларини ёқилиши ва тукларни қайтадан чиқишини тўсадиган операцияга

берилган номдир. Аёлнинг табиий кўринишини бузадиган тукларни олиш зарар қилмайди.

Исломда гўзал бўлиш учун табиий яратилишни бузадиган тарзда қилинадигин эстетик жарроҳлик ман қилинган. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.):

"Гўзаллашиш учун баданига чиздирган ва чизган қошларни юлган ва юлдирганга, тишларини сийраклатиб олдирганга, шу тариқа Аллоҳнинг яратганини ўзгартирганларга лаънат бўлсин" деганлар.

Бахтсиз ҳодиса, ёнғин ва бошқа сабаб билан пайдо бўлган организм бузуқликларини эски ҳолига келтириш, ҳуснбузарларни олдириш, тишларни тузаттириш, ортопедия бузуқликларини тузаттириш даволашга киргани учун гуноҳ ҳисобланмайди.

6. Турмуш ўртоққа лоқайд бўлмаслик.

Арзирли сабабсиз эру хотин бир-бирларидан узоқ муддат ажралмасликлари керак. Узоқ айрилиқ аёлга жинсий томонлама зарар бўлгани учун динимиз томонидан лойиқ кўрилмаган.

Ҳазрати Умар кечқурун Макка кўчаларида айланиб юриб, эр соғинчи ҳақида шеър айтаётган бир аёлни кўрди. Эрталаб Умар бу аёлни чақиртирди ва эрининг қаерда эканлигини сўради. Аёл унинг аскар сифатида Ироққа юборилганини айтди. Ҳазрати Умар баъзи тажрибали аёлларни чақириб, бир аёл эрсиз қанча вақт чидай олишини сўради. Улар икки ой чидайди, уч ой бўлса сабри камаяди, тўрт ойдан ўтса сабри тугайди дедилар. Кейин Ҳазрати Умар аскарлик хизматини тўрт ой қилиб белгилади. Тўрт ой ўтгач, аскарларни оилаларига қайтариб, ўринларига бошқаларини юборди.

Ислом ҳуқуқига кўра, бир эр аёли билан яқинлашмасликка онт ичиб, тўрт ой ичида қайтмаса, аёл учун ажрашиш ҳаққи вужудга келади. Жаноби Ҳақ бундай ҳаракатни хуш кўрмаган.

Афсуски, ҳозирги кунда бегона ерларга ишлаш учун кетаётганла аёлларига лоқайд бўлмоқдалар. Жиддий бир сабаб бўлмагани ҳолда турмуш ўртоқларидан айрилиб, мол-дунё топаман дея кўпгина маънавий "даромадлар"дан маҳрум бўлмоқдалар. Бунинг устига кўп гуноҳ қилмоқдалар.

7. Жинсий қониқишни таъминлаш.

Бир-бирларини қондира олмаган эр-хотин орасида муҳаббат бўлмайди. Шунинг учун эр-хотин жинсий томондан билимга эга бўлишлар керак.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) бу борада ҳам қийматли тавсиялар беришган.

"Уч нарса ожизлик аломатидир. Булардан бири кишини гапирмасдан, қучоқлашиб ўпмасдан аёли ёки жорияси билан алоқа қилиши ва ишини битириб, дарҳол ўзини тортишидир".

"Аёлингиз билан ҳайвонлар каби жинсий алоқа қилманглар. Орада бир элчи бўлсин".

Элчи нима эй Расулуллоҳ? - деб сўраганларида, Расулуллоҳ: ўпиш ва гаплашишдир, деб жавоб бердилар.

Ғаззолий аёлларни ҳам қониқиш ҳосил қилиш кераклигига ишора қилиб шундай дейди:

Киши иши битгач, шошмасин. Аёлининг жинсий эҳтиёжини қондирилишига фурсат берсин. Чунки аёл шаҳватининг келиши кечикиши ва энг ҳаяжонли пайтда кесишиш мумкин. Бу вазиятда эркакни тезда туриб кетиши аёлга азият етказади ва ҳатто нафратга сабаб бўлади.

8. Ман қилинган ишлар.

Эр-хотин жинсий ҳаётда ҳам маълум принципларга амал қилиш мажбуриятида. Аёл ҳайз ва чиллали (нифос) ҳолатда бўлса, жинсий алоқа қилиш ҳаромдир. Бу Қуръони Каримда шундай изоҳланади:

Сиздан ҳайз ҳақида сўрайдилар. Айтинг: "У кўнгилсиз-нопок нарсадир. Бас, ҳайз пайтида аёлларингиздан четланингиз ва то покланмагунларича уларга яқинлашмангиз! Пок бўлганларидан кейин уларга Аллоҳ буюрган тарафдан келингиз! Албатта Аллоҳ тавба қилувчиларни ва ўзларини мудом пок тутгувчиларни севади" (Бақара сураси, 222-оят).

Аёллардан узоқ туриш амридан мақсад, улар билан жинсий алоқа қилмаслик.

Яҳудийлар ҳайз ҳолатдаги аёл бир тўшакда ётмайдилар. Уларни пиширганларини емайдилар. Уларни айириб қўйишади. Исломда эса аёл бу тарзда айирилмайди. Жинсий алоқадан ташқари ҳамма нарса одатдагидай давом этади.

Бу пайтда жинсий алоқа қилганлар тавба қилиб, кейин бир, бир ярим динор атрофида каффорат беришлари лозим. Бир динор тахминан 4,8 гр олтин миқдорига тенг. Бу соғлик томондан ҳам зарарлидир. Аёлни қийнаб, бачадон касаллигини келтириб чиқаради. Аёлга орқа тарафдан яқинлашиш ҳам ҳаромдир ва буни қиладиганлар лаънатланган.

Жинсий алоқа одоби.

Жинсий алоқани мақсадга мос бўлиши учун диний ва тиббий бир қанча хусусларга амал қилиш керак.

1. Эр-хотин учун мос вақтни танлаш. Иккиси ҳам жисмоний ва руҳий тайёр бўлишлари керак.
2. Бир-бирларини қондирадиган даражада бўлиш, юз пардози, ҳид, тозалик ва бошқа томонларга эътибор бериш.
3. Ёқиш учун ширин сўзлар айтиш ва ҳаракат қилиш.
4. Бисмиллоҳ билан бошлаш. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) шундай дейдилар:
5. "Биринғиз аёли билан жинсий алоқа қилмоқчи бўлса, шундай десин: Бисмиллоҳ, Аллоҳим! Бизни ва бизга берадиган боламизни шайтондан сақла".
6. Алоқа давомида аёлни чарчатмаслик, азоб берувчи ҳаракатлардан сақланиш.
7. Бўшаниш билан дарров туриб кетмасдан, аёлини эркалаб, суйиб, кўнгилини кўтариш.
8. Фарзанд ва ҳайвон ёнида алоқа қилмаслик.
9. Иш битгандан кейин уч томчи бўлса-да, таҳорат ушатиш, токи маний батамом тушиб кетсин.
10. Бўшалгандан сўнг ўнг томони билан бироз ётиш.
11. Жинсий алоқаларни бошқаларга айтмасин. Зеро, бу фитнага сабаб бўлиши мумкин.
12. Меъёр сақлаш. Кўкрак сутини соғиш керак. Акс ҳолда сут тўхтайди.
13. Жинсий алоқани ёпинчиқ остида қилиш. Жинсий аъзоларга қараш борасида турли фикрлар бор.

14. Алоқага майлда ҳам бўшаниш каби баробар бўлмоқ.
15. Ҳайз кунларида эр-хотин бир-бирларини жунбушга келтириб, алоқага олиб борувчи ҳаракатлардан эҳтиёт бўлиш.
16. Жинсий кучни заифлатадиган ҳаракатлардан сақланиш.

Жинсий алоқадан мақсад инсон табиатида бўлган истакни шаръий йўл билан қондириш, жамият учун энг катта хавф бўлган фаҳш ботқоғига ботмаслик ва гўзал ҳаёт кечиришдир. Бу оламда ҳар нарса оддий бир воситадан иборат. Жинсий алоқа ғоя эмас, насл давомини таъминлаш воситасидир.

Афсуски оилани қурбон қилиб, иффат ва номус тижоратчилари ифлос фойдалар учун наслларни барбод этишда давом этмоқдалар.

Зино

Ислом оила қуришни ташвиқ қилиб, эр-хотин ўртасидаги муносабатни ибодат деб қабул қилар экан, зинони қаттиқ қоралаб, мўъминларни бундан қайтарган.

"*Зинога яқинлашмангизлар! Чунки (бу) бузуқликдир - энг ёмон йўлдир*" (Исро сураси, 32-оят).

Ояти каримада Жаноби Ҳақ "Зино қилманглар" эмас, "зинога яқинлашманглар" дея нозик бир нуқтага ишора қилади. Фақат зино эмас, балки зинога олиб борувчи воситалар ҳам ман қилинган. Киши зино муҳитига кирса, шаҳватининг олдида иродаси заифлашиб, ўзини тия олмаслиги муқаррар. Шу туфайли Жаноби Ҳақ ёмонликка бошловчи сабабларни бартараф этишни кўзлаган.

Зино фаришталар сажда қилган, мавжудотларнинг энг шарафлиси бўлган инсонлик номига ҳурматсизлик ва тажовуздир. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) шундай деганлар:

"Бир жамиятда зино ва рибо (фоизга қарз бериш) кўпайса, у жамият ўзини Аллоҳнинг азобига дучор қилибди".

"Зино қилган кимса мўъмин бўлган ҳолатда зино қилмайди. ўғри мўъмин бўлгани ҳолда ўғрилик қилмайди ва инсон мўъмин экан, маст қилувчи ичимли ичмайди".

Бу ҳаром ишларни ҳалол демаса диндан чиқмайди. Лекин комил бир мўъминга зино, ўғрилик ва мастлик каби ишлар умуман ярашмайди.

Жаноби Ҳақ эркак ва аёлни бир-бирларига мойил қилиб яратган ва бу майлни қондириш учун никоҳ шартини қўйган, никоҳдан ташқари алоқаларни ман қилган. Никоҳ инсонларни бошқа мавжудотлардан ажратадиган энг асосий фазилатдир.

Зинонинг даҳшатли зарарлари

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) зинонинг дунё ва охиратдаги зарарлари борасида шундай деганлар:

"Эй инсонлар, зинодан сақланинглар! Чунки зинонинг дунё ва охиратда олти зарари бор. Дунёдаги зарарлари:

1. Инсоннинг обрўсини туширади.

2. Фақирликка сабаб бўлади.

3. Умрни қисқартиради.

Охиратдаги зарарларига келсак:

1. Аллоҳнинг ғазабига сабаб бўлади.

2. Ҳисоб бериши қийинлашади.

3. Жаҳаннам азобига дучор бўлади".

Бошқаларининг ор-номусига кўз олайтирувчи инсонлар севилмайди. Бундайлар ҳам ўзларининг, ҳам оилаларининг обрўсини йўқ қилади.

Зино, шаксиз, фақирликка йўл очади. Қийинчилик билан топилган мол-дунёни фаҳшга сарфланиб, номусларини сотиб кун кўраётган фоҳишаларнинг кўпайишига сабаб бўлади.

Асримизнинг вабоси деб тан олинган ОИТС (СПИД)нинг бош сабаби ношаръий алоқалардир. Сифлис, сўзак каби қанча биз билмаган касалликларга сабаб бўлган зино маънавиятимиздан ташқари, жисмоний тузилишимизни ҳам барбод қилмоқда. Аллоҳнинг ҳар бир таъқиқида кўп ҳикматлар бор. Машҳур психолог доктор Мазҳар Усмоннинг таъкидлашича, фоҳишаларнинг кўпчилиги руҳий касаликка чалиб, фаҳш ҳаёти жинниликни келтириб чиқараркан. Кечқурун уйқусизлик, истамасдан ҳаяжонли

бир шаҳват ҳаётига кириш, қўрқув ва қизғанчиқлик, мастлик, сифлис ва ҳоказо ҳолатлар жисмоний ва руҳий тузилишини вайрон қилади.

Фоҳишаларнинг кўпчилиги ахмоқ бўлади. Бир эркак ёки бир аёл даллол ахмоқлиги учун уни осонликча алдайди, фаҳшга судрайди, тушган чоҳининг жирканч эканлигини ё тушунади, ё тушунмайди. Фаҳш ботқоқлиги ичида чираниб, чираниб, чириб кетади.

Маънавияти бутун, ҳалол сут эмган бир аёл ҳаётнинг ҳеч бир қийинчилиги туфайли фаҳш қаршисида тиз чўкмайди. Бебаҳо иффату ҳаёсини ор-номусини кайфу-сафога қурбон қилмайди. Лойқа сувга тушмайди.

Зинонинг охиратдаги зарарларига келсак, булар янада даҳшатлидир. Мўъмин учун энг катта офат Аллоҳнинг розилигини йўқотишдир. Жаноби Ҳақ зино қилганлардан рози эмас. Дунёдаги озгина завқ учун абадий ҳаётни фалокат ҳолига келтириш ақлли инсоннинг иши эмас. Асал нақадар лаззатли бўлса ҳам, агар ичида заҳар борлигини билса, унга ҳеч ким яқинлашмайди. Лекин, афсуски, инсон боласи ҳаром ишларнинг жозибаси қаршисида ожиз қолиб, нафс ва шайтоннинг тузоғига илинмоқда.

Рашк ва шубҳа

Эр-хотинга тушадиган энг асосий вазифалардан бири, оила шаънига доғ туширмаслик, шубҳа туғдирадиган ишончни йўқотадиган ҳаракатлардан сақланиш керак. Эр-хотинлар бир-бирларини кўз каби эҳтиёт қилишлари, номус ва шарафларига гап тегдирмаслик учун ғайрат қилишлари керак.

Рашк борасида Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) шундай деганлар:

"Аллоҳ рашкчидир. Мўъмин ҳам рашкчидир. Аллоҳни рашкчилиги мўъминнинг гуноҳ ишларни қилишига қаршидир".

Арабларда рашк "ғайрат" калимаси билан ифода қилинади. Талабчанлик, ҳомийлик маъноларида келган "ғайрат" гўзал нарсаларни асраш, ёмонликлардан сақланиш демакдир.

Инсонларнинг ҳимоя қилишлари керак бўлган бир қанча моддий ва маънавий қийматлар бор. Иймон, дунёқараш, шахсият, ор ва номус каби қийматларни қўриқлаш инсонийликнинг асл моҳиятидир.

Оила аъзоларининг номус ва шаънини ҳимоя қилган киши яхши бир мусулмон эканлигига шубҳа йўқ. Зеро, уларнинг шаъни айни пайтда ўз шаъни ҳамдир.

Аёл ва қиз болаларнинг номусини ҳимоя қилиш борасида кўпроқ талабчан, яъни рашкчи бўлиш керак. Бу борадаги лоқайдлик бора-бора оиланинг ҳурматини вайрон қилиб, оилани насл-насабсиз бўлишига олиб келади.

Баъзи истиснолардан ташқари, ҳатто ҳайвонларда ҳам бор бўлган турмуш ўртоғини рашк туйғусини айримлар гўё касаллик сифатида талқин этишмоқда.

Рашк севгининг ифодаси, худбинлик эмас. Инсонда бошқаларни шерик қила олмайдиган қийматли нарсалари бор. Номус ва шаън каби... Мол-дунёмизни бошқаларига бера оламиз, аммо шаънимизни, бизга омонат қилинган аёлларимизнинг, қизларимизнинг номусини бошқаларига ҳадя қила олмаймиз. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.):

"Рашк иймон, акси эса нифоқ аломатидир" деганлар. Киши севган нарсасини камчиликсиз бўлишини истайди. Аллоҳ ҳам бандаларини жуда яхши кўргани учун уларнинг гуноҳкор бўлишини истамайди, шайтонга бўйин эгмай, фақатгина ўзига итоат этишларини хоҳлайди. Аллоҳнинг рашкини шундай тушунилади.

Рашкни ўринсиз шубҳа ва гумон ҳолига айланиши эса умуман яхши эмас. Эр-хотин бир-бирларига ишончини йўқотса, шубҳа ва гумон билан ҳаракат қилса, оила ҳаётини давом эттира олмайди. Жаноби Ҳақ инсонларнинг сирли ҳолларини текширишдан қайтарган.

"*Эй, мўъминлар, кўп гумон(лар)дан четланинглар! Чунки айрим гумон(лар) гуноҳдир. (ўзгаларнинг айблари ортидан) жосуслик қилиб юрманглар ва айримларингиз айримларни ғийбат қилмасин!*" (Ҳужурот сураси, 12-оят).

Ор-номус борасида нозик ҳаракат қилиш, ғийбат ва гумон билан инсонларни ифлос қилиб кўрсатмаслик керак.

Шубҳага ўрин бермаслик

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.):

"Туҳматдан узоқ юринглар" деганлар. Гумонга олиб борадиган "изқувар"ликдан сақланиш ўринсиз шубҳа ва ҳаловатсизликни тўсади. Шайтон кичик нарсаларни восита қилиб инсонларга васваса беради. Унинг васваса эшикларини ёпиш керак.

Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг завжалари София онамиз (р.а.) ҳикоя қиладилар:

Расулуллоҳ тарки дунё қилган пайтларида бир кеча зиёрат қилишга бордим. Суҳбатлашдик. Кейин кетиш учун турдим. Мени уйга олиб бориш учун Расулуллоҳ ҳам турдилар. София волидамизнинг уйлари Усамо ибн Зайднинг уйи ёнида эди. Шу пайт йўлдан ансордан иккита йигит чиқди. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)ни кўриб тезлашдилар. Расулуллоҳ уларга:

"Секин юринглар. Ёнимдаги Ҳува қизи Совиядир" дедилар. Улар: - Субҳаналлоҳ! Эй, Аллоҳни Расули! Биз ёмон фикрга бормаймиз, - дедилар. Пайғамбаримиз:

"Шайтон инсоннинг баданида қон каби айланади. Қалбингизда васваса солиб қўяди, - дея андиша қилдим" дедилар.

Расулуллоҳ (с.а.в.) кичик бир гумонга ўрин бермаслик ва бу борада баъзи намуна бўлиш учун шундай қилганлар. Шунинг учун шубҳа туғдирадиган ҳаракатлардан сақланиш ва мавҳум тушуниладиган ишларга изоҳ бериш керак.

Оилани ҳимоя қилиш чоралари

Никоҳ жиддий шартномадир. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) буни шундай изоҳлаганлар:

"Сиз уларни Аллоҳни омонати билан олдингиз ва Аллоҳни калимаси билан ҳалолландингиз".

Ўткинчи никоҳ мумкин эмас. Ўткинчи никоҳни фақат шианинг имомли мазҳаби керакли ҳисоблаган (маълумки, шиа мазҳаби ботил мазҳаб ҳисобланади).

Ислом дини оиланинг бузмаслик учун ҳар қандай чора қўллашга изн беради. Ёлғон сўзлаш гуноҳи кабира бўлгани ҳолда, Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) уч ерда ёлғон сўзлашга рухсат берганлар. Буларнинг биттаси (оилани сақлаб қолиш учун) эр-хотинга айтилган ёлғондир.

Мусулмонларнинг вазифаси эр-хотинни яраштиришдир. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) шундай дедилар:

"Бир аёлни эрига чақимчилик қилиб, ўртасини бузган кимса биздан эмас". Ажрашиш энг охирги чорадир. Ишни ажрашишга қадар бормаслиги учун қўлдан келган чоралар кўрилади. Зеро, Жаноби Ҳақ ажрашишни ҳеч севмайди. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар:

"Аллоҳ ҳузурида энг ёқимсиз нарса талоқдир".

"Ҳар қандай аёл жиддий бир сабаб бўлмай туриб, эридан ажрашиш талабида бўлса, жаннатнинг ҳиди унга ҳаром бўлади".

"Турмуш қуринглар, лекин ажрашманглар. Чунки Аллоҳ ажрашувчи эркак ва аёлларни севмайди".

Бу борада Қуръони Каримга мурожаат қилсак:

"Улар билан тинч-тотув яшанглар. Агар уларни ёмон кўрсангиз ҳам (сабр қилиб, иноқ ҳолда яшайверинглар). Зеро, сизлар ёмон кўрган нарсада Аллоҳ кўп яхшиликларни қилиб қўйган бўлиши мумкин". (Нисо сураси, 19-оят).

"...Аммо сизларга итоат қилсалар, уларга қарши йўл ахтарманглар. Албатта, Аллоҳ энг юксак ва буюк бўлган зотдир" (Нисо сураси, 34-оят).

Англашиладики, оилани ҳимоя қилиш ибодат, бузиш эса жиноятдир. Чунки бузилган оилани вайронаси остида кўп кишилар паришон бўлмоқда. Ҳар ажрашиш етимлар ва бевалар сафини орттиради.

Энди оилани ҳимоя қилишнинг чораларини кўриб чиқсак.

1. Ҳақиқатгўй бўлиш.

Муаммосиз ҳаёт бўлмайди. Инсон фаришта эмас. Шунинг учун бир-бирларини заифликлари билан қабул қилиш мажбуриятидадирлар. Чунки дунёда айбсиз инсон бўлмайди. Айбсиз дўст қидирган дўстсиз қолади.

Ҳаёт хаёл эмас. Инсонларни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиш, яъни объектив бўлиш лозим.

Нақадар ширин хаёл сурсак сурмасак, турмуш қурганимиздан кейин хаёлимиз яшаётган дунёмиз билан бир хил эмаслигини кўрамиз.

Никоҳ хутбасида Жаноби Ҳақдан эр-хотинга Ҳазрати Одам ва Ҳазрат Ҳавонинг муҳаббатини, Ҳазрати Пайғамбар ва Ҳазрати Ҳадичани севгисини, Ҳазрати Али ва

Ҳазрати Фотимани дўстлигини беришини сўраймиз. Лекин Пайғамбарларнинг оила ҳаётида ҳам бир қанча дилхираликлар бўлганлигини ҳам унутмаслигимиз керак.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) билан баъзи аёллари орасида баъзан-баъзан кичик келишмовчиликлар бўлган. Таҳрим сурасининг илк оятларида бунга ишора қилинган. Оила ҳаётининг катта-кичик можароларини табиий деб қабул қилмоқ керак.

Ойша онамиз (р.а.) ҳикоя қиладилар:

Расулуллоҳ (с.а.в.) бир марта шундай дедилар:

- "Эй Ойша! Мендан рози бўлган вақтингни ҳам, мендан хафа бўлган вақтингни ҳам яхши биламан".

- Эй Расулуллоҳ! Буни қаердан биласиз? - деб сўрадим.

"Мендан рози бўлганингда Муҳаммаднинг Раббиси ҳаққи, дея онт ичасан. Мендан хафа бўлганингда Иброҳимни Раббиси ҳаққи дея онт ичасан.

- Ҳа, эй Расулуллоҳ, ҳақиқатда шундай. Мен фақат исмингизни тарк этаман. Лекин севгингиз ичимда".

Ҳатто Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳаётида ҳам бундай ҳолатлар бўлгандан кейин бизларда ҳам бўлиши табиийдир. Пайғамбаримиз буларни қандай қабул қилган бўлсалар, биз ҳам шундай қаршилашимиз керак.

Ҳазрати Алининг хафалиги.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) бир кун Фотима (р.а.)нинг уйига кирдилар. Ҳазрати Алини уйда кўрмагач:

- Амакингни ўғли қаерда? - деб сўрадилар. Фотима (р.а.):

- Орамизда бир нарса бўлган эди. Мендан хафа бўлиб ёнимда ухлашни хоҳламай чиқиб кетди, - дедилар. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) Саҳл ибн Саъдга:

- Али қаерда, бор қараб кел, - дедилар. У бориб келди ва:

- Эй Расулуллоҳ, у масжидда ухлаб ётибди, - деди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) масжидга бориб, Ҳазрати Алини ён бошлаб ётган, кўйнаги бир томонга тушиб вужуди тупроқ бўлганини кўргач:

- Тур, эй, Абу Туроб, деб устидаги чангларни, тупроқларни қоқа бошладилар.

Ҳазрати Алини "Абу Туроб" деб чақириш унга жуда ёқар эди. Биз намунали оила сифатида тақдим этган ва ораларидаги муҳаббатга ҳавас қилган ва Ҳазрати Али ва Ҳазрати Фотима ўртасида ҳам баъзан кичик хафагарчиликлар бўлган.

Умар шундай бўлса...

Ҳазрати Умар халифалик даврида бир одам аёлидан шикоят қилиш учун унинг уйига келиб, эшигининг олдида чиқишини кутиб ўтирганда, ичкаридан шовқин эшитилади. Ҳазрати Умарнинг аёли эри халифага бақириб ётибди, лекин Умар оғзини очиб аёлига ҳеч нарса демасдан турибди. Буни кўрган одам бўйнини эгиб:

«Шиддатли ва қаттиққул бўлишига қарамасдан, амир ал мўъминин Умарнинг аҳволи шундай бўлса, менинг ҳолим қандай бўлади», деб туриб кетар экан, халифа ташқарига чиқади ва унинг орасидан чақириб:

- Нимага келдинг? - деб сўрайди.

- Эй мўъминларнинг амири! Аёлимнинг ёмон хулқ-атворини ва менга нисбатан ҳадиддан ошишини сизга шикоят қилиш учун келган эдим. Аёлингизнинг сизга бақирганини эшитиб айтишдан воз кечдим. Мўъминларнинг амири аёли билан шундай бўлса, менинг дардимга қандай даво топади?

- Дўстим! Аёлимнинг устимдаги ҳақлари туфайли сабр қиляпман. Зеро, у овқатимни пиширади, кийим ювади, болаларимни тарбиялайди. Ҳолбуки, у бу ишларни қилиш мажбуриятида эмас. Бунинг устига кўнглимни ҳаромга майл қилишига ғов бўладиган ҳам удир. Шу сабабли унинг жабрига ҳам чидайман.

- Эй мўъминларнинг амири! Менинг аёлим ҳам шундай.

- Бор дўстим аёлингнинг феълига сабр қил. Ҳаёт кўз очиб-юмгунча ўтиб кетади.

2. Насиҳат.

Эр-хотин орасида келишмовчиликлар туғилган пайтларда муаммоларни ечилиши учун Қуръони Карим тавсия этган чораларни қўллаш ўринли:

"...Бас, ибодат-тоатли ва эрлари йўқлигида Аллоҳнинг ҳифзу-ҳимояти билан (эрларининг мол-мулкларини ва ўз иффатларини) сақловчи хотинлар - яхши хотунлардир. Хотинларингизнинг итоатсизлигидан қўрқсангиз, аввало уларга панд-насиҳат қилинглар, сўнг (яъни насиҳатларингиз кор қилмаса) уларни ётоқларда тарк

қилингиз (улар билан бир жойда ётманг, яқинлашманг), сўнгра (яъни шунда ҳам сизларга бўйинсунмасалар) уринглар. Аммо сизларга итоат қилсалар, уларга қарши бошқа йўл ахтарманглар. Албатта, Аллоҳ энг юксак ва буюк зотдир" (Нисо сураси, 34-оят).

Эр аёлига самимий тарзда, муҳаббат билан насиҳат қилади. Қилинган хатоларни мулойимлик билан айтади. ўзининг камчиликлари бўлса, тан олиб тузатишга ҳаракат қилади. Вазиятга қараб насиҳатнинг меъёрини белгилайди. Ақлига ва кўнглига хитоб қилади. Келишмовчиликни ўзлари ва болалари учун ёмон нарсаларга олиб келишини айтади.

3. Ётоқда ёлғиз қолдириш.

Насиҳатдан натижа бўлмаса, иккинчи босқичга ўтади. Бу аёлни ётоқда ёлғиз қолдириш, яъни ундан норизо бўлиш тактикасидир. Бу жазо уни ўзига келтириши мумкин. Лекин бу жазони узоқ муддат давом этиши маъқул эмас. Акс таъсир қилиши мумкин. Бу фақат уй ичида бўлади ва бошқалардан яширилади. Ҳатто болаларга ҳам билдирилмайди. Бу аснода аёл билан гаплашиб, пиширган нарсаси еяверади. Жинсий алоқадан ташқари бошқа ҳамма эҳтиёжлари қондирилади. Фақат ётоқда унда тескари тарзда ётилади. Ётоқхона ҳам айрилмайди.

4. Уриш.

Иккинчи босқич ҳам таъсир этмаса, енгилгина уриш мумкин. Агар қаттиқ урса, ўзига жазо берилади. Чунки уришдан мақсад бир жойни оғритиш эмас, хатосини англатиш.

Ривоятга кўра, Айюб (а.с.) аёлини бир хатоси туфайли соғайгандан сўнг юз марта қамчи уришга онт ичган эди. Ҳолбуки, аёлини унга қилган хизматлари, фидокорликлари бениҳоя кўп эди. Айюб (а.с.) беихтиёр онт ичган, лекин кўнгли юз марта чивиқ билан уришни истамас эди. Чора тополмай турганида Жаноби Ҳақ унга йўл кўрсатди

(Яна Биз Айюбга айтдик): "Қўлингга бир боғ (новдани) олиб, у билан (хотинингни) ургин - қасамингни бузмагин" (Сод сураси, 44-оят).

Ҳийлаи шаър ҳукмларни енгиллатиш мақсадида Жаноби Ҳақни кўрсатган йўлидир. Ҳийла калимасининг маъноси чора деганидир. ўзбекчадаги алдаш маъносида эмас.

Айюб (а.с.) аёлини юз қамчи ўрнига юзта новдани боғлаб аёлини уриб онтдан қутулган эди. Бунга ҳаттоки уриш ҳам дейилмайди.

Исломга ҳужум эшиги.

Ислом душманлари Қуръон аёлларни уришга рухсат беради деб беҳудага бақирмоқда, динимизни уриш, таёқ дини сифатида кўрсатишга ҳаракат қилишяпти. Булар яхши ниятли ва ҳақиқатгўй кимсалар эмас.

Ислом назарида уриш ёмон одат. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) ҳаётларида ҳеч кимни урмаганлар, юз уришни, ёмон сўз айтишни таъқиқлаганлар.

Муовия ибн Ҳойда (р.а.) айтади:

Эй, Расулуллоҳ! Аёлларимизнинг бизни устимиздаги ҳаққи нима? - деб сўрадим.

- "Еганингизни едириш, кийганингизни кийдириш, юзларига урмслик, қилган ишларини ва ўзларининг кўримсиз эканлигини айтмаслик, уларни ётоқда ёлғиз қолдиришга мажбур бўлинса, бу ишни фақат уй ичида қилиш".

Ҳазрати Ойша волидамизнинг айтишларича Пайғамбаримиз ҳаётлари давомида ҳеч бир хизматчини, ҳеч бир аёлини шапалоқ урмаганлар, ҳатто ҳеч бир нарсани қўллари билан урмаганлар. Иёс ибн Абдуллоҳни ривоят қилишича Расулуллоҳ (с.а.в.):

"Аллоҳни бандалари бўлган аёлларни урманглар" деганлар. Ҳазрати Умар Расулуллоҳнинг ёнларига келиб, аёлларнинг эрларига исёнкор бўла бошлаганларини айтганда, Пайғамбаримиз уларни уришга рухсат бердилар. Кейин кўп аёллар Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг аёлларини ёнига келиб шикоят қила бошладилар. Буни кўрган Расулуллоҳ (с.а.в.):

"Муҳаммаднинг оиласига етмишта аёл келди. Ҳаммаси эрларидан шикоят қилади, аёлларини урган эркаклар хайрли кимсалар эмас", дедилар.

Оятда айтилган насиҳат, ётоқни айириш ва уриш чоралари навбати билан қилинади. Биринчиси фойда бермаса, иккинчиси, иккинчиси фойда бермаса, учинчиси синаб кўрилади.

Аёлини жазолаш ҳаққи чегарасиз эмас. Аёл эрига фақат шаръий истакларда итоат этади. Шаръий бўлмаган истакларига қарши чиқса, эрнинг уришга ҳаққи йўқ.

Дори аччиқ бўлса ҳам...

Ҳар эркак бир хил бўлмаганидай ҳар аёл ҳам бир хил бўлмайди. Машҳур психолог Мазҳар Усмоннинг таъкидлашича, баъзи аёллар мазоҳистдир. Яъни қаттиққўллик ва тезликдан завқ олишади.

"Аёлларда мазоҳистлик кўпроқдир. Зотан аёлнинг фитрати бунга мойилдир. Аёллар ўзларига бош эгган заиф инсонларни севишмайди. Таянадиган бир соҳиб, метин бир руҳ қидирадилар. Бир қанча аёллар эрларининг уришини истайдилар, ўзларига қаттиқ муомала қилмайдиган эрдан рози бўлмайдилар.

Бу айтилганларга қараб дарров уришга югурилмайди. Чора бўлмаса, аксинча касаллик ортишига сабаб бўладиган бўлса, фойдаланилмайди. Ажрашиш катта фалокат бўлгани учун зарарнинг оз бўлгани танланади.

Бу ерда уриш сўзи бошқа ибора бўлмагани учун ишлатилган. Сўкиш, юзга ва бошқа нозик жойларга уриш ман қилинади. Из қоладиган тарзда уриш ҳам мумкин эмас. Ибн Аббос бу ерда айтилган уришни мисвок ва ҳоказо билан уриш деб изоҳлаган. Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай деганлар:

"Баъзиларингиз аёлларингизни қул каби уришдан уялмайсизми? Эрталаб аёлни уриб, кечқурун қўйнига олиш қандай бўлади?"

Сабаб ва натижа қанчалик шаръий блмасин "уриш" атамаси ёқимсиздир. Бу ерда баҳона ё ношаръий сабаблар билан аёлини урадиган кишиларнинг ҳар миллатда бор эканлигини унутмаслик керак. Айтиш мумкинки, Ислом бу борада ўрта йўлни тутган.

Пайғамбаримизни хизматкорларидан Салмо исмли бир аёл бор эди. Бу аёл Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ўғиллари Иброҳим ва қизлари Фотима онамизнинг туғилишида доялик қилганди. Қўллари билан дунёга келтирган Ҳазрати Фотимани вафот этганида ҳам Салмо (р.а.) ювган.

Бир кун Салмо Пайғамбаримизнинг ёнларига келиб, эри Абу Рофий урганидан шикоят қилди. Пайғамбаримиз дарров Абу Рофийни чақиртирдилар ва ундан:

- Тинчликми, Абу Рофий? Салмо билан орангизда нима бўлди? Нимага уни урдинг? - деб сўрадилар. У:

- Мени хафа қилди, - деди.

- Салмо эса шундай деди:

- Мен уни хафа қиладиган ҳеч нарса қилмадим. Намоз ўқиётган пайтда орқасидан ел чиқарди. Мен унга: Абу Рофий таҳоратли пайтда бир одам орқасидан ел чиқарса, қайта таҳорат олиши кераклигини Расулуллоҳ мусулмонларга амр қилдилар, дедим. Кейин у келиб мени урди.

Бу гапларни эшитган Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) кула бошладилар. Бир тарафдан клура, бир тарафдан Абу Рофийга шундай дер эдилар:

"Абу Рофий! У сенга ёмон нарса айтмабдику, ҳақиқатни айтибди. Энди Салмони урма".

Агар насиҳат, ётоқда ёлғиз қолдириш ва уриш ҳам фойда бермаса, дарров ажрашилмай, икки томондан оқим ва одил икки вакил танлаб, уларни қози қиладилар.

5. Вакил.

"*Агар эр-хотиннинг оралари бузилиб кетишидан қўрқсангизлар, эр томонидан бир ҳакам, хотин томондан бир ҳакам чақирингиз. Агар улар ислоҳ қилишни истасалар, Аллоҳ эр-хотин ўртасига иттифоқлик солур. Албатта Аллоҳ билгувчи ва хабардор бўлган зотдир*" (Нисо сураси, 35-оят).

"*Агар бирон аёл эри томонидан кўнгилсизлик ёки юз ўгириб кетиш содир бўлишидан қўрқса, у иккови ўзаро бир сулҳга келишиб олишлари зарарсиздир. Сулҳ (ажралиб кетишдан) яхшироқдир. Нафслар қизғонишга ҳозиру нозир бўлиб турадилар. Агар аёлларингизга чиройли муомала қилсангиз ва Аллоҳдан қўрқсангиз (ўзингизга яхши ишдир)"* (Нисо сураси, 128-оят).

Вакиллар икки тарафнинг даъволарини эшитиб, келишмовчиликни ҳал қилишга ҳаракат қиладилар. Бу чора бир тарафдан оила суди демакдир. Масалани бошқа судга олиб бориб, оила сирларини ошкор қилишдан кўра, оила ўртасидан ечиш ҳар жиҳатдан яхшидир. Эр-хотинлар, вакиллар масалани ечишда одил ва самимий ҳаракат қилсалар, Аллоҳ оилани давом этиши борасида уларга муваффақият беради.

Агар вакилларнинг ғайрати ҳам фойда бермаса, улар энг лойиқ бир қарор беришади, бу қарорга иккала тараф ҳам бўйсунади.

Бир аёл ва бир эркак кўпчилик билан биргаликда Ҳазрати Алининг (р.а.) ёнига келдилар. Али (р.а.) уларга эр ва аёл тарафдан икки вакил танлаб юборишларини айтинглар. Улар келгач, Али (р.а.) шундай дедилар:

- Вазифангиз нима эканлигини биласизми? Агар эр-хотинни бирга бўлишидан фойда кўрсангиз оилани давом этишига, агар ажрашишларини лойиқ топсангиз ажрашишиларига қарор беринг. Шундай аёл деди:

- Аллоҳнинг китоби нима деса, қабул қиламан.

Эр эса:

- Ажрашиш қарори берилса, мен қабул қилмайман, - деди.

Кейин Ҳазрати Али (р.а.):

- Валлоҳи, сен бу аёлнинг қабул қилганини қабул қилмагунингча ёлғончиларни биттаси ҳисобланасан, - дедилар.

Ажрашиш - энг сўнгги чора.

Кўриниб турганидай, бутун ҳаракатлар оилани сақлаб қолинишига қаратилган. Исломни ажрашиш тартиби ҳам оила ҳимоясини кўзламоқда. Суннатга мос бўлган ажрашиш тартиби шундай:

Аввал бир талоқ қилинади. Бу аснода аёл эрининг уйида уч ой

муддат билан идда сақлайди. Бу муддат давомида аёл эрининг уйида яшайди. Тирикчилиги эри томонидан таъминланади. Фақат эр-хотин алоқаси бўлмайди. Бундан мақсад хафагарчиликлар кетиб, ақл билан ўйлаш учун фурсат беришдир. Эр-хотин айни уйда экан, ажрашишни зарарларини ўз нафслари ва болалари устида ўйлаб, балки пушаймон бўлиб, ниятларидан қайтишлари мумкин. Бунга ижи талоқ дейилади. Бу муддат давомида аёли билан никоҳсиз ярашиши мумкин. Муддат тугагандан кейин эр-хотин ярашмоқчи бўлсалар, янги никоҳ ва маҳс керак.

Хоҳ муддат ичида, хоҳ муддат тугугандан кейин эр-хотинлар ярашиб оила ҳаёти давом этар экан, яна келишмовчилик пайдо бўлса, аввалги тадбирларга босқичма-босқич мурожаат қилинади. Муаммо ечилмаса, иккинчи ажрашиш юзага келади. Биринчи ажрашишдаги ҳукмлар бу ерда ҳам ўтади. Иккинчи ажрашишдан кейин эр-хотин яна ярашса, оила ҳаёти яна давом этади. Улар вазифаларига ва ҳақларига риоя қилишади. Агар яна келишмовчилик пайдо бўлса, яна вакил тайинланади ва босқичма-босқич тадбирларга мурожаат қилинади. Натижа бўлмаса, учинчи ва охирги марта ажрашишади.

Учинчи талоқдан кейин эр-хотиннинг ярашишлари учун, аёл идда аёлни сақлаб, сўнг бир эрга тегиши ва иккинчи эрдан ажраладиган бўлса, яна идда сақлаши лозим бўлади.

Кўрилганидай, бу уч босқич чора эр-хотинга ўйлаш, ажрашишнинг зарарларини ўзлари ва болалари устида бевосита тажриба этишга фурсат бериш учундир. Бу тажрибани бошидан ўтказган эр-хотин осонгина ажрашишни ўйлашмайди. Бу иш учун уч тажриба кифоядир. Ортиғи оилага никоҳга беҳурматлик бўлади. Исломда эса оила ҳазилни кўтармайдиган жиддий бир муассасадир. Ҳазрати Пайғамбар шундай деганлар:

"Уч нарсанинг жиддийси ҳам, ҳазили ҳам жиддийдир: Талоқ, никоҳ ва қайтиш (ажрашган аёлга қайтиш)".

Бу ажрашиш шакли уч ойлик муддатдан уч марта юзага келадиган тўққиз ойлик бир тажриба муддатидир.

Яна ҳар бир талоқ борки, буни тажриба муддати уч ой. Бу талоқ шакли жоиз бўлиши билан бирга изоҳлаганимиз тўққиз ойлик муддат мақбул ва тарафлар учун мосдир.

Талоқнинг учтасини бирдан қўллаш, яъни уч талоқ ўйлаш ва тажрибага имкон бермагани учун бидъатдир. Бундай қилган кимса гуноҳкор бўлади.

Талоқ ҳаққининг эркакка берилиши ҳам оила мустаҳкамлигига қаратилган бир тадбирдир. Чунки нафақа, маҳр каби ҳаражат сарфлаб оила қурган эр уни осонликча бузмайди. Бундан ташқари эркак киши табиатидаги туйғу ва ҳаяжонларига ҳоким бўла олади. Оилани бошқариш эса туйғудан кўпроқ ақл ва вазминлик билан бўлади. Аёлларнинг эҳтиросли бўлишлари эса камчилик эмас, хулқ-атворларининг ўзига хослигидир. Ажрашишдан бошқа чора қолмагач, буни яхшилик билан амалга ошириш керак. Жаноби Ҳақ бу борада шундай амр қилади:

"Қачон хотинларингизни талоқ қилсангизлар ва уларнинг идда муддатлари битиб қолса, бас, уларни яхшилик билан олиб қолинг ёки яхшилик билан кузатинг. Уларга зулм қилиш билан зарар етказиш учун ушлаб турмангиз. Кимки шундай қилса, ўзига зулм қилибди" (Бақара сураси, 231-оят).

Учинчи бўлим

Энг гўзал намуна

Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг оилавий ҳаётлари

Ҳаётнинг ҳар бир соҳасида мусулмонлар учун энг гўзал намуна Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.)дир. Комиллигимиз мезони у зотга ўхшашимиз нисбатидадир. Расули акрам (с.а.в.) инсонларга билдирган ҳаётий тавсияларни доимо ўз ҳаётларида қўллаганлар, исломни назарий қоидалар билан эмас, ҳаётий тарзда кўрсатиб берганлар. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг намуна эканликларини Аллоҳ шундай билдиради:

"(Эй, мўъминлар) сизлар учун - Аллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун Аллоҳнинг пайғамбари (иймон-эътиқоди ва хулқи-атвори)да гўзал намуна бордир" (Аҳзоб сураси, 21-оят).

Оила ҳаёти борасида ҳам йўлбошчимиз ва намунамиз Расулуллоҳ (с.а.в.)дир. ўзлари отамиз ўрнида, аёллари эса онамиз мавқеидадирлар.

"Пайғамбар мўъминларга ўзларидан ҳам ҳақдорроқдир, унинг аёллари эса уларнинг оналаридир" (Аҳзоб сураси, 6-оят).

Жаноби Ҳақ пайғамбар оиласини оддий бир оила бўлмай, ҳамма учун ибрат эканлигини уқтирган, бу вазифани тамоман бажаришлари учун Пайғамбаримизни покиза аёлларига оғир масъулиятлар юклаганлар:

"Эй, пайғамбар аёллари, сизлар агар тақводор бўлсангизлар, аёлларнинг биронтаси каби эмасдирсизлар (яъни бирор аёл фазлу мартабада сизлар каби бўла олмас)...

Ўз уйларингизда барқарор бўлинг (яъни бесабаб уйларингиздан ташқарига чиқманглар, магар бирон ҳожат учун чиққанларингизда эса) илгариги динсизлик (даври)дан ясан-тусан каби ясан-тусан қилманглар! Намозни тўкис адо қилинглар, закотни (ҳақдорларга) адо этинглар ҳам (барча ишларда) Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига итоат этинглар! (Эй пайғамбар) хонадонининг аҳли, Аллоҳ сизлардан гуноҳни кетказишни ва сизларни бутунлай поклашни истайди, холос" (Аҳзоб сураси, 32-33-оятлар).

Жамиятга намуна бўладиган кишиларнинг аввало оила ҳаётлари тартибли бўлиши лозим. Бу бўлимда Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг намуна оилавий ҳаётлари билан таништиришга ҳаракат қиламиз.

Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг завжалари

1. Ҳазрати Ҳадича (р.а.).

Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) илк уйланган аёл Ҳазрати Ҳадича онамиздир. Расулуллоҳ уларга уйланган пайтларда 25 ёшларида эдилар. Ҳадича онамиз эса 40 ёшли бева аёл эдилар. Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) унинг карвонини Шомга олиб бориб келганлар, тижоратда муваффақиятга эришганлар. Пайғамбаримизни ростгўйлиги Ҳазрати Ҳадичанинг эътиборини тортгани ва турмуш қуришни таклиф қилганлар, Пайғамбаримиз ҳам рози бўлганлар. Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) улар билан 25 йил бирга яшаганлар. Ҳадича онамиз вафот этгунча бошқа аёлга уйланмаганлар. Ҳазрати Ҳадича зеҳнли, фазилатли ва хайрсевар бир аёл эдилар. Ҳазрати Пайғамбарга илк иймон келтириш шарафи шу аёлга насиб этган. Расулуллоҳ (с.а.в.)ни мол-дунёси билан қўллаб-қувватлаганлар, қайғуларига ҳамдард бўлганлар, тасалли берганлар. Пайғамбаримиз шунинг учун:

- Бу уммат аёлларининг ўз замонидаги энг хайрлиси Ҳадичадир, деганлар.

Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) улардан икки ўғил, тўрт қиз, жами 6 фарзанд кўрганлар.

Ёши катта бўлишига қарамасдан Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) аёллари орасида энг кўп Ҳадича онамизни севиб, вафотларидан кейин ҳам кўп эслаганлар. Ҳатто ҳар васила ила Ҳазрати Ҳадича онамизни эслашлари баъзи аёлларининг рашк қилишига сабаб бўлган.

Ойша онамиз айтадилар:

Мен Пайғамбар (с.а.в.) аёлларининг Ҳадичадан бошқа ҳеч бирисига рашк қилмадим. Ҳолбуки, унинг шериклигига етмаган ҳамман. Расулуллоҳ (с.а.в.) қўй сўйганларида

"Гўштидан Ҳадичанинг дўстларига ҳам юборинглар", дердилар. Бир кун шу туфайли жаҳлим чиқди ва Расулуллоҳга:

- Гўё дунёда Ҳадичадан бошқа аёл йўқ. Қурайшнинг қарияларидан тишлари тўкилган, тарихга айланган бир аёлни нимага эслайверасиз? Ҳолбуки Аллоҳ сизга ундан хайрлисини насиб этган, деб ўзимни назарда тутиб савол берган эдим.

Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг бу гапдан жаҳллари чиқди:

- Йўқ, Аллоҳ ҳаққи онт ичаманки, Аллоҳ менга ундан хайрлисини бермаган. Инсонлар инкор қилаётганда у менга иймон келтирди, инсонлар мени ёлғончи деркан, у менга ишонди. Инсонлар менга ёрдам бермаган пайтда, у менга ёрдам берди. Аллоҳ бошқа аёллардан эмас, ундан бўлган болалар билан менга ризқ берди. Мен уни севгиси билан ризқлантирилдим", дедилар.

Ҳадича онамиз Абу Толибдан уч кун кейин 65 ёшда вафот этдилар. Уларнинг вафот этган йилига "ғам йили" дейилган эди. Чунки Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) энг катта иккита қўллаб-қувватловчидан айрилган эдилар.

2. Замо қизи Савдо (р.а.).

Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) йигирма беш йил, яъни 50 ёшларига қадар Ҳазрати Ҳадича билан яшаган эдилар. Ҳазрати Ҳадичадан кейин уйланган иккинчи аёллари Ҳазрати Савдо онамиз эди. Бу аёл ҳам қари ва бева эди. Эр-хотин мусулмон бўлиб, динлари учун азоб кўрган ва иккинчи қабила билан Ҳабашистонга ҳижрат қилган эдилар. Эри у ерда ўлгач, Маккага қайтган, ҳеч бир суянчиғи йўқ эди. Мушрик бўлган оиласига қайтса, уни ширк келтиришга мажбурлар эдилар. Шу сабабли Расулуллоҳ (с.а.в.) унга уйланиб, нафақаларини ўз зиммаларига олдилар. Аллоҳ ва Расули йўлида чеккан азоби, кўрсатган садоқат ва ихлоси туфайли Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) уйланиб, шу тариқа унга эҳсон кўрсатдилар.

Бошқа тарафдан Ҳазрати Савдо (р.а.) Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг Ҳазрати Ҳадичадан қолган болалари учун яхши она бўлиб, уларни қаровсиз қолдирмаган эдилар. Кексалиги сабабли Ойша онамизга ҳам онадай муносабатда бўлиб, уларни севар эдилар. Ҳазрати Савдо (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.) билан 13 йил яшаганлар.

Узун бўйли ва бироз оғир аёл эдилар. Ҳазрати Савдо онамизни вафот этиш саналари борасида ихтилоф бор. Ҳазрати Умар халифалигини охирларида ёки ҳижрий ўн тўққизинчи йилда вафот этганини айтганлар бор. Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан бешта ҳадис ривоят қилганлар.

3. Ҳазрати Ойша (р.а.).

Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг аёллари орасида бокира бўлган биринчи аёл Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)нинг қизлари Ҳазрати Ойша онамиз эдилар. Пайғамбаримиз билан ҳижратдан аввал унаштирилганлар, тўй эса ҳижратдан кейин бўлган. Ҳазрати Ойшанинг Пайғамбаримизга турмушга чиққанида ўн ёки ўн саккиз ёшида бўлганлари

ривоят қилинган. Мавлоно Шиблийга кўра, шу пайтда Ойша онамиз ўн саккиз ёшларда эдилар.

Ҳазрати Ойша (р.а.) ёши кичик бўлишига қарамасдан чиройли бир қиз эди. Арабистон иссиқ бўлгани учун у ерда қизлар эрта болиғ бўладилар.

Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг Ойша (р.а.)га уйланишларида кўплаб ҳикматлар бор. Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) яқин дўсти Ҳазрати Абу Бакр билан дўстлик ва қариндошлик риштасини мустаҳкамлаб, исломият учун кўрсатган фидокорликлари учун мукофотлаган эдилар. Бошқа тарафдан Ҳазрати Ойшани ислом илоҳиёти ва ҳуқуқи борасида олима сифатида етиштиришни истар эдилар.

Ҳақиқатан Ҳазрати Ойша исломий илмлар борасида замоннинг энг олдиларидан эдилар. Шунинг учун асосий масалаларни ечишда қийинчиликка дуч келган фиқҳ олимлари Ойша онамизнинг фикрларини сўрардилар. Тафсир ва ҳадис борасида ҳам кўп маълумотга эга эдилар. Абу Ҳурайра ва Абдуллоҳ ибн Умардан кейин энг кўп ҳадис ривоят қилган киши Ҳазрати Ойшадир. Тахминан 2210 та ҳадис ривоят қилганлар. Уйлари худди илм марказидай эди.

Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) Ҳазрати Ҳадичадан кейин энг кўп Ҳазрати Ойша онамизни севардилар. Бу севгининг сабаби фақат гўзаллик ва бокиралик эмас эди. Ундай бўлганда Софияни кўпроқ севишлари керак эди. Чунки у София онамиз жуда ҳам гўзал эдилар. Бу севгининг сабаби қобилият, зеҳн ва диний тарғибдаги ғайрат эди. Ҳазрати Ойша онамизга қилинган туҳмат шахсан Жаноби Ҳақ томонидан ёлғонга чиқарилган, иффатли эканликлари Нур сурасида айтилган. Кўп ваҳийлар Расулуллоҳга Ойша онамизнинг ёнида келган, Пайғамбаримиз (с.а.в.) Ойша онамизнинг қучоғида жон таслим қилганлар. Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.)ни жуда рашк қилар эдилар. Бу рашкини Пайғамбаримизга шундай билдирганлар: Нима қилай сиздай кимсани рашк қилмай бўладими?

Ойша онамиз ҳижрий 57 ёки 58-йилда рамазон ойида вафот этганлар.

4. Ҳазрати Ҳафса (р.а.).

Ҳазрати Ҳафса Ҳазрати Умарнинг қизлари. Эрлари Бадр жангида шаҳид бўлгач, Ҳазрати Умар уни Ҳазрати Абу Бакрга никоҳлашни истаган Абу Бакр жавоб бермаган эдилар. Ҳазрати Усмонга таклиф қилганда улар ҳам ҳозирча уйланиш ниятим йўқ дегандилар.

Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) эса:

- "Ҳафсани Усмондан хайрлироқ бириси ўз никоҳига олади,

Усмон эса Ҳафсадан хайрлироқ бир аёлга уйланади" дедилар. Натижада Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) Ҳафсага, Ҳазрати Усмон эса Пайғамбаримизнинг қизлари Умму Гулсумга уйландилар. Шу тариқа Ҳазрати Умар билан ҳам қариндошлик риштаси боғланди.

Ҳазрати Ҳафса ўқишни, ёзишни биладиган зеҳнли ва билимли бир аёл эди. Исломий тарбияда ва билдиришда хизматлари катта эди. Ҳазрати Абу Бакр замонида жамланган Қуръони Каримнинг биргина нусхаси Ҳазрати Умар тарафидан Ҳафсага берилган эди. Ҳазрати Умар халифалиги даврида айниқса аёллар билан боғлиқ масалаларда Ҳафсага мурожаат қилар эдилар.

Ҳафса онамиз ҳижрий 41 йилда 60 ёшларида вафот этганлар. Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан 60 тача ҳадис ривоят қилганлар.

5. Ҳузайма қизи Зайнаб (р.а.).

Эрлари Бадр жангида шаҳид бўлган Зайнаб (р.а.)нинг ўзлари ҳам бу жангда ярадорларга ёрдам берар, яраларни боғлар эдилар. Эрлари шаҳид бўлгандан кейин ҳам бу хизматни тўхтатмадилар.

Расулуллоҳ (с.а.в.) Зайнабнинг сабрини, саботини ва Аллоҳ йўлидаги жиҳодини кўриб, ҳеч кими бўлмагани учун, ҳимояга олиш мақсадида унга уйландилар. Бу пайтда Зайнаб онамиз олтмиш ёшда эдилар. Расулуллоҳ билан уч ой ёки саккиз ой бирга бўлганлар. Расулуллоҳдан аввал вафот этган илк аёли Ҳазрати Ҳадича, иккинчи аёли эса Ҳузайма қизи Зайнабдир. Зайнаб онамиз жуда хайрсевар ва йўқсилларни севувчи инсон эдилар. Шунинг учун "Уммул Масокин" (Мискинлар онаси) дейиларди.

6. Жоҳшни қизи Зайнаб (р.а.).

Зайнаб (р.а.) Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг аммаларини қизларидир. Зайнаб аввал Зайд ибн Хорисога турмушга чиққан эдилар. Кейин Зайд Зайнаб (р.а.) билан ажрашгач, Расулуллоҳ (с.а.в.) ўз никоҳларига олдилар.

Зайнаб (р.а.) аввалари қул бўлган Зайдга турмушга чиқишни хоҳламайдилар. Чунки асллик борасида уни ўзига тенг кўрмаган эдилар. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) эса бу тушунчани йўқотиш ва инсонларни тенг эканлигини исботлаш учун бу никоҳни

истаган эдилар. Зеро, Зайд комил мусулмон эди. Лекин Зайд билан Зайнабнинг турмуши узоқ давом этмади.

Жоҳилият даврида арабларда бола асраш одати бор эди. Агар асранди бола аёли билан ажрашса, отаси у аёлга уйлана олмас эди. Зайд ибн Хориса эса Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг асранди фарзандлари эди. Зайдни "Муҳаммаднинг ўғли" дер эдилар.

Бу жоҳилият одатини йўқолиши учун Жаноби Ҳақ Пайғамбар (с.а.в.)нинг Зайнабга уйланишини мақсад қилди. Расулуллоҳ мунофиқларни "Муҳаммад ўғлининг аёлига уйланди" дейишларидан чўчир эдилар. Жаноби Ҳақ эса Пайғамбаримиз (с.а.в.)га Зайнабга уйланишни амр қилди.

"Бас, қачонки, Зайд ундан (яъни Зайнабдан) ҳожатини адо қилгач (яъни уни талоқ қилгач), Биз сизни унга уйлантирдик. Токи мўъминларга асранди болалари ўз хотунларидан хожатини адо қилишгач (яъни уларни талоқ қилишгач) уларнинг (хотинларига уйланишларида танглик бўлмаслиги учун (шундай) қилдик). Ва Аллоҳнинг амри иродаси қилингувчи бўлди" (Аҳзоб сураси, 37-оят).

Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) Зайнаб онамизга уйланганларини Ислом душманлари танқид қилганди. Гўё Расулуллоҳ (с.а.в.) Зайнабга ошиқ бўлган ва асранди ўғли Зайддан ажраштириб, уни ўзига никоҳлабди, дея бўхтон қилдилар. Бу билан жоҳилият одатига чек қўйиб, асранди бола олишда диний томондан ҳеч қандай қариндошлик риштаси йўқлигини кўрсатдилар. Агар Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) Зайнабга уйланишни истаганларида аввал уйланар, уни Зайдга никоҳлаб бермас эдилар.

7. Хорис қизи Жувайрийя (р.а.).

Ҳазрати Жувайрийя Бани Мусталик раиси Хориснинг қизи эди. Мустолик ўғиллари Расулуллоҳ (с.а.в.) билан урушиш учун тайёргарлик бошлаган эдилар. Бундан хабар топган Расулуллоҳ эртароқ ҳаракат қилдилар ва уларни тор-мор келтириб, бу жангда кўп ўлжа ва асирларни қўлга туширган эдилар. Бу асирлар орасида Жувайрийя ҳам бор эди. Асир тақсимлашда у Собит ибн Қайсни ҳиссасига тушганди. Жувайрийя товон бериб, асирликдан қутулишни истаб, Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)дан ёрдам сўради. Кўплаб эркак ва аёлларнинг асир тушиши мустолик ўғилларининг иззат нафсига тегди. Чунки улар аслзода эдилар.

Пайғамбаримиз бу қабиланинг иймон келтиришини истардилар. Товон тўлаш Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ёрдам сўраган Жувайрийяга Пайғамбаримиз шундай дедилар:

- Бундан ҳам хайрли бир нарса истайсанми?

- Нима экан у Аллоҳнинг Расули?

- Асирликдан қутулиш учун сенга керак бўлган молни сен учун тўлайман ва сени ўз никоҳимга оламан.

- Майли мен розиман.

Жувайрийянинг отаси Хорис қизини асирликдан қутқариш учун Мадинага келган эди. Отаси келишдан олдин у турмуш қуриб асирликдан қутулган эди. Отаси унга ўзи билан қайтишни таклиф қилса ҳам, Жувайрийя Расулуллоҳ (с.а.в.) билан қолишни лозим топди.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг Жувайрийяга уйланганини эшитган мусулмонлар:

- Расулуллоҳнинг яқинларини асир қилишимиз муносиб эмас, - деб қўлларидаги Бани мустолик асирларини ҳаммасини озод этдилар.

Ҳазрати Ойша (р.а.) шундай дедилар:

"Расулуллоҳ (с.а.в.) Жувайрийяга уйланиб, мустолик ўғилларидан 100 оилани асирликдан қутқардилар. Мен ўз қавмига қарши Жувайрийядан хайрлироқ аёлни кўрмадим".

Натижада мустолик ўғиллари тезда исломни қабул қилдилар. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг Жувайрийяга уйланишидан сиёсий мақсад кўзланган эди.

Жувайрийя (р.а.) ҳижрий 57 йилда вафот этдилар. Ибодатни севувчи ва хайрсевар бир аёл эдилар.

8. Ҳазрати София (р.а.).

Ҳазрати Софиянинг отаси яҳудий қабиласи Бани Нодирли Аср бошлиғи эди. Софиянинг эри Ҳайбар жангида ўлдирилган, София эса асир олинган эди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) Софияни чақириб, шундай деган эдилар:

- ўз динингда қолсанг, сени мажбурламаймиз. Лекин Аллоҳ ва Унинг Расулини танласанг, сени ўз никоҳимга оламан.

София:

- Мен Аллоҳ ва Унинг Расулини танлайман деди. Кейин Расулуллоҳ унга уйландилар ва асирликдан қутулишини унга маҳр сифатида бердилар.

Бу никоҳдан ҳам сиёсий мақсад кўзланган эди. Энг катта душман бўлган бир қавм бошлиғининг қизига уйланиш билан уларга сулҳ ҳужуми қилган бўлар эдилар.

Ҳазрати София ҳижрий 50 йилда вафот этганлар. 10 тача ҳадис ривоят қилганлар. Боки қабристонига дафн қилинганлар.

9. Умму Салама (р.а.).

Умму Салама онамиз эрлари билан бирга Исломни илк қабул қилган эдилар. Ҳабашистонга ҳижрат қилганлар. Асл исми Ҳинд эди. Ҳабашистонда Салама исмли бир қизлари туғилди. Шундан кейин Саламанинг онаси - Умму Салама дейилди. Кейин Мадинага кетиш учун Маккага қайтганлар, эри Мадинага кетгани ҳолда Умму Саламага рухсат бермаган эдилар. ўзининг ва эрининг мушрик оиласи билан Маккада узоқ вақт жанжанлашиб қолиб кетишга мажбур бўладилар. Умму Салама мусулмон бўлганлиги туфайли боласи Саламанинг қўлини синдириб, Мадинага кетмасин деб кўз остида сақладилар.

Умму Салама бир йил давомида ҳар тонг Абтоҳ тепалигига чиқиб, кечгача йиғлар эдилар. Бу хол баъзи яқинларини инсофга келтирди. Натижада Умму Саламанинг Мадинага кетишига рухсат бердилар. Кейин Салама билан Мадинага кетдилар.

Эрлари Уҳуд жангида шаҳид бўлгач, Умму Салама бева бўлиб қолдилар.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) бу аёлни аҳволига ачиндилар ва унга никоҳни таклиф қилдилар. Умму Салама эса:

- Менинг ёшим анчага борган. Болаларим бор. Бундан ташқари эримга жуда боғланганман. Рашк қиламан, - деди. Кейин Расулуллоҳ:

- Мендан сен кексароқман. Болаларга келсак уларнинг эгаси Аллоҳдир. Рашкка келсак, сендан уни кетказиш учун Аллоҳга дуо қиламан, дедилар.

Расулуллоҳ (с.а.в.) уларнинг фикрларини қадрлар эдилар. Худайбия сулҳида Умра қилишдан олдин эҳромдан чиқмоқчи бўлган Асҳобга қурбонлик сўйиб, соч текислатиб,

сўнг эҳромдан чиқишни тавсия қилганлар. Пайғамбаримиз ҳам буни қабул қилдилар. Буни кўрган Асҳобнинг ҳам эҳромдан чиқишдан бошқа чораси қолмаган эди.

Пайғамбаримиз аёлларининг ичида энг охирида вафот этган аёл Умму Саламадир. Ҳижрий 61 йилда вафот этганлар. Жами 378 ҳадис ривоят қилганлар.

10. Умму Ҳабиба (р.а.).

Умму Ҳабиба Абу Суфённинг қизидир. Илк мусулмонлардан бўлиб, эри Убайдуллоҳ ибн Чоҳил билан Ҳабашистонга ҳижрат қилган, жоҳилият даврида ҳамрга - ичкиликка мубтало бўлган эри Ҳабашистонда ичкиликка ружу қўйиб, Христианликни қабул қилди. Умму Ҳабибани ҳам зўрлади. Лекин қаршилик қилди. Эри Ҳабашистонда христиан бўлиб ўлди.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) Умму Ҳабибанинг сабот ва ихлосини тақдирлаб, Ҳабаш қироли Нажошийга хабар юборди ва Умму Ҳабибани ўзига никоҳланишини истадилар. Нажоший ҳам уни Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)га никоҳлаб берди.

Расулуллоҳни Умму Ҳабибани никоҳига олиши ҳам Исломдаги саботи учун бир икром, ҳам Қурайшни бошлиғи бўлган отаси Абу Суфённи юмшатиш учун бир тадбир эди.

Умму Ҳабиба Расулуллоҳга жуда боғлангандилар. Маккаликлар Худайбия сулҳини бузганларида Абу Суфён вазиятни ўнглаш учун Мадинага келиб Умму Ҳабибанинг ёнига борди. Ерда Ҳазрати Пайғамбарнинг тўшаклари ёйилиб турган эди. Абу Суфён у ерга ўтирмоқчи бўлганида Умму Ҳабиба уни йиғиштириб олди. Нимага бундай қилдинг?, деб сўраган отасига:

- Бу Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ётоғидир. Сен эса бир мушриксан, у ерга ўтирсанг, ифлос қиласан, деб жавоб бердилар.

Умму Ҳабиба (р.а.) ҳижрий эллик тўққизинчи йилда вафот қилганлар. Пайғамбаримиздан кўплаб ҳадислар ривоят қилганлар.

11. Маймуна (р.а.).

Маймуна (р.а.) онамиз Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг вафот этган аёллари Ҳузайма қизи Зайнаб (р.а.) билан она бир опа-сингил эдилар.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) Худайбия сулҳидан бир йил кейин умра учун Маккага келганларида, у ерда Маймунани никоҳларига олдилар. Бу пайтда Ҳазрати Маймуна 38 ёшида бева аёл эди. Пайғамбаримиз унга уйланиш баробарида Маккаликлар билан бўлган риштани мустаҳкамлашни истар эдилар. Чунки араблар никоҳ қариндошлигини жуда қардлар эдилар.

Ҳазрати Маймуна (р.а.) ҳижрий 51 йилда вафот этганлар. Ривоят этган ҳадислари бор.

Булар Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг пок завжаларидир. Ҳаётликларида буларни иккитаси вафот этган. Булардан ташқари иккита канизаклари бор эди. Булар Мария ва Райҳонадир. Расулуллоҳнинг (с.а.в.) Мариядан Иброҳим исмли ўғли бўлган эди.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) нима учун кўп аёлга уйландилар

Барча Пайғамбарлар жамиятга истаган нарсаларини аввал ўзлари амалга тадбиқ этиб, намуна бўлишлари лозим эди.

Аввалги миллатларнинг кўпчилигида кўп аёлга уйланиш бор эди. Қадимги Миср, Юнон, Рим, Хитой, Бобил, Браҳман ва Эронда кўп аёлга уйланиш шаръий эди.

Тавротда Довуд (а.с.)нинг кўп аёлга уйланганлиги зикр қилинади. Тавротга кўра, Сулаймон (а.с.)нинг етти юз аёли, уч юз канизаги бўлган.

Инжилда кўп аёлга уйланишни ман қилган бир ҳукм йўқ. Қадимги христианлар орасида кўп аёлга уйланганлар бўлганлиги тарихдан маълум.

Аввал ҳам айтганимиздай, Ислом чегарасиз амал қилинган, аёлларнинг азобланишига йўл очган кўп аёлга уйланишни тўрт билан чегаралади. Бирдан кўп аёлга уйланувчилар учун бир қатор масъулликлар бор. Зарурий ҳоллардан ташқари бир аёлга уйланишни тавсия этилган, бунинг адолатга мос эканлиги таъкидланган.

Баъзи ислом душманлари Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг кўп аёлга уйланишларини "хотинбозлик", "шаҳватпарастлик" каби даъволар билан изоҳлашган ҳаракат қилганлар. Ҳар нарсада инсониятга намуна бўлган Пайғамбар (с.а.в.)имизга нисбатан бу сўзлар бўхтондир. Буларни мантиқсиз эканлигини Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) ҳаётини ўрганган ҳамма билади.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) ёшликнинг энг қайноқ даври бўлган 25 ёшларига қадар уйланмаган, аёлларни қўлга олиш осон бўлган жоҳилият даврида бу эътиборли ҳолат.

Ҳадича онамизга (р.а.) уйлангандан кейин бошқа аёл олмаган, вафот этганларидан сўнг 53 ёшларида кўп аёлга уйланганлар.

Пайғамбарлик вазифасини бошлаган пайтларда Қурайшнинг катталари давойингдан воз кеч, дея Макканинг энг гўзал аёлига уйланишини таклиф қилганлар. Пайғамбаримиз эса: "Қуёшни ўнг қўлимга, ойни эса чап қўлимга берсангиз ҳам мақсадимга етмасдан туриб, бу даъводан воз кечмайман" деб қатъий ҳаракатни ўртага қўйганлар.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) (астағфируллоҳ) хотинбоз бўлганларида, ўзидан 15 ёш катта ва айни пайтда бева бўлган Ҳадича онамизга эмас, ёш аёлларга уйланардилар.

Расулуллоҳнинг Ҳазрати Ойшадан бошқа уйланган ҳамма аёллари бева эди. Бокирага уйланишни жинсий томондан самарали бўлишини билганларидан бошқаларига шуни тавсия этганлари ҳолда ўзи нима учун беваларга уйландилар?

Жобир ибн Абдуллоҳ мушк анбар сепиб Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг ёнларига келгач, Пайғамбаримиз ундан:

- Уйландингми? - деб сўрадилар. Жобир:

- Ҳа, - дегач, Расулуллоҳ:

- Аёлинг бокирами, бевами? - дедилар. Жобир:

- Бева, - деб жавоб берди. Кейин Расулуллоҳ:

- Кошки бирга севишиб ўйнашадиган, кулиб хурсандчилик қиладиганингиз - бокира бирисига уйлансанг эди - дедилар.

Агар Пайғамбаримиз шаҳватпараст бўлганларида беваларга эмас, бокираларга уйланар эдилар. Кимнинг ёш ва гўзал қизини истасалар жони билан рози бўлар эди.

Пайғамбаримиз бирдан кўп аёлга ёш пайтларида эмас, аёлга эҳтиёж бўлмайдиган ёшларда уйланиб, айни пайтда бунинг орқасидан келадиган ҳар турли даъволарга олдиндан жавоб бериб қўйганлар.

Асосий мақсад ва ҳикматлар

Пайғамбаримизнинг кўп аёлга уйланишларидан кўзланган баъзи мақсад ва ҳикматларни қуйидагича шарҳлаш мумкин.

1. Таълимий мақсади.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) аёлларининг ҳам эри, ҳам устози эдилар. Аёлларининг диний мавзуларни ўрганишлари ва бошқаларга ўргатишлари аҳамиятли бир зарурат эди.

Кўпгина аёллар, айниқса, ҳайз кўриш, чиллалик (нифос), эр-хотин алоқалари борасида Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)га савол беришга уялар эдилар. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) ҳам баъзи мавзуларни очиқчасига айтиш ўрнига киноячи тарзда айтар эдилар.

Ҳазрати Ойша онамиз шундай ривоят қиладилар:

"Ансордан бир аёл Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ҳайз кўрганида қандай ювиниши кераклигини сўради. Расулуллоҳ унга ювинишни ўргатдилар. Кейин:

"Устида ҳид бўлган озгина пахта олиб, ўша билан поклаш" дедилар. Аёл:

- У билан қандай покланай? - деди. Расулуллоҳ (с.а.в.):

- У билан поклан, - дедилар. Аёл:

- У билан қандай покланай, эй Расулуллоҳ? - дегач, Ҳазрати Пайғамбар:

- Субҳаналлоҳ! У билан поклан, - дедилар.

Мен у аёлнинг қўлидан тутиб, пахтани шу ерга қўй, қоннинг изини қидир, - дедим ва пахтани қўядиган ерни очиқ айтдим.

Расулуллоҳ бундай мавзуларда аёлларга очиқча гапиришдан ҳаё қилардилар. Бундай вазиятларда мўъминларнинг оналари бўлган аёллар даврага қўшилиб муаммоларга ечим топар эдилар. Пайғамбаримизнинг оила ҳаёти билан боғлиқ суннатлар фақат аёллар воситасида бизларга етказилган. Зотан, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас.

2. Қонуний мақсади.

Масалан Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг Жаҳш қизи Зайнаб (р.а.)га уйланишлари бир жоҳилият одатини йўқотиш учун бўлган. Араб урф-одатларига кўра асранди бола ажрашган аёлга унинг боқиб олган отаси уйлана олмас эди. Исломга кўра асранди бола

бўлишни ҳеч бир қонунийлиги йўқ эди. Жоҳилият даврининг одатини йўқотиш учун Жаноби Ҳақ Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)га асранди боласи Зайддан ажрашган Зайнабга уйланишни амр қилди.

3. Ижтимоий мақсади.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг баъзи уйланишлари жамиятдаги севги ва қариндошлик ришталарини мустаҳкамлашга қаратилган эди.

Масалан, Ҳазрати Абу Бакрнинг қизи Ҳазрати Ойша ва Ҳазрати Умарнинг қизи Ҳафса онамизни никоҳларига олишлари, ҳамма нарсани Ислом учун бағишлаган бу муборак зотларга мукофот ва уларни оилаларига яқинлаштириш учун эди. Яна Исломга катта хизматлари сингган Ҳазрати Усмон ва Ҳазрати Алига ўз қизларини беришлари ҳам шу мақсадга қаратилганди. Уйланган аёлларининг қариндош уруғлари ҳам Расулуллоҳ билан янада яқин бўлишга эришган бўлар эдилар.

4. Сиёсий мақсади.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг баъзи аёлларига уйланишлари, қабилаларнинг Исломга киришига, ҳеч бўлмаганда душман бўлмасликларига қаратилган эди. Аввал айтганимиздай София ва Жувайрийя оналаримизга бу мақсадда уйланганлар.

5. Инсонийлик мақсади.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) инсонларнинг энг олийжаноби ва энг марҳаматлиси эдилар. Баъзи аёллар Ислом учун буюк фидокорлик қилганлар, Ҳабашистонга ҳижрат қилганлар, эрларининг вафоти билан бева қолиб ҳимояга муҳтож ҳолга келганлар. Пайғамбаримиз бу ихлос ва фидокорликлари учун уларни никоҳларига, ҳимояларига олишлари инсонийликнинг энг гўзал кўринишидир. Савдо, Умму Салама ва Умму Ҳабиба оналаримизга шу мақсадда уйланганлар.

Муҳим бир савол...

Исломият уйланишни тўрт аёл билан чегаралагани ҳолда Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) нимага айни пайтда тўққиз аёл билан яшашда давом этдилар, деган саволга шундай жавоб берилади:

Аёлларнинг тўрт нафар билан чегараланиши билан боғлиқ оят Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) энг сўнгги уйланишларини амалга оширгандан кейин нозил бўлган. Бу оят нозил бўлгач, ёнида тўртдан ортиқ аёллари бўлганларнинг фақат тўрттасини олиб қолиб

бошқаларидан ажрашишлари амр этилгани ҳолда, Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг никоҳида тўққизта аёл бор эди. Аслида Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) диннинг амрларини аввал ўзлари тадбиқ қилар эдилар. Лекин бу ерда бошқа вазият эди. Агар тўққизта аёлнинг бештаси билан ажрашсалар, улар бошқа кимсаларга турмушга чиқишлари мумкин эмасди. Чунки улар мўъминларнинг оналари ҳисобланардилар.

"Сизлар учун Аллоҳнинг пайғамбарига озор бериш ва унинг ортидан аёлларига уйланишингиз ҳеч қачон дуруст эмасдур. Чунки бу (ишларингиз) Аллоҳнинг наздида улуғ (гуноҳ) бўлган ишдир" (Аҳзоб сураси, 53-оят).

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) ажрашиш борасида аёлларига эркинлик берганлар. Лекин ҳаммалари Пайғамбаримизнинг никоҳларида қолишни танладилар.

"Эй пайғамбар, жуфтларингизга айтинг: Агар сизлар ҳаёти дунёни ва унинг зеб-зийнатларини истайдиган бўлсангизлар у ҳолда келинглар, мен сизларни (ўша нарсалардан) баҳраманд қилай ва чиройли кузатиш билан кузатай.

Агар Аллоҳни, Унинг пайғамбарини ва охират диёрини истайдиган бўлсангизлар, у ҳолда шак-шубҳасиз Аллоҳ сизларнинг орангиздаги чиройли амал қилгувчилар учун улуғ мукофот - жаннатни тайёрлаб қўйгандир" (Аҳзоб сураси, 27-28-оятлар).

Бу оятларнинг нозил бўлиши сабаби ҳақида шундай ривоят бор. Жобир (р.а.) ривоят қиладилар:

Ҳазрати Абу Бакр (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ёнларига кириш учун рухсат сўрашди. Расулуллоҳнинг эшиклари олдида кўпчилик ўтирарди. Абу Бакрга рухсат берилмади. Кейин Ҳазрати Умар (р.а.) келдилар, рухсат берилмади. Кейин иккисига ҳам рухсат берилди. Расулуллоҳнинг ҳузурларига кирдилар. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) атрофида аёллари бўлгани ҳолда ўтирар ва ҳеч гаплашмас эдилар.

Ҳазрати Умар "Мен Расулуллоҳга бир нарса дейман. Балки хуш ёқар, деб:

- Эй Расулуллоҳ! Агар Зайднинг қизи (аёлларини назарда тутяпти) мендан нафақа истаган бўлса, унинг бўйнини пичоқ билан кесаман, дедилар. Ҳақиқатдан Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) муборак тишлари кўринадиган даражада жилмайдилар ва гапира бошладилар:

- Мана булар ҳам атрофимда ўтириб, нафақа истаяптилар, - дедилар. Буни эшитган Ҳазрати Абу Бакр туриб, Ойша онамизни, Ҳазрати Умар Ҳафса онамизни урмоқчи бўлдилар. Иккаласи ҳам:

- Расулуллоҳнинг қўлида бўлмаган нарсаларни сўраяпсизларми? - дер эдилар. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) уларни тўхтатдилар. Расулуллоҳнинг аёллари:

"Биз бу мажлисдан кейин Расулуллоҳдан ёнида бўлмаган ҳеч нарсани сўрамаймиз, - дедилар.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг аёллари ҳам бир ожиз инсон бўлганларидан дунё неъмат ва зийнатларини орзу қилишлари табиий эди. Лекин Расулуллоҳ (с.а.в.)га аёл бўлиш ҳар ҳолда дунёда эришиладиган энг катта неъмат ва саодатдир.

Пайғамбар (с.а.в.)нинг оилавий ҳаётлари.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) ўзлари учун оддий оила ҳаётини танладилар. Бу чорасизлик ва йўқсизликдан эмас эди. Чунки Расулуллоҳ даврларида фатҳлар қилинган, ўлжалар қўлга олинган, кўп кимсалар бой бўлган, лекин Расулуллоҳнинг ҳаётларида ўзгариш бўлмаган эди. ўзларига келган совға, садақа ва закотни дарров лойиқ ерларга тарқатар, ўзлари эса дунё ҳаётини ўткинчи неъматларига қайрилмай, оилалари билан умматга намуна бўлар эдилар. Бу Расулуллоҳ (с.а.в.)га диний амр, мажбурият эмасди. Чунки Исломда ҳалол бойлик таъқиқланмаган. Лекин жамиятнинг олдида бўлган кишилар ҳар соҳада фидокорлик қилишлари табиийдир.

Расулуллоҳ (с.а.в.) олтин товоқда овқат ейишни ёки саройларда яшашни истаганларида бемалол эриша олардилар. Айниқса, Араб ярим ороли қўлга киритилгандан сўнг бунга тўла имкон бор эди. Лекин Расулуллоҳ иймон ва эътиқодни бойликдан устун эканлигини, уқтиришни истар эдилар. Буни эса оддий ҳаётлари билан исбот этдилар.

Бўйра устида...

Ҳазрати Умар (р.а.) ривоят қиладилар:

Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ёнларига бордим. Бўйрани устида эдилар. Ёнларига ўтирдим. Қарасам, устларида лўнгидан бошқа ҳеч нарса йўқ. Вужудларининг ён томонига эса

бўйрани изи тушган. Кўрдимки, бир со[1]ча арпа, тери ошлашда ишлатиладиган салом дарахтининг япроқлари тўшалган, девома ошланган тери осилган.

Буларни кўргач, кўзларим ёшга тўлди. Расулуллоҳ (с.а.в.):

- Эй, Ҳаттоб ўғли! Нимага йиғлаяпсан? - дедилар. Мен дедимки:

- Эй, Расулуллоҳ! Нимага йиғламай? Шу бўйра ён тарафингизда из қолдирибди. Мол-дунёнгиз шу нарсалардан иборат, холос. Аллоҳни Пайғамбари, сайланган бандаси бўлганингиз ҳолда фақирсиз, Кисро ва Қайсар эса боғлар ичида салтанат соҳиби бўлиб ўтирибди. Расулуллоҳ:

- Эй, Умар! Охират бизники, дунё эса уларники бўлишини истамайсанми? - деганларида:

- Истайман, - дедим.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) аёлларининг хоналари ҳам оддий лой ва хурмо шохларидан қилинган эди. Уйларининг эшикларида туя ёки эчки жунидан қилинган пардалар бор эди.

Ҳазрати Ойша онамиз ҳикоя қиладилар:

"Баъзан бир ойлаб уйимизда олов ёнмас эди. Сув ва хурмо билан кун кўрар эдик. Баъзи вақтлари ансор қўшниларимиз сут берар эдилар".

Ҳазрати Умар (р.а.) айтадилар:

"Бир кун қарасам, Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) очликдан азоб чекмоқдалар. Қорин тўйдиргани хурмо ҳам топа олмабдилар".

Абу Ҳурайра (р.а.) ҳикоя қиладилар:

- Расулуллоҳга бир куни иссиқ овқат келтирилди. Еган овқатидан кейин шундай дуо қилдилар:

"Аллоҳга ҳамд бўлсинки, қачондан бери менинг қорнимга иссиқ овқат кирмаган эди".

Абу Талҳа (р.а.) ҳикоя қилади:

[1] Со - ўлчов бирлиги.

Расулуллоҳнинг ёнларига очликдан шикоя қилиш учун келдик. Қорнимизга боғлаган бир тошни кўрсатдик. Расулуллоҳ эса қоринларига иккита тош боғлаган эдилар. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг аёллари ҳам камтарона ҳаётдан фақат бир марта шикоят қилганлар. Лекин мол-дунё ёки Ҳазрати Пайғамбардан бирини танлаш ихтиёрларига берилганда, ҳеч иккиланмай Расулуллоҳни танлаганлар.

Шаҳватни ва дунё неъматларидан фойдаланишни кўзлаган ва бунинг учун аёлларини кўпайтирган бир кишининг ҳаёти шундай бўладими?

Фатҳларда қўлга киритилган ўлжаларни, ўзлари ҳоким бўлган юрт, ўлка, шаҳар бойликларини ўз айшу ишратларига, нафси аммора йўлига сарфлаган золим ва худбин диктаторларнинг ҳаётлари қайдаю, Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг оддий ҳаётлари қаёқда?! Агар дабдабали яшашни истаганларида эди, ҳамма ўз хоҳишлари билан бору-йўғини Расулуллоҳга фидо қилиши аниқ эди. Аммо дунё лаззатларидан кечиб, камтар бўлиб яшашни афзал кўрдилар.

"Қулларни еганидай ейман. Қулларни ўтиргани каби ўтираман. Чунки мен ҳам қулдан бошқа нарса эмасман". Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) оддий еганлар, оддий кийинганлар, оддий яшаганлар.

Исроф ва дабдаба

Исроф ҳаддан ошиш, иқтисод эса меъёрда ҳаракат қилишдир. Коинотда ҳамма нарса маълум мувозанат ва тартибга бўйсунади. Бутун безовталикларнинг сабаби бу мувозанатнинг бузилишидир. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.):

"ўрта йўлни танлангларки, нажотга эришасизлар".

Давлатнинг иқтисодий тизими каби, оила ҳаётида ҳам асосий жиҳат кирим-чиқим орасидаги мувозанатни таъминлашдир. Оталаримиз буни "Кўрпангга қараб оёқ узат" дея ифодалаганлар.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳаётларидай исломий оила исроф ва дабдабага эмас, камтарлик ва самимият устига қурилади. Ҳозирги кунда рўзғордаги исрофлар оила қурилаётган пайтдаёқ бошланмоқда. Ҳолбуки, Пайғамбаримиз айтганларидай:

"Никоҳнинг энг хайрлиси енгил ва оддий бўлганидир".

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) ва асҳобларининг оила ҳаётлари бағоят камтар ва оддий эди. Уларнинг бу оддий ҳаётлари ҳузурсизликка сабаб бўлмади, аксинча, иймон ва қаноат ҳузури ичида бахтли яшадилар. Зотан, ҳақиқий бойлик кўнгил тўқлигидир.

Турли ахборот воситаларида озиқ-овқат маҳсулотлари тинимсиз реклама қилинаётган, тижоратни сеҳргарлик ҳолига келтириб, оддий маргаринни жаннат таоми, қандайдир нотабиий ичимликларни кавсар шароби дея тақдим этилган ҳозирги пайтда буларни унча-мунча одамга ҳайратли, таажжубли туюлиши ҳам табиий. Ҳадсиз орзу ҳаваслар ортидан елиб югуриш инсонларнинг асосий мақсадларидан чалғитиб, борган сари ўзининг домига тортиб бормоқда.

Алберт Эйнштейн камтар ҳаёт борасида шундай дейди: «Ҳамманинг ўз ғояси бор. Ҳамма шу ғоя ортидан кетяпти. Менинг уч ғоям бор: Яхшилик, гўзаллик, тўғрилик. Мени ҳеч қачон бошқа ялтироқ ғоялар ўраб ололмайди.

Мол-мулк, дабдабали ҳаёт, шон-шуҳратга эришиш каби орзулар менга бегона. Мен камтар ҳаётга кўнгил берганман. Буни ҳам баданга, ҳам руҳга фойдали бўлганига ишонаман».

Ҳаммада дунёга майл борлиги шубҳасиз. Муаммо бу орзу ва майлни йўқ қилиниши эмас, балки меъёр мезонида жиловлаб туришдир.

Оилада айланган исроф чархи.

Афсуски оила ҳаётидаги даҳшатли исроф, дабдаба мусулмонларга ҳам тегишли. Кўпчиликни уйи Фиръавн ва Намрудникидан ҳам ўтиб тушади. Уйлар сервант ва шкафларида олтин, кумуш, таглик ва креслолар ипак билан безалмоқда, уйлар гўё музей ва кўргазма салонларига айлантирилмоқда.

Олтин, кумуш ва ипак буюм ишлатишнинг гуноҳи ҳам оғирдир. Зеро, Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) мусулмонларга олтин, кумуш идиш-товоқлардан еб-ичиш, эркакларга ипак кийишни ва ипакли мато устига ўтиришни таъқиқлаганлар.

Қийинчилик билан топилган пуллар осонгина сарф қилинмоқда. Зеро, пул топиш баланд чўққига катта тошни чиқариш, сарфлаш эса тошни пастга юмалатиш кабидир.

Ҳазрати Абу Бакр: "Бир неча кунга етадиган бир ризқни бир кунда сарф қиладиганлардан жаҳлим чиқади", - деганлар.

Сарфлашда асосий нарса эҳтиёждир. Бир нарсага эҳтиёж бўлмаса, қанча арзон бўлса-бўлсин, сотиб олинмаслиги керак. Чунки кераксиз буюмларга пул сарфланаверса, қиймати, қадри тушиб, инфляцияга учрашиш муқаррар.

Аёлларимиз диққатига!

Айниқса, исрофгарчилик борасида аёлларимиз анча устунлик қиладилар. Меҳмондорчиликлар дабдабали кимўзарга айлантириб юборганлар.

Ҳар меҳмондорчиликка янгича қиёфа билан боришни фазилат санаб, бошқаларни ҳам бу маъносиз бир мусобақага тортмоқдалар ва айни ҳаракатлари билан Ҳақ ризосига қарши боришмоқдалар.

Мусулмон ҳамма нарсадан олдин солиҳ амаллар билан Аллоҳнинг розилигини исташи зарур. Жаноби Ҳақ кийим ёки мол-дунёга эмас, қалб ва амалларга қарайди. Инсонларга чиройли кўриниш ўзларини ҳар балога ураётганлар Аллоҳ ҳузурига қандай боришни ўйлаб кўрмайдиларми? Бир ликопча ёки пиёласи синиб қолса, сервиз бузилди, деб янгисини олишни гўё "фарқ" деб билувчилар, бунинг ранги бунга мос келмади, айнан ўзидан топишим керак, дейдиганлар, ибодатларга, фарзларга, вожибларга айни шу фидокорликни кўрсата оладиларми?

Қизига сеп тайёрларкан, бир нарса кам бўлса ҳам "бўлмайди" деб оёқ тирайдиганлар, болаларнинг имонлари, ибодатлари, тарбиялари, абадий саодатлари учун айни талабчанликни кўрсата оладиларми? Ҳолбуки, болаларга қоладиган энг қийматли мерос мол-дунё эмас Исломий бир тарбия ва ахлоқдир.

Дунёвий дахмазалар билан андармон бўлиб, охиратни унутсак, ҳолимиз нима кечади?! Тупроқ бўладиган баданларни безаб, абадий яшайдиган руҳларимизга бепарво бўлсак, боқий дунёга қай юз билан борамиз?

Бир қанча мусулмон оилалар гўё жамиятда ҳеч бир фақир йўқдай, иймон учун қилинадиган ҳеч бир иш қолмаганидай, исроф ва дабдаба билан ўз сармояларини кўкка совуришаётгани ғоят ачинарлидир. Ҳолбуки, Қуръони каримга қулоқ тутсак, айни муддао бўларди.

"(Эй Муҳаммад) қавми-қариндошга, мискин ва йўловчига (хайру эҳсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг ва исрофгарчиликка йўл қўйманг. Чунки исроф қилгувчилар

шайтонларнинг дўстлари бўлган кимсалардир. Шайтон эса Парвардигорига бутунлай кофир бўлгандир" (Исро сураси, 26-27-оятлар).

Зотан, исроф ва ҳаром йўлларга пул сарфлашни ташвиқ қиладиган шайтондир. Шайтон васвасасига учадиганлар эса унинг дўстларидир.

Аввало ҳузур.

Уйда ҳузур бўлмаса, дунёнинг энг люкс уйи бўлса ҳам, нима қиймати бўлади? Бир кишининг нафаси сиқаётган бўлса, хоҳ саройда бўлсин, хоҳ кулбада нима фарқи бор? Оёқ кийим оёқни сиқса, хоҳ майдонда айлан, хоҳ тор жойда ҳеч нарса ўзгармайди.

Ҳақиқий бахт кўнгилда бўлади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтганларидай, бойлик мол-дунёнинг кўплиги эмас, кўнгил тўқлигидир.

Бу сунъий гуллар эмас, ҳиди ўткинчи бўлмайдиган, ранги сўлмайдиган абадият гулларининг талабгоримиз.

Бахт фақат мол-мулк билан бўлганида эди, асҳоби киром (р.а.) ва Пайғамбаримиз (с.а.в.) мол-мулкларини Маккада ташлаб, иймонлари учун Мадинага ҳижрат этмас, гўзал ҳаётдан кечиб, жиҳод майдонларига югурмас эдилар. Ҳузурнинг боши қаноатдир. Қаноат эса борига шукр қилиш, очкўзлик қилмасликдир. Шоир Абул Отоҳил шундай деган:

"Қўлингдагилар сени хурсанд қилмаса, ер юзидаги ҳамма нарсага эга бўлсанг ҳам яна хурсанд бўлмайсан".

Эҳтиёжлар ортса, асирлик ҳам ортади. Чунки ҳар орзу-истак бир тугундир. Истакларни қанча камайтирсак, шу қадар ҳур бўламиз. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) шундай деганлар:

"Кимки жони ва моли хавфсиз, вужуди соғлом, яна кунлик ейдигани қўлида бўлиб уйғонса, бутун дунё унга берилган, деганидир". ўам ва қайғудан қутулишнинг ягона йўли, кўнгилни илоҳий муҳаббат ва маърифат билан тўлдиришдир.

Шукр қиладиган кўп нарсамиз бор...

Кейинги вақтларда "шукр" сўзи унутилгандай бўлди. Ҳамма ўз ҳолидан шикоят қилади. Бор нарсага шукр қилмай, йўқ нарсаларга оҳ-воҳ уришининг фойдаси йўқ, зарари бор. Болаларимиз ёнимизда, хавфсизлигимиз ва осойишталигимиз жойида,

қорнимиз тўқ, устимиз бут бўлса, саломат бўлсак, дунёдаги энг бахтли инсонмиз дейишга, шундай ўй-хаёлга нима тўсқинлик қилади. Ажабо! Арпа нон топа олмай дарахт япроғи ейишга мажбур бўлган илк мусулмонларни ўйлайлик. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг қоринларига иккита тош боғлаганларини, кетма-кет икки кун буғдой унидан қилинган нон ея олмаганларини, оналаримизнинг икки, уч ой уйларида қозон қайнамаганини эслайлик. Бизларга берилган неъматларни ўйлаб, Раббимизга шукр қилайлик. Зеро, шукр неъмат ва бахтни орттиради. Жаноби Ҳақ шундай дейди:

"Қасамки, агар берган неъматларимга шукр қилсангизлар, албатта, (уларни янада) зиёда қилурман. Энди агар куфрони (неъмат) қилсангизлар, албатта азобим ҳам жуда қаттиқдир" (Иброҳим сураси, 7-оят).

Бу нонкўрликнинг азобини руҳий зарба билан, маънавий очлик билан тортяпмиз. Тизгинсиз ҳирс ва орзуларнинг оловлари ичида қовриляпмиз.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) – оила бошлиғи

Маълумки, Расулуллоҳ (с.а.в.) умматининг маънавий отаси, аёллари (р.а.) эса мўъминларнинг онаси мавқеидадирлар. Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу борада шундай деганлар:

"Мен сизни отангиз ўрнидаман, сизга ҳамма нарсани ўргатяпман". Жаноби Ҳақ ҳам уларнинг ва аёлларининг мавқеларини шундай деган:

"Пайғамбар мўъминларга ўзларидан ҳам ҳақдорроқдир, унинг аёллари эса уларнинг оналаридир" (Аҳзоб сураси, 6-оят).

Бутун мўъминлар бу оилага мансуб ака-ука, опа-сингиллардир.

Расули акрам (с.а.в.) мўъминларни ўз оталаридан зиёда қўл остиларига олганлар, уларнинг азоб чекмаслиги учун ўзлари кўп зулмларга чидаганлар. Шу билан бирга Расулуллоҳ (с.а.в.) шахсий оила ҳаётларида ҳам бутун инсониятга ўрнак кўрсатганлар. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) аёлларга яхши муносабатда бўлиш комил мусулмон бўлишнинг шарти дея марҳамат қилганлар:

"Сизларнинг энг хайрлиларингиз аёлларига энг яхши муносабатда бўладиганларидир. Оиласига энг яхши муносабатда бўлганингиз эса менман".

Расулуллоҳ (с.а.в.) аёлларини бир омонат сифатида кўрардилар. Аёлларга яхши муносабатда бўлинишини истаган Пайғамбаримизнинг ўзлари бу борада энг гўзал намуна бўлганлар.

Намунали эр сифатида…

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) оилавий ҳаётларида аёлларини ҳатто чертмаганлар, ҳақорат қилмаганлар, уларга ҳамма вақт меҳр билан яқинлашганлар. Уларнинг моддий-маънавий эҳтиёжларини қондириш учун қўлларидан келганча ҳаракат қилганлар.

Аёлларига уйланарканлар, ҳаммаларига маҳр бериб, тўй қилиб, асҳобларига зиёфат берганлар, ҳар бирларига алоҳида хона берганлар.

Пайғамбаримиз уларнинг ейдиган ва киядиганларини таъминлаганлар ва бу борада умматга тавсия берганлар.

"Ҳаражатнинг энг хайрлиси оила аъзоларига қилинган сарф-ҳаражатдир".

Кейинчалик эса бу сарф-ҳаражатнинг садақа, аёлини оғзига кирган луқманинг савоб эканлигини айтганлар.

Аёллари билан суҳбатлари...

Пайғамбаримиз аёллари билан алоҳида-алоҳида ҳам, йиғилган ҳолда ҳам суҳбат қилар, ҳол-аҳвол сўрар эдилар. Бомдод ва аср намозларидан кейин уларни зиёрат қилар, кечки зиёратда улар билан умумий суҳбат қилар, уларга ҳикоя айтиб берар эдилар. София онамиз (р.а.) билан эрталабгача суҳбатлашганлари ривоят қилинади.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг аёлларига айтиб берган қиссалардан бири Умму Зар қиссасидир. Унда ўн бир аёл эрлари ҳақида бир бирларига гапирар, кимдир эридан хурсанд, кимдир эса шикоят қилади. Эри Абу Зардан жуда хурсанд бўлган ўн биринчи аёл Умму Зарнинг сўзлари тугагач, Расулуллоҳ (с.а.в.) Ойша онамизга:

"Эй Ойша, Умму Зарга Абу Зар қандай бўлса, мен ҳам сизга нисбатан шундайман" деганлар. Умумий ҳолдаги суҳбатлар Расулуллоҳ ўша кеча кимнинг ёнида тунайдиган бўлсалар, ўша онамизнинг хоналарида бўлар эди. Бу суҳбатлар аёлларига диний билим бериш, уларни кўнгилларини олиш, агар ораларида рашк бўлса, уни кетказишга ҳаракат қилар эди.

Аёлларига ҳазил ва улар билан мусобақалари.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) самимиятсиз ва зерикарли ҳаёт тарафдори бўлмаганлар, ўзлари ҳам вақти-вақти билан аёллари билан ҳазиллашганлар. Ҳатто Ойша онамиз билан югуриш мусобақасини ўйнаганлар. Зеро, инсон табиатида хурсандчиликка, ҳазилга ва дам олишга эҳтиёж бор. Қувончсиз, ҳазилсиз ҳаёт бўлмайди. Буни яхши билан Пайғамбаримиз ора-сирада ҳазиллар қилганлар. Умма Айман (р.а.) Пайғамбаримизнинг энагалари:

- Эй Расулуллоҳ! Мени туяга миндир, - дегач, Расулуллоҳ:

- Сизни бўталоққа миндираман, - деганлар. Умму Айман:

- Бўталоқ мени кўтармайди, - деганида, Расулуллоҳ:

- Ҳамма туя ҳам қачондир бўталоқ бўлган, - деб ҳазил қилганлар.

Аёллари билан маслаҳатлари.

Расулуллоҳ (с.а.в.) турли масалалар юзасидан аёллари билан маслаҳатлашар эдилар. Айниқса, Ҳадича онамизга қарши бўлмасдилар. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг Умму Салама онамиз (р.а.) тавсияларига амал қилганларига доир бир мисол келтирсак:

"Худайбия сулҳи имзоланган эди. Бу сулҳга кўра, шу йили умра қилиш учун келганлар келаси йил Каъбани зиёрат эта олардилар. Бу шарт саҳобаларга малол келди. Худайбияга қадар эҳромга кирганлар умра қилишни жудаям истар эди. Лекин Расулуллоҳ (с.а.в.) аҳдга содиқ қолишни истар эдилар.

Қурайш вакиллари кетгандан кейин Расулуллоҳ ўринларидан туриб:

"Эй инсонлар! Туриб қурбонликларингизни сўйинглар. Кейин сочларингизни олдиринглар ва эҳромдан чиқинглар" дедилар. Ҳеч ким ўрнидан қўзғалмади. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) бу амрни уч марта такрорладилар. Ҳеч ким турмади. Кейин Расулуллоҳ (с.а.в.) Умму Салама онамизнинг ёнига келдилар:

- Эй Расулуллоҳ, нима бўлди?

- Эй, Умму Салама! Халқнинг бу ҳаракати нима? Ҳайрон қоладиган нарса тўғриси. Уларга эҳромдан чиқинглар, деб такрор-такрор айтяпман. Сўзларимни эшитган ҳолда юзимга қараб ҳеч бири буйруғимни бажармаяпти...

Умму Салама онамиз шундай деди:

- Эй Расулуллоҳ! Дарров бориб қурбонликларни сўйиб, сочингизни олдиргунча, ҳеч кимга ҳеч нарса деманг. Шундай қилсангиз саҳобалар сизга сўзсиз эргашадилар.

Расулуллоҳ (с.а.в.) Бисмиллоҳи Аллоҳу Акбар деб қурбонлик туяларини сўйдилар. Шунда бошқалар ҳам дархол ўринларидан туриб, туяларини сўя бошладилар.

Аёлсиз сафарга чиқмасликлари

Расулуллоҳ (с.а.в.) сафарга аёлларидан бир ёки иккиталарини ёнларига олардилар. Қайси бирларининг боришлари қуръа орқали аниқланарди.

Бу усул улар орасида вужудга келадиган рашкка тўсиқ бўлар эди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) видолашув ҳажига бутун аёлларини олиб борганлар, шу тариқа уларга катта илтифот кўрсатган эдилар. Пайғамбаримизнинг аёллари (р.а.) сафар давомида туя устига жойлаштирилган чодирда ўтирар эдилар.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) бирор жойга таклиф этилсалар, аёлларидан баъзилари бўлишини шарт қилиб қўйганлар.

Тенг муносабатда бўлишлари

Расулуллоҳ (с.а.в.) навбат билан ҳар кунини бир аёлларига ажратиб, бу тартибда талабчанлик бўлардилар. Шундай дуо қилардилар:

- Эй Раббим! Мен қила олган тақсимот шу. Қила олмаганларим учун мени айблама.

Қила олмаганим, деб севгини назарда тутардилар. Чунки инсон ўз кўнглига ҳоким бўлиши ва севги борасида ҳаммага тенг муносабатда бўлиши мумкин эмас.

Расулуллоҳ (с.а.в.) вафот этишларидан олдин касал бўлиб қолганларида Ҳазрати Фотима (р.а.) онамиз бошқа аёлларини айланиб:

- Расулуллоҳ (с.а.в.) сизларни зиёрат қилиш учун қийналяптилар деганларида, қолганлар: Расулуллоҳ истаганларини қилсинлар, дейишди. Шундан кейин Пайғамбаримиз Ҳазрати Ойша онамизнинг ёнларида қолиб, уларнинг қучоқларида жон таслим қилганлар.

Аёлларига нисбатан севгиси

Расулуллоҳ (с.а.в.) аёлларига доимо меҳр билан муомала қилганлар. Уларнинг кўз ёшларини қўллари билан артиб, муборак тиззалари устига уларни ўтирғизиб туядай миндирган, аёлларни нозик чиннига қиёслар эдилар.

Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) Анжаша исмли билан қора қуллари бўлиб, овози гўзал эди. Қўшиқ айтса, туялар тезлашиб, чодирдаги аёллари безовта бўлар эди. Расулуллоҳ Анжашага:

"Эй Анжаша! Туяларни секинлаштир. Бўлмаса чинниларни синдирасан" дедилар.

Ойша онамиз ривоят қиладилар:

Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳар кун аёлларини зиёрат қилар, ҳар бирларига яқинлашганларида қўлларини бошига қўйиб, уни ўпар, охирги аёлларига келгач, агар навбат унда бўлса, унинг ёнида қолар эдилар.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) Ҳафса онамизга (р.а.) ёзув ўргатиши учун Шифо хотинни тайинлаганлар. Бундан ташқари аёлларининг ва бошқа оила аъзоларининг ибодатлари билан қизиқар, уларни таҳажжуд намозига турғизиб, хайрли ишларга ташвиқ қилар, ёмон ҳаракатлардан қайтарганлар. Пайғамбарнинг аёли бўлиш охиратда қутқарадиган восита бўлолмайди, дея хайрли ишларга тавсия этганлар.

Уй ишларида ёрдам беришлари

Ҳамма Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)га хизмат этиш учун югургани ҳолда шахсий ишларни ўзлари қилишни севардилар. Қози Иёз Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) уйдаги ишлари ҳақида шундай дейди: "Уйда рўзғор ишлари билан машғул бўлар, ўз кийимларини тозалаб, қўйини соғар, йиртиқларини ямаб, оёқ кийимни таъмирлар, уйни супуриб, туяни ҳам ўзлари боғлаб, емини берар, хизматчилар билан бирга овқат ер, улар билан хамир қорар, бозордан олганларини ўзлари келтирардилар". Баъзилари ўйлаганидай уй ишларида аёлларга ёрдам бериш, улар ташиган юкни учидан ушлаш эркакликка ярашмайдиган бўлганда эди, Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳеч қачон бундай қилмас эдилар. Оила аъзоларига ёрдамлашиб ҳам қадр, ҳам оила аъзоларининг ҳурматига эга бўлганлар.

Уй ишларида аёлларга ёрдамчи бўлишни эркак учун ор деб ҳисобловчилар Ҳазрати Пайғамбарга (с.а.в.)нима дейдилар?

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг йўлларидан бориш ҳар бир мусулмонга лозим бўлгани ҳолда, уй ишларида суннатларига тескари ҳаракат қилишни ким, қандай ташвиқ қила олади?

Ундай бўлса, хотин қули бўлиш нима? Шахсиятини ва иродасини аёлга топширган, аёлимнинг жаҳли чиқади деб қўрқадиган одамга айтилади. Аксинча, уйига боғлиқ бўлган, оила ҳузурини ҳимоя қилиш учун жон бериб ишлайдиган, оила аъзоларининг юкларини енгиллатиш учун уларга ёрдам берадиган, камтар кишилар ҳақиқий эркаклардир. Баъзи жойларда бўлганидай уй ишларида аёлларга ёрдам бериш у ёқда турсин, эркак қилиши керак бўлган ишларни ҳам аёлларга юклаб ўзлари кеча-кундуз қаҳвахонада пинакка кетадиган кишиларнинг умуман эркаклик билан, инсонийлик билан алоқаси йўқ. Булар бир зўравон, боқиманда, дангаса бир зараркунанда холос.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳаракатларини хотин қули деб ҳисоблаб камситиш - иймондан айрилиш демакдир.

Хулоса шуки, намуна бир оила бошлиғи бўла олиш Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг уй бошқарувини яхши билиб, шунга кўра ҳаракат қилиш билангина бўлади.

Намунали ота

Умматини маънавий отаси ҳисобланган Ҳазрати Пайғамбар уйида ҳам энг гўзал ота намунаси бўлганлар. Уйланиш ва бола-чақа сохиби бўлишни ташвиқ қилганлар, болаларнинг тарбиясига кўпроқ аҳамият берганлар.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг фарзандлари

Расулуллоҳнинг (с.а.в.)ни Ҳазрати Ҳадичадан (р.а.): икки ўғил, тўрттаси қиз жами 6 фарзанди дунёга келган эди. Бундан ташқари Мариядан Иброҳим исмли бир ўғиллари туғилган эди.

Ҳадича онамиз (р.а.)дан бўлган илк ўғилларини исми Қосим эди. Арабларнинг одобига кўра, ота илк ўғлининг исми билан чақирилар эди. Шунинг учун Пайғамбаримизни (с.а.в.) Абул Қосим (Қосимнинг отаси) дейишарди. Аммо Иброҳим ҳали энди юра бошлаган пайтда вафот этган. Қосимдан кейин Зайнаб, Руқия, Умму Гулсум ва Фотималар дунёга келди. Фотима қизларининг энг кичиги эди. Пайғамбар (с.а.в.) иккинчи ўғлларининг исми Абдуллоҳ эди. Бу бола "ат-Тоҳир", "ат-Тойиб" лақаблари билан чақирилган.

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) Ҳазрати Фотимадан (р.а.) ташқари ҳамма фарзандлари ўзларидан олдин вафот этганлар. Ҳазрати Фотима (р.а.) Пайғамбаримиздан олти ой кейин риҳлат қилганлар.

Зайнаб холаси Робиянинг ўғли Абул Асга, Руқия ва Умму Гулсум эса Ҳазрати Усмонга турмушга чиққанлар. Шунинг Ҳазрати Усмонга "зун-нурайн" (икки нур эгаси) дейилган (р.а.).

Ҳазрати Фотима (р.а.) эса Ҳазрати Алига (р.а.) турмушга чиққанлар. Пайғамбар (с.а.в.)нинг насллари Фотимадан (р.а.) туғилган неваралари Ҳазрати Ҳасан ва Ҳазрати Ҳусайн билан давом этган.

Мариядан туғилган Иброҳим эса 18 ойлик пайтида вафот этган. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг уйларидабулардан ташқари Ҳазрати Али, Зайд ибн Хориса ва тез-тез келадиган Ҳазрати Ҳадича ва Умму Салама оналаримизнинг аввалги эрларидан бўлган фарзандлари бўларди.

Болаларни севишлари

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) болаларни жуда яхши кўрганлар, болаларни туяларига миндириб, уларни беҳад севинтирардилар. Уларга салом берардилар.

Бир кун Холид ибн Саид исмли саҳоба (р.а.) кичик қизи билан пайғамбаримизни (с.а.в.) зиёрат қилишга келди. Қиз Ҳабашистонда туғилгани учун Пайғамбаримиз (с.а.в.) унга Ҳабаш тилида "Гўзал қиз" деб, ёнларига олганлар, қизим у билан ўйнашиб, икки курак суяги орасидаги "Пайғамбарлик муҳри"ни ўйнашга рухсат берганлар. ўзларига ҳадя қилинган матони бу қизга берганлар. Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай деганлар:

"Аллоҳ кимларгадир болаларни севдиради, улар севсалар оловдан қутуладилар".

Пайғамбаримиз (с.а.в.) намоз ўқиётган пайтларида йиғлаётган бола овози келса, бола ва онаси қайғу чекмасин, деб намозни қисқа қилардилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) қўлларидаги меваларни аввал болаларга бериб, уларни қучоқлаб ўпардилар. Бир куни болаларни қучоқларига олиб турган пайтларида бир бадавий келиб:

- Сиз болаларни шундай яхши кўрасизми? Менинг ўн неварам бор, ҳалигача биронтасини қучоғимга олмаганман? - деган эди. Кейин Расулуллоҳ (с.а.в.):

- Ундай бўлса, Аллоҳ сени шафқат туйғусидан маҳрум қилибди, - дедилар.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) Мадинага келганларида Ансор қизлари қарши олишга чиққанлар, севинч ва мақтов ифода этадиган қўшиқлар айтган эдилар. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) бу болаларнинг бошларини силадилар ва сўрадилар:

- Сизлар мени яхши кўрасизми?

Ҳаммаси бир овоздан:

- Ҳа яхши кўрамиз, - деганларида Расулуллоҳ (с.а.в.):

- Мен ҳам сизларни ҳаммаларингизни яхши кўраман, - дедилар.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) фақат ўз болаларини ва мусулмонларни болаларини эмас, мусулмон бўлмаган болаларни яхши кўриб, улар билан қизиқар эдилар. Касал бўлган бир яҳудийнинг боласини зиёрат қилганлари маълум.

Бир урушда иккита ҳарбий бўлим орасида қолган бир неча бола ўлган эди. Кейин буни эшитган Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) жуда хафа бўлганлар. Буни кўрган саҳобалар:

- Эй, Аллоҳни Расули? Нимага бунча хафа бўласиз? Ахир улар кофирларнинг болалари эмасми? - дедилар.

- "Бу болалар Аллоҳга шерик қўшган кофирларнинг болалари бўлса ҳам, сиздан яхшидирлар. Диққат қилинглар, болаларни ўлдирманглар, болаларни асло ўлдирманглар. Ҳар туғилган бола Ислом хулқ-атвори билан туғилади".

Болаларнинг орқасидан кўзёш тўкишлари

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) Аллоҳнинг тақдирига доимо рози бўлганлари шубҳасиз. ўғиллари Қосим вафот этганида қайғуга ботиб, қабристонга олиб кетарканлар, Куайкиан тоғига қараб:

- Эй тоғ! Менинг ўрнимда сен бўлганингда йиқилар эдинг, - деган эдилар.

Қизлари Зайнабни ўз қўллари билан қабрга қўйдилар. Қабрга қўяркан қайғули эдилар. Қабр ичида бироз тургандан кейин севиниб чиқдилар ва:

- Зайнабнинг заифлигини ўйлаб, унга қабр азоби ва қабрнинг сиқишини енгиллатиши учун Аллоҳга дуо қилдим. У ҳам дуойимни қабул қилиб, енгиллатди, - дедилар.

Қизлари Умму Гулсумнинг жаноза намозини ўқиган ва кўзлари ёшга тўлиб қабрнинг бошига ўтирган эдилар. Қайғудан қабрга туша олмай, бошқасини туширган эдилар. ўғли Иброҳим вафот этаётганда уни қучоғларига олиб, кўз ёши тўка бошладилар. Абдураҳмон ибн Авф:

- Сиз ҳам йиғлаяпсизми, эй Расулуллоҳ? Бундай йиғлашни халққа сиз ман қилган эдингизку, - дегач, Расулуллоҳ:

- Эй Авф ўғли! Бу бир марҳамат ифодасидир. Мен фақат унда бўлмаган хислатларни санаб, ўлик учун бақириб-чақириб йиғлашни ман қилдим. Раҳм қилмаганга раҳм қилинмайди. Кўз йиғлайди, қалб ғам чекади, бир буюк Раббимизнинг рози бўладиган сўздан бошқасини айтмаймиз. Эй Иброҳим биз сендан айрилганимизга жуда хафамиз.

Иброҳим менинг ўғлимдир. У кўкрак эмадиган чоғида ўлган бир қўзиғочдир. Жаннатда унинг эмизиклик муддатини тамомлаш учун икки она тайинланган.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) бола туғилар-туғилмас у билан қизиқар эдилар. Бир қулоғига азон, бир қулоғига иқомат ўқирдилар. Уларга чиройли исм қўярдилар. Хурмо чайнаб, боланинг томоқларига суртар эдилар.

Пайғамбаримиз болаларни туғилганлиги ҳақида хабар олиб келувчиларга ҳадя берар эдилар. ўғли Иброҳимнинг туғилганини айтган Рофийга бир қул берган эдилар.

Етимларнинг отаси

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) етим бўлиб катта бўлган эдилар. Етимлик нима эканлигини ҳаммадан яхши билардилар. Жаноби Ҳақ бу ҳақда ҳаммага шундай дейди:

"Бас, энди сиз ҳам етимга қаҳр қилманг!" (Ваз-зуҳа сураси, 9-оят).

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) доимо етимларга қанот ёзиб, уларни ҳимоя қиладиганларга шу хабарни етказганлар:

"Ўзи ёки бировнинг етимини ўстирганлар билан жаннат шу тариқа ёнма-ён бўламан", дея кўрсаткич муборак бармоқлари билан ўрта бармоқларини ёнма-ён келтирганлар.

Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) етимга қандай шафқат кўрсатганларига доир мисол келтирамиз.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) муборак рамазон байрами куни ўйнаб юрган болаларга дуч келдилар. Бурчакда ёлғиз ўзи туриб йиғлаётган бир болани кўрдилар ва унинг ёнига бордилар. Ундан:

- Нимага йиғлаяпсан, эй бола? - деб сўрадилар. Бола шундай деди:

- Боринг ишингизни қилинг, тегманг менга. Отам Расулуллоҳ билан бир жангда шаҳид бўлди. Бу байрам менинг кўнглимга қувонч берадиган бир инсон топа олмадим.

Пайғамбаримиз унга:

- Мен сенга ота, Фотима сенга опа, Ойша эса сенга она бўлишини истайсанми? - дедилар.

Аҳволни тушунган бола шундай жавоб берди:

- Кечирасиз эй Расулуллоҳ! Сизни танимабман.

Расулуллоҳ (с.а.в.) бу болани уйига олиб бордилар. Едириб-ичирдилар. Кийинтириб, озгина пул бердилар ва:

- Бор энди дўстларинг билан ўйна, - дедилар.

Уни қувончли кўрган дўстлари сўради:

- Эй бола, бу нима хол? Бироз олдин йиғлаб турган эдинг, ҳозир эса қувончлисан.

Бола уларга шундай жавоб берди:

- Отамдан хайрли ота, онамдан устун она кўрдим.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг Ҳазрати Фотимадан туғилган иккита неваралари бор эди.

Ҳазрати Ҳасан (р.а.) Ҳижратни учинчи йилида рамазон ёки Шабон ойининг ўрталарида туғилган. Ҳазрати Ҳасан (р.а.) туғилганида Расулуллоҳ Ҳазрати Фотимани (р.а.) уйига келдилар ва "Менга ўғлимни кўрсатинглар" дедилар. Ҳасан (р.а.) сариқ ҳирқага ўралган эди. Расулуллоҳ (с.а.в.) уни қучоқларига олдилар. ўнг қулоғига азон, чап қулоғига иқомат ўқидилар.

Расулуллоҳ: Унга нима деб исм қўйдинглар? - деб сўрадилар. Ҳарб деб исм қўйдим, дедилар Ҳазрати Али (р.а.). Пайғамбаримиз: (с.а.в.) Йўқ, унинг исми Ҳасан бўлади, - дедилар.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) Ҳазрати Ҳасаннинг томоғига юмшоқ хурмо суртдилар. Туғилганига етти кун бўлгач, Ҳазрати Ҳасаннинг сочи олинди ва оғирлигича кумуш фақирларга тарқатилди. Бундан ташқари иккита қўчқор сўйиб, қурбонлик қилинди. Бу қурбонга ақиқа дейилишини ва шартларини аввал айтган эдик.

Ҳазрати Ҳасан Пайғамбаримизга (с.а.в.) жуда ўхшар эдилар. Отаси Ҳазрати Алини (р.а.) вафотидан кейин Халифа қилиб сайландилар. Лекин андиша қилиб халифаликни Ҳазрати Муовияга топширдилар. Ҳижрий 49 йилда вафот этдилар. Боки қабристонига дафн қилинди.

Ҳазрати Ҳусайн Ҳижратнинг тўртинчи йили шабон ойининг бешида туғилди. Туғилганига етти кун бўлганда икки қўчқор қурбон қилинди. Сочи олиниб, унинг оғирлигича кумуш фақирларга тарқатилди. Ҳазрати Али уни ҳам исмини Ҳарб қўйган эди. Расулуллоҳ уни Ҳусайн деб ўзгартирдилар. Ҳусайн еттинчи кунда суннат қилинди.

Ҳазрати Муовиянинг вафотидан кейин ўрнига ўғли Язид ўтирди. Куфаликлар Язидга эмас, ҳазрати Ҳусайнга (р.а.) байъат қилиш истагида эканликларини билдирдилар. Турли огоҳлантиришларга қарамасдан Ҳазрати Ҳусайн (р.а.) яқинларини олиб, Куфага юриш қилдилар. Бу тарихий ҳодисага тўхталмаймиз. Ҳазрати Ҳусайн даҳшатли Карбало фожеаси натижасида ҳижрий 61 йилда 10 муҳаррамда шаҳид бўлдилар.

Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) Ҳасан ва Ҳусайнни (р.а.) жуда яхши кўрар эдилар. Уларга қараб:

- Аллоҳим! Мен буларни севаман. Сен ҳам буларни сев, - деб дуо қилардилар.

"Ҳасан ва Ҳусайн мен дунёдаги ҳидлаган икки гулимдир".

"Ҳасан ва Ҳусайнни севган мени севган, уларни ёқтирмаган эса мени ёқтирмаган бўлур".

"Ҳасан ва Ҳусайн жаннатдаги ёшларнинг хўжайинларидир".

Ҳадиси шарифлардан англашилганидай, Пайғамбаримиз (с.а.в.) невараларини гулга ўхшатганлар ва бу гулларни ҳидлаганлар.

Бир кун бир зот Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг неваралари Ҳасанни елкаларига миндирганларини кўриб:

- Эй бола! Сен жуда гўзал миналадиган нарсага минибсан" дейишда ўзини тия олмади. Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳам унга гўзал жавоб бердилар:

- У ҳам (Ҳасан) жуда гўзал минувчидир.

Абу Қатода ҳикоя қилади:

«Биз масжидда ўтирган эдик. Расулуллоҳ қизи Зайнабдан бўлган невараси Умомани елкаларига миндириб келдилар. Невараси елкасида бўлгани ҳолда намоз ўқидилар. Рукуга борганларида уни ерга қўяр, турганларида эса такрор елкаларига олар эдилар».

Пайғамбаримиз жамоатга имомлик қиларканлар ҳар руку, сажда ва қиёмда Умомани олиб жойига қўйганлари ҳам ривоят қилинган.

Абдуллоҳ ибн Бурайда отасидан нақл қилади:

- Расулуллоҳ (с.а.в.) бизга Хутба ўқидилар. Шу пайт Ҳасан ва Ҳусайн келди. Устларида қизғиш аёллар кўйлаги бор эди. Қоқилиб-суриниб келар эдилар. Расулуллоҳ минбардан тушиб уларни олиб ёнига чақирдилар ва шу оятни ўқидилар:

"Билингизки, албатта мол дунёларингиз ва бола-чақангиз фақат бир фитна-алдовдир, холос" (Анфол сураси, 28-оят).

Кейин шундай дедилар: "Буларни (қоқилиб-суриниб келаркан) кўргач чидай олмадим. «Расулуллоҳ (с.а.в.) вақти-вақти билан неваралари билан ўйнар, улар Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) олдиларида югуриб ўйнашар, улар билан бирга чиқиб айланар, уларни севинтирар эдилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.):

"Кичикларга иззатли бўлмаган, катталарга ҳурматда бўлмаганлар бизлардан эмас" дедилар.

Болаларга қизиқиш ва улар билан ўйнаш шахсиятларини ривожланишида муҳим рол ўйнайди. Бунга доир бир мисол. Ҳазрати Умар (р.а.)нинг ёнларига ҳокимларидан бири киради. Қараса, Ҳазрати Умар ётган, болалар эса унинг қорнини устида ўйнаб ўтирибдилар. Ҳоким Ҳазрати Умар (р.а.)ни бу ҳолига ҳайрон қолгач, Ҳазрати Умар:

"Сен болалар билан нима қиласан?" - деб сўрадилар. Ҳоким:

"Ичкарига кирганим заҳоти чаплаб ўтирган гапини тўхтатади дебди. Кейин Ҳазрати Умар (р.а.):

"Болаларга марҳаматли бўлмаган Уммати Муҳаммад (с.а.в.)га қандай марҳаматли бўлади, - деб уни ҳокимликдан озод қилдилар".

Ҳазрати Умар (р.а.) ҳокимларга ўша ердаги болаларга отиш, сузиш ва минишни ўргатишни буюрганлар.

Болаларни ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғлом бўлишлари учун мувозанатни сақлаш керак. Бир тарафга бепарво бўлиш бошқа томоннинг заиф бўлишига сабаб бўлади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) бадан тарбиясига аҳамият берганлар, аввал айтганимиздай отиш, сузиш, югуриш, кураш каби спортларни ташвиқ қилганлар. Ҳазрати Ойша (р.а.) онамиз билан шахсан югурганлари ва Рукона исмли бир паҳлавон билан кураш тушганлари маълум. Ҳазрати Пайғамбар бир кун жаноза бўлган ерда ўтирардилар. Ҳазрати Ҳасан билан Ҳазрати Ҳусайн кураш туша бошладилар. Пайғамбаримиз кулиб:

- Ҳа, Ҳасан! Бир кўрай сени. Тут Ҳусайнни, - деб Ҳазрати Ҳасанни қўллаб-қувватладилар. Ҳазрати Али:

- Эй, Расулуллоҳ! Сиз Ҳусайнни қўллаб-қувватлашингиз керак эмасми? Ҳасан катта-ку, - деди. Расулуллоҳ:

- Қара, Жаброил Ҳусайнга, Ҳа Ҳусайн! Сени бир кўрай, - деяпти, дедилар.

Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) ўз бола ва неваралари каби бошқа болаларни севар, уларга Аллоҳни энг қийматли омонати сифатида қарардилар. Болалар билан қизиқишда дин фарқига қарамас эдилар.

Ҳазрати Анас (р.а.) ҳикоя қилади:

Яҳудийлардан бир бола касал бўлган эди. Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) уни зиёрат қилишга бордилар. Бош томонига ўтирдилар ва:

- Мусулмон бўл, - дедилар. Бола отасига қаради. Отаси:

- Абул Қосимнинг айтганини қил, - дегач бола мусулмон бўлди. Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай дуо қилиб, ўринларидан турдилар:

"Аллоҳга ҳамд бўлсинки, у менинг воситамда бу болани жаҳаннамдан қутқарди".

Ҳазрати Пайғамбар қайнота

Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг қайноталик хусусиятларини куёви Ҳазрати Али ва Ҳазрати Усмон билан бўлган алоқаларида кўрамиз.

Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) қизларини никоҳ ва тўйлари билан шахсан шуғулланганлар. Куёвларини моддий юклар билан қийнамаганлар. Қизи Фотимани (р.а.) турмушга берадиган вақтларида, келиб бўлиб борадиган уйни тайёрлатганлар, ўзлари ҳам бориб текширганлар.

Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) куёвларига кўрсатган бу самимий муносабатлари ўз отасининг кўрсатган муомаласидан ҳам яхши муносабатда бўлган дейилса, Ҳазрати Усмонга (р.а.) ҳам бундан кам муомалада бўлмаганлар.

Буни Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) шу сўзларидан ҳам билиш мумкин: "Агар қирқ дона қизим бўлганда эди, ҳаммасини бир-бир Усмонга берар эдим".

Ҳазрати Али (р.а.) қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилганлар.

Ҳазрати Усмон Бадр жангида қатнашмаганлар. Аёллари Руқия (р.а.) касал эдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) Ҳазрати Усмонга (р.а.) аёлининг ёнида қолиб, унга ёрдам беришни амр қилдилар. Бадр ғалабаси ҳақида хабар келган пайтда Руқия (р.а.) вафот этдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) Бадр ўлжаларидан Ҳазрати Усмонга (р.а.) ҳам ажратиб шундай дуо қилдилар:

"Аллоҳ сени ўтган, келажак, яширин, ошкор ҳатто қиёматга қадар бўладиган гуноҳларингни кечирсин".

Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) Ҳазрати Усмон (р.а.)ни жуда қадрлар эдилар. Ойша онамиз ва Ҳазрати Усмон (р.а.) ривоят қиладилар:

"Ҳазрати Абу Бакр (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ёнига кириш учун рухсат сўрашдилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ётоғида эдилар. Устларида Ойша онамизнинг лўнгилар бор эди. Бу вазиятда Ҳазрати Абу Бакрга (р.а.) киришга рухсат берилди. Ҳазрати Абу Бакр (р.а.) дардини айтиб чиқди. Кейин Ҳазрати Умар (р.а.) рухсат сўрадилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) айни вазиятда Умарни (р.а.) киришига рухсат бердилар. Ҳазрати Умар ҳам кириб чиқдилар.

Ҳазрати Усмон (р.а.) ҳикоя қиладилар: "Кейин мен рухсат сўрадим. Пайғамбаримиз ўринларидан туриб, азрати Ойшага "Уст-бошингни тузат" дедилар. Мен ҳам дардимни айтдим ва чиқдим.

Ҳазрати Ойша (р.а.):

- Эй Расулуллоҳ! Ҳазрати Абу Бакр ва Ҳазрати Умар кирганларида тортинмаганингиз ҳолда Усмон учун тараддудландингиз? - дедилар.

- Усмон тортинчоқ одам. Уни аввалги вазиятда қарши олсам, уялганидан аҳволини айта олмайди, - деб андиша қилдим. Бошқа бир ривоятда эса шундай деганлари айтилади:

"Ҳатто фаришталар ҳаё этган зотдан мен қандай қилиб ҳаё этмайман".

Шундай самимият

Ибн Собит ҳикоя қилади: Али (р.а.) билан Фотима (р.а.) орасида гап қочиб бўлган эди. Расулуллоҳ (с.а.в.) Ҳазрати Али (р.а.)никига бориб, Фотима (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.) учун тўшак тўшади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) тўшак устига ётдилар. Кейин Али (р.а.) келиб бир ёнларига ётдилар.

Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) Алини (р.а.) қўлини олиб, қоринларига қўйдилар. Фотиманинг (р.а.) қўлини ҳам худди шундай қилдилар. Иккисини яраштиргунча қўлларини муборак қоринларида устида тутиб турдилар. Уйдан чиққанларида Расулуллоҳга (с.а.в.) шундай дедилар:

- Уйга кираётганда қайғули эдингиз, энди эса юзингизда қувонч аломатларини кўряпмиз.

- "Нимага севинмай?! Энг яхши кўрган кишиларимни яраштирдим".

Самимият, оддийлик ва севги балқиб турган бу ҳаракат ҳамма учун ибратдир.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу самимий ҳаракат билан муаммоларни шахсан ўзлари ечиб, бошқанинг аралашишига ҳожат қолдирмас эдилар. Зеро, муаммолар ташқарига чиқса, ечими баттар қийинлашмоқда.

Амр ибн Саид ҳикоя қилади:

Ҳазрати Али (р.а.) Ҳазрати Фотимага бироз қаттиққўллик қилган эдилар. Фотима:

«Мен Расулуллоҳга шикоят қиламан», деб чиқиб кетди. Али эса уни таъқиб қила бориб, уларнинг сўзлашувларини эшитадиган жойда турдилар. Фотима (р.а.) Расулуллоҳ(с.а.в.)га Али (р.а.)ни қаттиққўллик қилганидан шикоят қилди. Расулуллоҳ (с.а.в.) унга:

- Эй қизим! Яхшилаб эшит ва ўйла, эрининг орзусига мос ҳаракат қилмайдиган аёллар гапига эътибор берилмайди, дедилар.

Бу пайтда Ҳазрати Али (р.а.) яқинроқ келиб, Фотимага (р.а.):

- Валлоҳи, бундан кейин кўнглингга ёқмайдиган ҳаракат қилмайман, дедилар.

Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) куёвнинг ранжимаслик ва аёли наздидаги мавқеига путур етмаслик учун ўринли гап ишлатганларки, бу нозиклик билан Ҳазрати Али (р.а.) хатосини англаб, Ҳазрати Фотимадан (р.а.) узр сўраганлар.

Хулоса.

Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг оила ҳаётлари билан боғлиқ кўп нарса айтиш мумкин. Хулоса шуки, ҳар соҳа каби оила ҳаёти борасида ҳам ягона намуна ва йўлбошчимиз - Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.). Инсонга ҳаёт йўлида энг яқин ҳамроҳ, ҳамдард, ҳамдам аҳлу аёли ҳисобланади.

Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.)ни илк тасдиқлаган содиқ аёллари Ҳадича (р.а.) онамиз бўлганлар.

Ёлғончи пайғамбар Асвадул Ансийнинг аёли Озод эри ҳақида: Аллоҳни яратиқлари ичида у қадар нафрат этган бошқа кимсам йўқ. У Аллоҳ учун на ҳақ йўлда туради, на ҳаромдан қайтаради, - деган ва ўлдирилиши учун энг катта ёрдамни берган эди. ўлаётган пайтида ҳўкизни бўкирганидай овоз чиқарар экан. "Нима бўляпти" деганларга Озод: "Унга ваҳий келяпти" деб масхаралаганди.

Илк ваҳий келганда қўрқув ичида бўлган Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.)га Ҳадича онамиз (р.а.) шундай дегандилар:

"Қўрқма, Аллоҳ сени ҳеч қачон уялтирмайди, қайғуга йўлиқтирмайди. Чунки сен яқинларингни кўзлайсан. Ожизларга ёрдам берасан. Омонатга хиёнат қилмай, тўғри гапни гапирасан".

Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) дунёнинг энг қийин вазифаси бўлган пайғамбарликни бажарарканлар, оилага умуман бепарво бўлмаганлар, ҳамма нарсанинг ҳаққини бериб, бошқалар учун шарафли бир намуна бўлганлар.

Оилани бошқариш худди давлатни бошқариш кабидир. Бир аёлни бошқаришда қийналадиганлар ўн бир аёл билан бахтли яшаган Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ибрат олишлари керак.

Ашрафул мурсалийн бўлган зот Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) ҳурматларига, аҳли байтларига ва асҳобларига салавоту саломлар бўлсин. Амин.